

Ақидага оид 200 савол-жавоб

Шайх Ҳофиз ибн Аҳмад оли Ҳакамий

Ислом Нури таржимаси

2007-1428 йй

Бисмиллахир роҳманир роҳим

1-савол: Бандалар билишлари лозим бўлган энг биринчи нарса нима?

Жавоб: Бандалар энг аввал Аллоҳ уларни у учун яратган, улардан у бўйича аҳду паймон олган, уларга ўша сабабли пайғамбарларини юборган ва китобларини туширган, у сабабли дунё ва охират, жаннат ва дўзах яратилган, ўша билан қиёмат қойим бўладиган, унинг хусусида тарозилар ўрнатиладиган, (амаллар) саҳифалари тарқатиладиган, саодат ва шақоват унга қараб бўладиган, унга кўра нурлар тақсимланадиган бир ишни билишлари лозим бўлади.

2-савол: Аллоҳ бандаларини унинг учун яратган ўша иш нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб-бехуда яратганимиз йўқ. Биз уларни фақат ҳақ (қонун, интизом) билан яратганимиз. Лекин уларнинг кўплари билмаслар.» (Духон: 38,39).

«Биз осмон ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни бехуда яратган эмасмиз. Бу (яъни улар бехуда-бемақсад яратилган деган гумон) кофир бўлган кимсаларнинг гумонидир.» (Сод: 27).

«Аллоҳ осмонлар ва Ерни (Ўзининг қудрати илоҳиясига далолат қилиши учун) ва ҳар бир жон мазлум бўлмаган ҳолларида ўзлари қилган амаллари сабабли жазоланиши учун ҳақ (қонун ва низом) билан яратди.» (Жосия: 22).

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зариёт: 56).

3-савол: Банда маъноси нима?

Жавоб: «Банда» сўзидан қул қилинган, бўйсундирилган деган маъно қасд қилинса, барча махлуқотни – оқилу беақл, ҳўлу қуруқ, ҳаракатлигу ҳаракатсиз, зоҳиру яширин, мўмину кофир, яхшию ёмон, барчаси тушунилади. Ҳаммаси Аллоҳ азза ва жалланинг махлуки ва бандаси, У зотнинг бўйсундириши билан бўйсундирилган, тадбири билан тадбирланган, ҳар бирининг ўзига белгилаб қўйилган чизиги ва етиб борадиган чегараси бор, ҳар бири белгилаб қўйилган муҳлат (ажал) сари

боради, ундан бир зарра миқдорича ўтиб кетолмайди, бу ал-Ғолиб ва ал-Алийм зотнинг белгилаб қўйган тақдири, ал-Одил ва ал-Ҳаким зотнинг тадбиридир.

Агар мазкур сўздан ўзини ҳокисор тутувчи обид маъноси қасд қилинса, бу Аллоҳнинг улар учун (охиратда) хавф-хатар йўқ ва ғамгин ҳам бўлмайдиган улуғ бандалари ва тақводор дўстларига хосланади.

4-савол: Ибодат нима?

Жавоб: Ибодат – Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган зоҳирий ҳамда ботиний сўз ва амалларни адо этиш ва уларнинг зиддидан тийилиш маъносини ўз ичига олган умумий бир калимадир.

5-савол: Амал қачон ибодатга айланади?

Жавоб: Икки нарса – тўла мутеълик билан тўла-тўқис муҳаббат комил суратда бўлганда.

Аллоҳ таоло деди: «**Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир**» (Бақара: 165).

«**Албатта, улар Парвардигорларидан қўрқиб хавфда турувчи кишилардир**» (Муъминун: 57).

Аллоҳ таоло булар ўртасини қўйидаги оятда жамлади: «**Дарҳақиқат улар яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қурқув билан дуо-илтижо қиласар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилувчи эдилар**» (Анбиё: 90).

6-савол: Банданинг Парвардигорига бўлган муҳаббати нима билан билинади?

Жавоб: Бунинг аломати – Аллоҳ таоло яхши кўрадиган нарсани яхши кўриш ва ёмон кўрадиган нарсани ёмон кўриш, Унинг буйруқларига амал қилиб, қайтариқларидан тийилиш, Унинг дўстларини дўст тутиб, душманларини душман деб билишдир. Шунинг учун иймоннинг энг мустаҳкам ҳалқаси – Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ёмон кўришдир.

7-савол: Бандалар Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган нарсани қандай билишлари мумкин?

Жавоб: Аллоҳ Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган нарсаларга буюрувчи ва Ўзи ёмон кўрадиган ва рози бўлмайдиган нарсалардан

қайтарувчи пайғамбарларни юборди ва китобларни нозил қилди, шу билан бандалар устида Аллоҳнинг қатъий ҳужжати барпо бўлди ва етук ҳикмати зоҳир бўлди.

Аллоҳ таоло деди: «**Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни** (жаннат ҳақида) **хушхабар элтувчи ва** (дўзах азобидан) **қўрқитувчи қилиб юбордик**» (Нисо: 165).

«**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласи. Аллоҳ** (гуноҳларни) **мағфират қилувчи, меҳрибондир**». (Оли Имрон: 31).

8-савол: Ибодатнинг шартлари нечта?

Жавоб: З та.

1- Чин кўнгилдан азму қарор (ният) қилиш, бу ибодатнинг вужудга келишидаги шартdir.

2- Ниятни холис қилиш.

3- Аллоҳнинг фақат унгагина амал қилишимизга буюрган шариатига мувофиқ бўлиши.

Бу (охирги) иккиси ибодатнинг қабул бўлиш шартларидир.

9-савол: Чин кўнгилдан азму қарор қилиш дегани нима?

Жавоб: Эринчоқлик ва сусткашлик қилмаслик, сўзини амали билан тасдиқлашга ҳаракат қилиш дегани.

Аллоҳ таоло деди: «**Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани** (қиласи, деб) **айтасиз?!** Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиласи, деб) **айтишларингиз Аллоҳ** наздида ўта манфур (ишдир).»

10-савол: Ихлоснинг маъноси нима?

Жавоб: Банданинг зоҳирий ва ботиний барча сўзу амалларидан муроди Аллоҳ таолонинг Юзини¹ исташ бўлмоғидир.

Аллоҳ таоло деди: «**Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга... буюрилган эдилар.**» (Баййина: 5).

«**У** (тақводор зот) **ҳузурида – зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир.** (Яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўтказиб қўйган яхшилигини қайтариш учун хайр-саҳоват кўрсатмайди). **У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини истаб** (молдавлатини сарф қилур).» (Вал-лайл: 19,20).

«(Улар айтурлар): **Биз сизларни ёлғиз Аллоҳнинг юзидан таомлантирурмиз. Сизлардан** (бу ишимиз учун) **бирон мукофот ва миннатдорчилик истамасмиз — кутмасмиз.**» (Инсон: 9).

«**Ким** (ўз амали билан) **охират экинини** (яъни савобини) **истар экан, Биз унга экинини(нг ҳосилини)** мўл-зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, **Биз унга ўшандан** (дунё матоларидан) **берурмиз ва унинг-учун охиратда бирон насиба бўлмас!**» (Шуро: 20).

11-савол: Аллоҳ таоло бизларни фақат унга амал қилишимизга буюрган шариат қайси?

Жавоб: у Иброҳим алайҳиссаломнинг дини – Ҳанифийядир.

Аллоҳ таоло деди: «**Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир**» (Оли Имрон: 19).

«**Аллоҳнинг динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару Ердаги барча жонзот истаса-истамаса Унга бўйсуниб турибди-ку!**» (Оли Имрон: 83).

«**Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўгирадилар**». (Бақара: 130).

«**Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас** (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) **ҳаргиз қабул қилинмайди** ва **у охиратда зиён кўрувчилардандир.**» (Оли Имрон: 85).

¹ “Юзини” сўзидан Аллоҳ таолога хос биз унинг жузъий маносини тушунадиган комил маъноси ва кайфиятини била олмайдиган ҳақиқий юзни тушинилади. Уни розилиги ёки савоби деб таъвил қилинмайди, чунки Аллоҳнинг юзи билан розилиги бошқа-бошқадир. (ИНТ)

«Балки улар (Макка мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Аллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари — бутлари бордир?!» (Шуро: 21).

12-савол: Ислом динининг нечта даражаси бор?

Жавоб: Зта даражаси бор: Ислом, иймон, эҳсон. Улардан ҳар бири мустақил зикр қилинганда диннинг ҳаммасини ўз ичига олади, (жамланганда эса ҳар бири ўзига хос маънони беради).

13-савол: Ислом маъноси нима?

Жавоб: Ислом – Аллоҳга Уни ёлғиз билган ҳолда таслим бўлиш, Унга тоат-ибодат билан бўйсуниш ва ширқдан халос бўлиш демақдир.

Аллоҳ таоло деди: «Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?!» (Нисо: 125).

«Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас у мустаҳкам халқани ушлабди» (Луқмон: 22).

«Бас, (барчаларингизнинг) илоҳингиз бир Илоҳдир. Унгагина бўйсунингиз! Итоат қилувчиларга хушхабар беринг!» (Ҳаж: 34).

14-савол: Ислом (мутлақ ҳолида) диннинг ҳаммасини ўз ичига олишига далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир» (Оли Имрон: 19).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ислом ғариф бўлиб бошланган, қандай бошланган бўлса, яна ўшандай ғарифликка қайтади». (Имом Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Исломнинг энг афзал (амал)и Аллоҳга иймон келтиришдир». (Аҳмад, Табароний ва бошқалар ривояти).

15-савол: Ислом калимасининг батафсил баёнида 5та руқн (асос) билан таърифланишига далил нима?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссаломнинг дин ҳақидаги саволларига жавобан айтган сўзларида: «Ислом - «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва «Мұхаммадун росулуллоҳ» деб гувоҳлик беришинг, намозни тўкис адо этишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг, йўлиға қодир бўлсанг Байтуллоҳни ҳаж қилишинг» деганлар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ислом 5та (асос) устига қурилган**» деб, юқоридаги асосларни айтганлар, фақат бу ҳадисларида ҳажни рўзадан илгари зикр қилганлар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

16-савол: Икки шаҳодатнинг диндаги ўрни қандай?

Жавоб: Банда фақат шу икки шаҳодатни айтибгина динга кира олади.

Аллоҳ таоло деди: «**Албатта мўминлар фақат Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига иймон келтирганлардир**». (Нур: 62).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Одамлар билан улар то «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Мұхаммадан абдуҳу ва Расулуху» деб гувоҳлик бергунларига қадар... жанг қилишга буюрилдим**», деганлар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Булардан бошқа кўп далиллар бор.

17-савол: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб шаҳодат бериш зарурлигига далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «**Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи (барҳақдир)**». (Оли Имрон: 18).

«**Бас, ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина (ҳақ) эканлигини билинг**». (Мұхаммад: 19).

«**Ҳеч қандай (ҳақ) илоҳ йўқ, магар яккаю ёлғиз ғолиб Аллоҳгина (ҳақ)дир**». (Сод: 65).

«**Аллоҳнинг боласи йўқдир ва У зот билан бирга бирон илоҳ бўлган эмасдир**» (Муъминун: 91).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Агар улар айтғанларидек Аллоҳ билан бирга** (бошқа) илоҳлар ҳам бўлса эди, у ҳолда ўша (илоҳлар) **арш соҳибиға** (яъни, Аллоҳга) қарши йўл излаган бўлур **эдилар**» (Исро: 42) ва булардан бошқа оятлар.

18-савол: «Ла илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатининг маъноси нима?

Жавоб: Ибодатга сазоворликни Аллоҳдан бошқа барчадан рад қилиш ва уни ёлғиз ва шериксиз Аллоҳ азза ва жаллага исбот қилиш, демакдир.

Аллоҳ таоло деди: «**Бунга сабаб Аллоҳнинг Ўзигина ҳақиқий Илоҳ экани ва улар Уни қўйиб илтижо қилаётганлари эса ботил экани, ҳамда, шак-шубҳасиз, Аллоҳ Ўзигина энг юксак ва буюк зот эканлигидир**» (Ҳаж: 62).

19-савол: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик беришнинг усиз гувоҳлик берувчига фойдаси бўлмайдиган шартлари қандай?

Жавоб: Унинг шартлари 7та:

- 1- Унинг маъносини яхши билиш;
- 2- Унга чин дилдан ишониш;
- 3- Унга зоҳиру ботинда бўйсуниш;
- 4- Уни қабул қилиб, у тақозо қилган ва лозим тутган нарсалардан биронтасини рад қилмаслик;
- 5- Ихлос билан бўлиши;
- 6- Тил билангина айтиб қўймасдан, чин дилдан тасдиқлаш;
- 7- Унга ва унинг аҳлига муҳаббат қўйиш, у туфайлигина дўстлашиш ва душман бўлиш.

20-савол: Бу шаҳодатнинг маъносини билиш шарт эканига Китоб ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «...(тиллари билан айтаётган сўзнинг маъносини) ўзлари билган ҳолларида ҳақ гувоҳлик берган (яъни, «Ҳеч қандай (ҳақ) илоҳ йўқ, магар ёлғиз Аллоҳгина ҳақ эканлигига гувоҳлик бераман» деган) **кишиларгина** (Аллоҳнинг изни-иродаси билан шафоат қилишга қодир бўлурлар»). (Зухруф: 86).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким «Ла илаҳа
иллаллоҳ» «Хеч қандай (ҳақ) илоҳ йўқ магар ёлғиз Аллоҳгина ҳақ
эканлиги»ни билган ҳолда дунёдан ўтса, жаннатга киради», дедилар.
(Муслим ривояти).

**21-савол: Чин кўнгилдан ишониш шарт эканига Китоб ва Суннатдан
далил борми?**

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва
Унинг пайғамбариға иймон келтириб, сўнгра (хеч қандай) шак-шубҳа
қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир.
Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содиқ бўлган зотлардир». (Хужурот:
15).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бир Аллоҳдан
ўзга илоҳ йўқ ва мен (яъни, Муҳаммад) Аллоҳнинг элчисиман. Бирон
бир банда мана шу (калималар)га ҳеч бир шубҳа қилмаган ҳолда
Аллоҳга йўлиққудай бўлса, албатта жаннатга киради» (Муслим
ривояти).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Ҳурайра розияллоҳу
анхуга: «Шу девор ортида чин кўнгилдан ишониб «Ла илаҳа
иллаллоҳ» деб гувоҳлик берадиган қай бир кишига йўлиқсанг, унга
жаннат билан хушхабар бер», дедилар. (Муслим ривояти).

**22-савол: Бўйсунишнинг шарт эканига Китоб ва Суннатдан далил
борми?**

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Ким чиройли амал қилувчи бўлган
ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас у мустаҳкам халқани ушлабди»
(Луқмон: 22).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сизлардан
бирон киши то нафс-ҳавоси мен келтирган нарсага тобе бўлмагунча
мўмин бўлолмайди» (Нававий «Арбаъийн»да келтирган).

**23-савол: Қабул қилишнинг шарт эканига Китоб ва Суннатдан далил
борми?**

Жавоб: Аллоҳ таоло уни қабул қилмаган кишилар шаънида деди:
«(Эй фаришталар, сизлар) золим-кофир бўлган кимсалар ва уларнинг

ҳамтовоқларини ҳамда улар Аллоҳни қўйиб ибодат қилиб ўтган нарсаларини тўплаб, дўзах йўлига бошланглар» оятидан то «Чунки улар ўзларича: «Ҳеч қандай (барҳақ) илоҳ йўқ, магар ёлғиз Аллоҳгина ҳақдир», дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар. Ва улар «Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб худоларимизни тарк қиласиз эканмизми?» дер эдилар» оятигача (Соффат: 22-36).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ мен билан юборган ҳидоят ва илм бамисоли ерга ёқкан мўл ёмғирга ўхшайди. Баъзи ерлар тоза ер бўлади, сувни ўзига сингдириб, мўл-кўл ўсимликлар ва майсаларни ундиради. Айрим ерлар қаттиқ бўлиб, сувни (сингдирмасдан) ушлаб қолади, сўнг Аллоҳ у билан одамларни фойдалантиради – ичишади, (ҳайвонларини) суғоришади, **ЭКИН-ТИКИН** қилишади. У (ёмғир)нинг бир қисми яна бир хил ерга ҳам тушадики, **у қаттиқ теп-текис кенглик бўлиб**, на сувни ушлаб қолади ва на ўсимлик ўстиради. Бу эса Аллоҳнинг динида фақих бўлган, Аллоҳ мен орқали юборган илм унга фойда бериб, олим бўлган ва (ўзгаларга) таълим берган одамнинг мисоли билан у тарафга юз бурмаган ва мен билан юборилган ҳидоятни қабул қилмаган одамнинг мисолидир.» (Бухорий ривояти).

24-савол: Ихлоснинг шарт эканига Китоб ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир» (Зумар: 3).

«Сиз Аллоҳга — У зот учун динингизни холис қилган ҳолда ибодат қилинг!» (Зумар: 2).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Менинг шафоатим ила энг саодатли бўлувчи инсон – сидқидилдан, холис: «La ilâha illâ Allâh» деб айтган кишидир» (Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Албатта, Аллоҳ Ўзининг юзини истаб «La ilâha illâ Allâh» деган кишини дўзахга ҳаром қилгандир.» (Бухорий ривояти).

25-савол: Чин дилдан содиқ бўлишнинг шарт эканига Китоб ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Одамлар: «Иймон келтирилди», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон келтирилди» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур» (Анкабут: 2,3).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сидқидилдан «La ilaha illallahu Muhammadi Rosulullah» деб гувоҳлик берувчи ҳар қандай кишини Аллоҳ албатта дўзахга ҳаром қилган». (Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир аъРабийга ислом шариати (асосларини, фарзларини) таълим берганларида у: «Аллоҳга қасамки, шулардан оширмайман ҳам, камайтирмайман ҳам» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар шу гапида содиқ бўлса нажот топди», дедилар. (Бухорий ривояти).

26-савол: Муҳаббат қўйиш шарт эканига Китоб ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар» (Моида: 54).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Кимда учта нарса бўлса, у иймоннинг ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Расули у учун бошқа барча нарсадан кўра суюклироқ бўлиши, бир кишини яхши кўрса фақат Аллоҳ учун яхши кўриши, куфрга қайтишни ўтга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши» (Бухорий ривояти).

27-савол: Аллоҳ учун дўстлашиш ва Аллоҳ учун душман тутишнинг қандай далили бор?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига

дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир» оятидан бошлаб, «Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ унинг пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўкис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир» оятигача (Моида: 51-55).

«Эй мўминлар, агар иймондан куфрни афзал билсалар, отоналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз!» (Тавба: 23).

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға муҳолифлик қилган кимсалар билан – гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да – дўстлашаётганларини топмассиз». (Мужодала: 22).

«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар!» (Мумтаҳана: 1).

Ва бундан бошқа оятлар ҳам кўп.

28-савол: «Муҳаммадун Расулуллоҳ» (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчисидир) деб гувоҳлик беришнинг далили нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Албатта Аллоҳ мўминларга ўзларидан бўлган (яъни одам жинсидан бўлган), уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қиласидиган, (гуноҳларидан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва ҳикматни ўргатадиган пайғамбарни юбориш билан яшилик қилди. Зеро улар илгари очиқ хато – залолатда эдилар» (Оли Имрон: 164).

«(Эй инсонлар), ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл – ҳақ динга келишингизга) ҳарис – ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келдику!» (Тавба: 128).

«Аллоҳ, дарҳақиқат, сиз Ўзининг пайғамбари эканлигингизни билур» (Мунофиқун: 1).

Ва бошқа оятлар.

29-савол: «Мұхаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришнинг маъноси нима?

Жавоб: Тил билан «Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва қиёмат кунида барча умматлар устида гувоҳлик берувчи, мұмінларга жаңнат ҳақида хушхабар әлтүвчи ва коғирларни дўзах азобидан огоҳлантирувчи ҳамда Аллоҳнинг изни-иродаси билан У зотнинг динига даъват қилувчи ва Ҳақ йўлини кўрсатувчи нурли чироқ қилиб юборган элчисидир» деб айтилган гапни чин дилдан қатъий тасдиқлашдир. У зот хабар берган ўтганларнинг хабарлари-ю, келгусидагиларнинг даракларини, шунингдек нима нарсани ҳалол, нима нарсани ҳаром деган бўлсалар, барчасини тасдиқлаш вожибdir. У зотнинг амру фармонларига бўйсуниш, қайтариқларидан тийилиш, шариатларига эргашиш, суннатларини лозим тутиш, қилган ҳукмларига рози ва таслим бўлиш лозим. У зотга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш, у зотга осий бўлиш Аллоҳга осий бўлиш демақдир. Чунки у зот Аллоҳнинг рисолатини етказувчидирлар. У зот динни камолига ва рисолатни тамомига етказдилар, умматларини туни ҳам кундуздек бўлган ёруғ йўл устида қолдириб, сўнг дунёдан ўтдилар.

30-савол: «Мұхаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришнинг шартлари нима ва ушбу шаҳодатсиз биринчи шаҳодат мақбул бўладими?

Жавоб: Юқорида айтганимиздек, банда фақат мазкур икки шаҳодат билангина динга кириши мумкин ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, биринчи шаҳодатнинг шартлари иккинчи шаҳодат шартларининг айни ўзиdir.

31-савол: Намоз ва закот (Исломнинг рукнларидан экани)нинг далили нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз!» (Тавба: 5)

«Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо этишиб, закотни (ҳақдорларга) ато қилсалар, у ҳолда диний биродарингиздирлар» (Тавба: 11).

«Холбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган Түғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар» (Баййина: 5).

Ва бошқа оятлар.

32-савол: Рўзанинг далили нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди» (Бақара: 183).

«Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин» (Бақара: 185).

Бир аъРабий: «Аллоҳ менга фарз қилган рўзадан хабар беринг» деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Рамазон ойининг рўзаси, бироқ истасанг ихтиёрий-нафл рўза тутишинг мумкин**» деб жавоб берганлар. (Бухорий ривояти).

33-савол: Ҳажнинг далили нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «**Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!**» (Бақара: 196).

«Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир» (Оли Имрон: 97).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Аллоҳ таоло сизларга ҳажни фарз қилди**» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

«Ислом беш асос устига қурилган... Қодир бўлган киши Байт “Каъба”ни ҳаж қилиши» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Ва бошқа ҳадислар.

34-савол: Булардан биронтасини инкор қилган ёки иқрор бўлса-да, такаббурлик билан юз ўгирган кишининг ҳукми нима бўлади?

Жавоб: Иблис ва Фиръавн каби бошқа мутакаббир ва инкор қилувчилардек коғир деб эътибор қилинади ва қатл қилинади.

35-савол: Буларга иқрор бўлган, кейин қандайдир ялқовлик ёки бошқача таъвил билан амални тарк қилган кишининг ҳукми нима бўлади?

Жавоб: Бундай сабаб билан намозни вақтидан кечиктирган одамдан тавба қилиш талаб қилинади, тавба қилса қилди, йўқса унинг жазоси ўлим бўлади.

«Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз!» (Тавба: 5).

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мен одамлар билан то улар «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мұхаммад Унинг расулидир» деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни адо этмагунларича жанг қилишга буюрилдим...» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Закотни беришдан бўйин товлаган одам агар шон-шавкат эгаси бўлмаса, имом (халифа) ундан зўрлик билан ундириб олади ва уни молининг бир қисмини олиб қўйиш билан жазолайди. Зеро, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким уни (закотни) ман қилса, биз уни албатта оламиз ва у билан бирга молининг ярмини олиб қўямиз**». (Аҳмад, Абу Довуд, Насойӣ ва бошқалар ривояти).

Агар шон-шавкат ва куч-кудрат эгаси бўлган жамоат бўлса, юқоридаги оят ва ҳадислар мазмунига кўра, имом уларга қарши то закотни бермагунларича уруш қилиши лозим бўлади. Абу Бакр ва саҳобалар розияллоҳу анҳум шундай қилганлар.

Рўзани тарк қилган одам ҳақида бирор ҳукм келмаган. Лекин халифа ёки унинг ноиби ундейларга зажр (огоҳлантирув) бўларли чоралар кўради.

Ҳаж – банда умрининг охиригача адо этиши мумкин бўлган фарз бўлиб, то вафотигача ҳам унинг вақти ўтган ҳисобланмайди. Бироқ уни ҳам имкон қадар тезроқ адо этишга шошилиш лозим. Унга бепарволик билан қараганларга охиратда азоблар борлиги айтилган, аммо дунёда хос бир жазо қўлланилмайди.

36-савол: Иймон нима?

Жавоб: Иймон – сўз ва амалдир, қалб ва тилнинг сўзи ҳамда қалб, тил ва аъзоларнинг амалидир, тоат билан зиёда бўлади, маъсият билан камаяди, бу хусусда иймон ахли бир-биридан фарқли бўлади.

37-савол: Иймоннинг сўз ва амал эканига далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Лекин Аллоҳ сизларга иймонни суюкли қилди ва уни дилларингизга чиройли кўрсатди» (Ҳужурот: 7).

«Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига иймон келтирингиз» (Аъроф: 158).

Бу – банда усиз динга киролмайдиган икки шаҳодатнинг маъносидир, у эътиқод жихатидан қалбнинг амали, нутқ жихатидан тилнинг амалидир, бири бошқасисиз фойда бермайди.

Аллоҳ таоло деди: «**Аллоҳ иймонларингизни** (яъни, қибла ўзгаришидан аввал Байтул Мақдисга қараб ўқиган намозларингизни) **зое қилувчи эмас**». (Бақара: 143). Ушбу оятда Аллоҳ таоло намозни иймон деб атади, намоз қалб, тил ва бадан аъзолари амалидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жиҳодни, Қадр кечасида ибодат билан бедор бўлишни, Рамазондаги рўза ва тунги намозни, беш вақт намозни адo этишни ва шу каби бошқа амалларни иймондан деб санадилар. У зотдан: «Энг афзал амал қайси?» деб сўралганда **«Аллоҳ ва Расулига иймон келтириш»**, деб жавоб бердилар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

38-савол: Иймоннинг зиёда бўлиши ва камайишига далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «У (Аллоҳ) ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўминларнинг дилларига сакинат-ором туширган зотдир» (Фатҳ: 4).

«Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига иймон келтирган ва Биз иймонларини зиёда қилган йигитлардир» (Каҳф: 13).

«Аллоҳ ҳақ йўлдаги кишиларга яна ҳидоятни зиёда қилур» (Марям: 76).

«Ҳидоят топган зотларга эса (Аллоҳ) яна ҳидоятни зиёда этур» (Муҳаммад: 17).

«Токи иймон келтирган зотларнинг иймонлари янада зиёда бўлгай» (Муддассир: 31).

«Бас, у (суро) иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилур» (Тавба: 124).

«Ундей зотларга айрим кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган, қўрқингиз!» — деганларида бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир!» — дедилар» (Оли Имрон: 173).

«Бу уларнинг (Аллоҳга бўлган) иймон ва итоатларини янада зиёда қилди, холос» (Аҳзоб: 22).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Агар сизлар ҳар доим ҳам менинг олдимда бўлган ҳолатингизда бўлсангиз эди, малоикалар сизлар билан қўл бериб кўришган бўлишарди»**. (Муслим ривояти).

39-савол: Иймон аҳли иймонда бир-бирларидан фарқли бўлишларига далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: (Барча яхши амалларга) пешқадам бўлувчи зотлар (жаннат неъматларига эришишида ҳам) пешқадам бўлувчи зотлардир! Ана ўшалар ноз-неъмат боғларида (Аллоҳ таолога) яқин қилинувчилардир» оятидан то: **«Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир!»** оятигача (Воқеа: 10-27).

«Энди агар ўша (вафот қилувчи киши Аллоҳга) яқин қилинган (пешқадам)лардан бўлса, у ҳолда (унинг учун) роҳат-фароғат, гўзал ризқ ва ноз-неъматли жаннат бордир! Энди агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, у ҳолда (эй саодатманд бандам), сенга ўнг томон эгаларидан салом бўлгай!» (Воқеа: 88-91).

«Бас уларнинг орасида (Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмайдиган) **ўз жонига жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилавчи ҳам бордир»** (Фотир: 32).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоат ҳақидаги ҳадисларида айтганлар: **«Аллоҳ қалбида бир динор вазнича иймон**

бўлган кишини, сўнг қалбида ярим динор вазнича иймон бўлган кишини дўзахдан чиқаради» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Бир ривоятда: «Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган бўлса ва қалбида арпа донича яхшилик бўлса, дўзахдан чиқади. Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган бўлса ва қалбида буғдойча яхшилик бўлса, дўзахдан чиқади. Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган бўлса ва қалбида заррача яхшилик бўлса, дўзахдан чиқади.» (Бухорий ривояти).

40-савол: Иймон умумий маънода диннинг ҳаммасини ўз ичига олишига далил нима?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдул Қайс қабиласи элчиларига: «Сизларни Аллоҳнинг ёлғиз ўзига иймон келтиришга буюраман», дедилар, сўнгра: «Аллоҳнинг ёлғиз ўзига иймон келтириш нималигини биласизларми?» деб сўрадилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ» деб жавоб беришди. Шунда дедилар: «Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни адо этиш, закотни бериш, (жангдаги) ўлжадан бешдан бирини беришларинг». (Муслим ривояти).

41-савол: Иймоннинг тафсилида у 6 аркон билан таърифланишига далил борми?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрийл алайҳиссаломнинг: «Менга иймон ҳақида хабар беринг» деган саволларига: «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтириш, қадарнинг яхисига ва ёмонига ишониш» деб жавоб берганлар. (Муслим ривояти).

42-савол: Бунинг Қуръондан далили борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган... кишилар яхши кишилардир» (Бақара: 177).

«Албатта Биз ҳар бир нарсани қадар (аниқ ўлчов) билан яратдик»
(Қамар: 49).

Иншоаллох, ҳар бирининг далилини алоҳида келтирамиз.

43-савол: Аллоҳ азза ва жаллага иймон келтиришнинг маъноси нима?

Жавоб: Илгари ҳам ўхشاши ўтмаган, бундан кейин ҳам бўлмайдиган, Ундан аввал бирон нарса бўлмаган Аввал, Ундан кейин бирон нарса бўлмаган Охир, Ундан юқорида бирон нарса бўлмаган Зоҳир, Ундан паст-яқинроқ бирон нарса бўлмаган Ботин, Тирик, Абадий турувчи, Ягона, Беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким Унга тенг бўлолмайдиган зот бўлмиш Аллоҳ таолонинг борлигини чин кўнгилдан қатъий тасдиқлаш ҳамда Уни улуҳияти, рубубияти, исмлари ва сифатларида ёлғиз билиш демакдир.

44-савол: Улуҳият тавҳиди – яъни Аллоҳни улуҳиятида ёлғиз билиш қандай бўлади?

Жавоб: Сўздаги ва амалдаги зоҳирий ва ботиний ибодат турларининг ҳаммасини ёлғиз Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзига чеклаш ва Аллоҳдан ўзга ҳеч кимни, ким бўлишидан қатъий назар, ибодатга сазовор деб билмасликдир.

Аллоҳ таоло деди: «**Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизга... амр этди**» (ИсроП:23).

«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар!» (Нисо: 36).

«Дарҳақиқат Мен Аллоҳдирман. (Ҳеч қандай ҳак) илоҳ йўқ, фақат Мен ҳақдирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо қил!» (Тоҳа: 14).

Ва бошқа оятлар.

45-савол: Улуҳият тавҳидининг зидди нима?

Жавоб: Унинг зидди ширк бўлиб, у икки хил – катта ва кичик ширкка бўлинади.

46-савол: Катта ширк нима?

Жавоб: Банда Аллоҳдан бошқа бирон нарсани У зотга тенг деб кўриши ва уни Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўриши, ундан Аллоҳдан кўркқандек қўрқиши, унга илтижо ва дуо қилиши, (азобидан) қўрқиши ва (мукофотидан) умидвор бўлиши, унга интилиши, унга таваккул қилиши, Аллоҳга маъсият қилган ҳолида унга итоат қилиши, унга Аллоҳ рози бўлмайдиган нарсада эргашиши ва шу кабилар.

Аллоҳ таоло деди: «**Албатта Аллоҳ ўзига** (бирон нарса ё кимсанинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечиради. Кимки **Аллоҳга ширк келтирса, демак, жуда қаттиқ йўлдан озибди**» (Нисо: 116).

«**Ким Аллоҳга** (бирор кимса ёки нарсани) **шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди**» (Нисо: 48).

«**Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур**» (Моида: 72).

«**Ким Аллоҳга ширк келтирса бас, у осмондан қулагану, уни (бирон ваҳший) қуш (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учириб кетган кабидир**» (Ҳаж: 31).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи – Унга ибодат қилишлари ва Унга бирон нарсани шерик қилмасликлари, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақлари – Унга бирон нарсани ширк келтирмаган кишини азбламаслигидир**» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Ушбу ширкни қилиб диндан чиқишида Макка кофиirlари каби уни ошкор қилувчилар ҳам, тилларида Исломни зоҳир қилиб, дилларида куфрни яширган мунофиқлар ҳам баРабардирлар.

Аллоҳ таоло деди: «**Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз! Магар тавба қилиб ўзларини ўнглаган ва Аллоҳга боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилган зотлар — ана ўшаларгина мўминлар билан бирга бўлурлар**» (Нисо: 145, 146).

Ва бошқа оятлар.

47-савол: Кичик ширк нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло учун қилинган амалга риёning аралashiшидир. Аллоҳ таоло деди: «**Ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!**» (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин). (Қаҳф: 110).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Сизлардан кичик ширк содир бўлиб қолишидан қаттиқ қўрқаман**» дедилар, кичик ширк нималигини сўрашганда: «**Риё**» деб жавоб бердилар. Сўнг буни қуйидаги сўзлари билан изоҳладилар: «**Бир киши туриб намоз ўқийди, бошқа бировнинг унга қараб турганини кўриб, намозини чиройли қиласди**». (Аҳмад, Байҳақий ва бошқалар ривояти).

Аллоҳдан бошқа номига қасам ичиш, чунончи, ота-боболарга, бутларга, Каъбага, омонатга ва шу кабиларга қасам ичиш ҳам шу жумлага киради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**На оталарингиз, на оналарингиз ва на бутлар билан қасам ичмангиз**». (Абу Довуд, Насой ва бошқалар ривояти).

««**Каъбага қасам**» деманглар, балки «**Каъбанинг Раббига қасам**» денглар». (Аҳмад, Табароний ва бошқалар ривояти).

«**Аллоҳдан бошқа билан қасамёд қилманглар!**» (Абу Довуд, Насой ва бошқалар ривояти).

«**Омонатга қасамёд қилган одам биздан эмас**» (Абу Довуд, Аҳмад ва бошқалар ривояти).

«**Аллоҳдан бошқа билан қасам ичган одам** (кичик куфр билан) **кофир бўлибди ёки** (кичик ширк билан) **мушрик бўлибди**» (Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривояти).

«**Аллоҳ хоҳласа ва сиз хоҳласангиз**» деган ибора ҳам шу жумладандир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига шундай деган одамга: «**Мени Аллоҳга тенг қилдингми?! Йўқ, фақат Аллоҳ ўзи хоҳласа**», деганлар. (Бухорий «Ал-Адаб ул-Муфрад»да, Аҳмад, Насой ва бошқалар ривояти).

«**Аллоҳ ва сиз бўлмаганингизда**», «**Аллоҳдан ва сиздан бошқасига ҳожатим йўқ**», каби сўзлар ҳам шу жумладандир.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳ ҳоҳласа ва фалончи ҳоҳласа деманглар, балки Аллоҳ ҳоҳласа, сўнг фалончи ҳоҳласа денглар**». (яъни, “ва” ўрнига “сўнг” ишлатилади) (Абу Довуд, Насойӣ, Аҳмад ва бошқалар ривояти).

Аҳли илмлар: «Аллоҳ ва фалончи бўлмаганида» дейиш жоиз эмас, лекин «Аллоҳ, сўнгра фалончи бўлмаганида» дейиш жоиз, дейдилар.

48-савол: Мазкур иборалардаги «ва» билан «сўнгра» ўртасида нима фарқ бор?

Жавоб: «Ва» боғловчиси билан боғлашлик биргалик ва тенгликни тақозо этади. «Аллоҳ ҳоҳласа ва сиз ҳоҳлассангиз» деган одам банданинг ҳоҳишини Аллоҳнинг ҳоҳиши билан тенглаштирган ва бир ўринга қўйган бўлади. «Сўнгра» боғловчиси билан боғлашлик эса бирин-кетинлик ва эргашишни тақозо этади. «Аллоҳ ҳоҳласа, сўнгра сиз ҳоҳлассангиз» деган одам банданинг ҳоҳиши Аллоҳ таолонинг ҳоҳишига тобеъ ва У зотнинг ҳоҳишидан кейин туришини эътироф этган бўлади. Аллоҳ таоло айтганидек: «(Эй инсонлар), **сизлар фақат Аллоҳ ҳоҳлаган вақтдагина ҳоҳларсизлар**» (Инсон: 30).

49-савол: Рубубият тавҳиди – яъни Аллоҳни рубубиятида ёлғиз билиш қандай бўлади?

Жавоб: Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг Рабби, Эгаси, Холиқи, Тадбир қилувчиси, Тасарруф қилувчисидир, Мулк-эгадорликда Унинг шериги йўқ, У ҳеч кимга хор-зор бўлмайдиган зот, Унинг буйруғини рад қилувчи, Унинг ҳукмини бекор қилувчи йўқ, тенги ҳам, ўхشاши ҳам, номдоши ҳам йўқ, Унинг рубубияти ўз ичига олган маъноларнинг ва Унинг исмлари ва сифатлари тақозо этган нарсаларнинг биронтасида Унинг рақиби йўқ, деб қатъий иқрор бўлишдир.

Аллоҳ таоло деди: «**Ҳамду сано осмонлар ва Ерни яратган, зулматлар ва нурни таратган Аллоҳ учундир**» (Анъом: 1) ушбу сурा аввалидан охиригача рубубият тавҳидига далолат қилади.

«**Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (Киёмат) Кунининг эгаси — подшоҳи бўлмиш Аллоҳ учундир**» (Фотиха:1-4).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтинг (қавмингиздан сұранг): «**Осмонлар ва Ернинг Парвадигори ким?**» «**Аллоҳ**», деб жавоб қилинг (чунки улар бундан бошқа жавоб топа олмайдилар. Улардан): «**Бас, Үша (Аллоҳни) қўйиб, (ўзгалар эмас, ҳатто) ўзларига ҳам фойда-зиён етказишга қодир бўлмайдиган бутларни ушлаб олдингизми?**» деб сұранг. Яна айтингки, «**Кўр (гумроҳ) билан кўрувчи (ҳақ йўлга ҳидоят топган киши) баРабар бўлурми?** Ёки зулматлар билан нур баРабар бўлурми?» Ё улар Аллоҳ яратгани каби ярата оладиган бутларни У зотга шерик қилишиб олиб, сўнгра уларга яратилган нарсалар (Аллоҳ яратганми ёки сифинаётган бутлари яратганми экани) номаълум бўлиб қолдими? Айтинг: «**Аллоҳ барча нарсани яратувчи**дир ва У танҳо ғолибдири». (Раъд: 16).

«**Аллоҳ сизларни яратган, сўнгра ризқу-рўзингизни берган, сўнгра жонингизни оладиган, сўнгра сизларга (қайта) ҳаёт берадиган зотдир. Сизлар (сифинаётган) бутларингиз орасида мана шуларнинг биронтасини қила оладиган кимса борми?!** (Аллоҳ) уларнинг ширкларидан пок ва юксакдир» (Рум: 40).

«**Булар Аллоҳ яратган нарсалардир. Энди** (эй мушриклар,) **сизлар Менга Ундан ўзга «худолар» нималарни яратганини кўрсатингларчи!**» (Луқмон: 11).

«**Балки улар ҳеч нарсадан** (яъни, Яратувчисиз) **яралиб қолгандирлар?!** Ёки улар ўzlари яратувчимиканлар-а?! Балки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар!» (Ват-Тур: 35, 36).

«**У осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги бор нарсаларнинг ҳожасидир.** Бас, сиз Унга ибодат қилинг ва бу ибодатда сабртоқатли бўлинг! Унинг учун бирон «тенг»ни билурмисиз?! (Йўқ! Билмассиз!)» (Марям: 65).

«**Бирон нарса У зотга ўхашаш эмасдир.** У эшитувчи ва кўриб турувчидир» (Шўро: 11).

««**Ҳамду сано бола-чақа қилмаган, подшоҳлик-илоҳликда шериги йўқ, хор-зорликдан (қутқарувчи) дўсти-ёрдамчиси бўлмаган** (яъни, ҳеч кимга хор-муҳтоҷ бўлмайдиган) зот - Аллоҳ учундир», деб айтинг ва У зотни мудом улуғланг!» (ИсроП: 111).

«(Эй Мұхаммад, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзға (илоҳлар) деб гүмөн қылған бутларингизга дуо-илтижо қиласверинглар-чи, (улар сизларга ижобат қила оларміканлар)! Улар на осмонларда ва на ерда бир зарра вазнича (нарса)га эга эмасдирлар ва улар учун (осмонлар ва ерда Аллоҳга) шериклик ҳам йўқдир ҳамда (Аллоҳ) учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир. (Аллоҳ) ҳузурида фақат Унинг Ўзи изн берган кишиларгагина шафоат-оқлов фойда берур (яъни ана ўша зотларгина шафоатга эришурлар, ё ўзгаларни шафоат қила олурлар). Қачонки (Парвардигор ваҳйдан бирон нарсани сўзласа, самовот ахли-фаришталар буни эшитишса, унинг ҳайбатидан дилларига қўрқув тушади) дилларидан қўрқув кетказилгач улар (бир-бирларига): «Парвардигорингиз нима деди», деб (савол қилишади), «Ҳақни (айтди), У юксак ва буюк зотдир», дейишади» (Сабаъ: 22, 23).

50-савол: Рубубият тавҳидининг зидди нима?

Жавоб: Бор қилиш ё йўқ қилиш, ҳаёт баҳш этиш ё вафот топтириш, яхшиликни келтириш ё ёмонликни кетказиш каби рубубият маъноларидан бўлмиш борлиқ ишларидан бирон ишнинг тадбирида Аллоҳ азза ва жалла билан бирга бошқа бирон тасарруф қилувчи зот ҳам бор деб эътиқод қилиш ёки У зотнинг ғайбни билиш, буюклик ва кибриё каби исм ва сифатлари тақозо этган маъноларда рақиби бор деб эътиқод қилишdir.

Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, бас уни ушлаб-тўсиб қолувчи бўлмас ва нени ушлаб қолса, бас У зот (ушлаб қолгани)дан сўнг у (нарсани бандаларга) бирон юборувчи бўлмас. У қудрат ва ҳикмат эгасидир. Эй инсонлар, сизларга Аллоҳ ато этган сон-саноқсиз неъматни эслангиз! Сизларга осмону заминдан ризқу-рўз берадиган Аллоҳдан ўзға биронта яратувчи борми?! Ҳеч бир (барҳақ) илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина (барҳақ) дир» (Фотир: 2, 3).

«Агар Аллоҳ сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар сизга бирон яхшилик (етказишни) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олевчи йўқдир» (Юнус: 107).

«Айтинг: «Энди хабар беринглар-чи, сизлар Аллоҳни қўйиб дуо-илтижо қиласаётган бутларингиз – агар Аллоҳ менга бирон зиён

етказиши истаса, ўша (бутлар) У зотнинг зиёнини арита олувчимилар? Ёки (Аллоҳ) менга бирон марҳамат қилишни ирода қилса, ўша (бутлар) У зотнинг марҳаматини ушлаб қолувчимилар?!» Айтинг: «Менга Аллоҳнинг Ўзи етарлидир. Таваккул қилувчи – суюнувчи зотлар ёлғиз Унга таваккул қилурлар» (Зумар: 38).

«Гайб хазиналари Унинг ҳузури дадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур» (Анъом: 59).

«Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)»» (Намл: 65).

«Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар» (Бақара: 255).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло айтди: Азамат (буюклиқ) менинг изорим, кибриё (улуғворлик) эса ридоимдир, ким улардан бирортасини мендан тортиб олмоқчи бўлса, мен дўзахимни унга маскан қиласман». (Муслим ривояти).

51-савол: Ислам ва сифатлар тавҳиди нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло Китобида Ўзини сифатлаган ёки пайғамбари Уни васф этган гўзал исмлар ва олий сифатларга иймон келтириш, уларни қандай бўлса ўшандай ҳолича, кайфийятини баҳс этмасдан қабул қилиш. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Каломида кўп ўринларда исм ва сифатларни зикр қилиш билан бирга уларни қандайлигини билиб бўлмаслигини уқтирган ...?

Аллоҳ таоло деди: «У зот уларнинг олдилари даги (яъни охиратдаги) ва ортлари даги (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар» (Тоҳа: 110).

«Бирон нарса У зотга ўхашаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчи дир» (Шўро: 11).

«Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ зотдир» (Анъом: 103).

Термизий ривоят қилган ҳадисда Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу айтади: Мушриклар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Бизга Раббингизнинг наسابини баён қилинг» дейишганда Аллоҳ таоло нозил қилди: «(эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «У — Аллоҳ Бирдир. (Яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю

ёлғиздир). **Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **қўзланувчи**дир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). **У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир). **Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир»** (Ихлос: 1-4).

52-савол: Аллоҳнинг гўзал исмларига Китоб ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «**Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар** (унга дуо қилинглар). **Унинг исмларида ҳақдан оғиб** (ноўрин жойларда уларни қўллайдиган мушрик) **кимсаларни тарк қилинглар»** (Аъроф: 180).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Аллоҳ, деб** чорлангиз, ёки **Раҳмон** (Мехрибон), деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (бари бирдир). Зоро, У зотнинг гўзал исмлари бордир» (Исро: 110).

«**Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Фақат Унинг Ўзи ҳақдир. Унинг учун энг гўзал исмлар бордир»** (Тоҳа: 8).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳнинг 99 исми бор, ким уларни ихсо қилса** (ёддан айтиб чиқса, ёдласа, маъноларини билиб унга амал қилса) **жаннатга киради»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида шундай деганлар: «**Сенинг учун бўлган ҳар бир исм билан Сендан сўрайманки у исм билан Ўзингни номлагансан ёки уни бирон китобингда нозил қилгансан ёки уни бирон бандангга билдиргансан ёки Ўз олдингдаги ғайб илмида олиб қўйгансан. Шу исмларнинг ҳаммаси билан сўрайман. Қуръонни қалбимнинг баҳори... қилгин»** (Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва бошқалар ривояти).

53-савол: Қуръонда асмоул-ҳусно (гўзал исмлар)дан мисоллар борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «**Албатта, Аллоҳ Алий-энг юксак ва Кабир-буюк бўлган зотдир»** (Нисо:34).

«Албатта Аллоҳ Латиф-мехрибон ва Ҳобир-огоҳ бўлган зотдир»
(Аҳзоб: 34).

«Зотан У Алим-билим ва Қодир-қудрат эгаси бўлган зотдир»
(Фотир: 44).

«Албатта, Аллоҳ Самиъ-эшитувчи, Басир-кўрувчи бўлган зотдир» (Нисо: 58).

«Албатта, Аллоҳ Азиз-қудрат ва Ҳаким-ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо: 56).

«Албатта Аллоҳ Ғафур-мағфиратли ва Роҳим-мехрибон бўлган зотдир» (Нисо: 23, 106).

«Албатта, У зот мўминларга Рауф-марҳаматли, Роҳим-мехрибондир» (Тавба: 117).

«Аллоҳ Ғаний-бекожат ва Ҳалиймдир» (Бақара: 263).

«Албатта, У Ҳамид-ҳамду сано эгаси ва Мажид-буюк зотдир» (Ҳуд: 73).

«Албатта, Парвардигорим ҳамма нарсани Ҳафиз-кузатиб турувчиидир» (Ҳуд: 57).

«Албатта, Парвардигорим Қориб-яқин ва Мужиб-(дуоларни) ижобат қилувчиидир» (Ҳуд: 61).

«Албатта Аллоҳ Роқиб-устингизда кузатувчи бўлган зотдир»
(Нисо: 1).

«Аллоҳнинг ўзи етарли Вакилдир» (Нисо: 81, 132, 171, Аҳзоб: 3, 48).

«Аллоҳнинг Ўзи етарли Ҳасиб-ҳисоб-китоб қилувчиидир» (Нисо: 6, Аҳзоб: 39).

«Аллоҳ ҳамма нарсага Муқит-қодир бўлган зотдир» (Нисо: 85).

«Албатта Аллоҳ барча нарсага Шаҳид-гувоҳдир» (Ҳаж: 17).

«Албатта У зот барча нарсани Муҳит-иҳота қилувчиидир»
(Фуссилат: 54).

«Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай ҳақ маъбуд йўқ. Фақат Унинг Ўзи ҳақдир. У Ҳай-тирик ва Қайюм-абадий турувчиидир» (Бақара: 255, Оли Имрон: 2).

«Аввал ҳам, Охир ҳам, Зоҳир ҳам, Ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани Алим-билувчиидир» (Ҳадид: 3).

«У — Аллоҳ шундай зотдирки, ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи барҳақдир. (У) ғайб ва шаҳодатни (яъни яширин ва ошкора

нарсаларни) **Олим-билиувчидир.** У **Раҳмон-мехрибон** ва **Раҳим-раҳмлидир.** У — **Аллоҳ**, шундай зотдирки, ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, фақат **Унинг Ўзи барҳақдир.** У (ёлғиз) **Малик-подшоҳдир**, (барча айб-нуқсондан) **Қуддус-покдир**, **Салом-саломатдир**, (Ўзи хоҳлаган бандаларини дунё бало-офтатлари ва охират азобидан) **Муъмин-омон қилувчидир**, (бандаларнинг амалларини) **Муҳаймин-қўриб-кузатиб турувчидир**, **Азиз-қудрат соҳибидир**, **Жаббор-бўйсундирувчидир**, (танҳо) **Мутакаббир-кибр эгасидир.** **Аллоҳ уларнинг** (мушрикларнинг) ширкларидан покдир. У — **Аллоҳ Холик-яратувчидир**, (йўқдан) **Бориъ-бор қилувчидир**, (барча нарсага) **Мусаввир-сурат-шакл берувчидир.** Унинг гўзал исмлари бордир. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Унга тасбех айтур. У **Азиз-қудрат ва Ҳаким-ҳикмат соҳибидир»** (Ҳашр: 22-24).

54-савол: Суннатда асмоул-ҳусно (гўзал исмлар)дан мисоллар борми?

Жавоб: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида шундай дердилар:

«Азим-Улуғ, Ҳалим (мехрибон) Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Арш эгаси улуғ Аллоҳдан ўзга ҳеч илоҳ йўқ. Осмонлар Рабби, ер Рабби, Арш Рабби бўлган Карим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Эй Ҳай-мангу ҳаёт ва Қойюм-абадий турувчи Зот! Эй улуғлик ва икром соҳиби! Эй осмонлару ернинг Бадийъ-яратувчиси!» (Абу Довуд, Насойи ва бошқалар ривояти).

«Унинг исми билан ердаги ва осмондаги ҳеч бир нарса зарар етказолмайдиган, Самиъ-Эшитувчи, Алим-Билувчи Зотнинг исми билан (паноҳ сўрайман)». (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ва бошқалар ривояти).

«Олимул ғайби вашشاҳода-Ғайбу ошкорни билувчи, осмонлару ернинг Фотир-яратувчиси, барча мавжудотнинг Рабби ва Малики-подшоҳи бўлган эй Аллоҳ!» (Термизий, Абу Довуд, Насойи ва бошқалар ривояти).

«Етти осмон Рабби, улуғ Аршнинг Рабби, бизнинг Раббимиз ҳамда барча нарсанинг Парвардигори, уруғу донни ёрувчи-яратувчи,

Таврот, Инжил ҳамда Фурқон (Қуръон)ни нозил этувчи эй Аллоҳ! Сен пешонасидан туттган (яъни, Сенинг салтанатинг остидаги) ҳар ёмонлик эгасининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Эй Аллоҳ! Сен Аввалдирсан ва Сендан олдин ҳеч нарса йўқ! Сен Охирдирсан! Сендан сўнг ҳам ҳеч нарса йўқ. Сен Зоҳирдирсан! Сенинг тепангда ҳеч нарса йўқ! Сен Ботиндирсан! Сендан пастда-яқинда ҳам ҳеч нарса йўқ!» (Муслим ривояти).

«Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг Нуридирсан. Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларни Қайюм-тутиб турувчиидирсан!» (Бухорий ривояти)

«Эй Аллоҳ! Мен Сендан ўзга илоҳ йўқ деб, Сен Ёлғиз, шериксиз, туғмаган ҳам, туғилмаган ҳам ва ҳеч бир тенги бўлмаган Самад - беҳожат Зотлигингга гувоҳлик келтирганим ҳолда сўрайман» (Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ва бошқалар ривояти).

«Эй қалбларни буриб қўйувчи зот!» (Термизий, Аҳмад ва бошқалар ривояти).

Булардан бошқа ҳам кўп ҳадислар мавжуд.

55-савол: Аллоҳнинг гўзал исмларидан ҳар бири неча хил нарсага далолат қиласди?

Жавоб: Уч турли нарсага: Зотининг айнан ўзига (мутобиқ равишда) далолат қиласди, ўз зимнида бўлган (яъни маъносини ўз ичига олган) сифатга (зимний) далолат қиласди, ундан иштиқоқ қилинмаган, бироқ айни исм эгасида бўлиши лозим бўлган бошқа сифатларга (лузумий) далолат қиласди.

56-савол: Бунга мисол айта оласизми?

Жавоб: Масалан, Раҳмон ва Раҳим исмлари исм эгасининг зотига, яъни Аллоҳ азза ва жалланинг ўзига айнан (мутобиқ равишда) далолат қиласди. Шу билан бирга бу исмларнинг ўзаги бўлган «раҳмат» сўзининг зимнидаги раҳмдиллик сифатига (зимний) далолат қиласди. Шунингдек, бу ўзакдан ажralиб чиқмаган, бироқ ушбу исм эгасида бўлиши лозим бўлган – тириклик, қудрат каби сифатларга ҳам далолат қиласди. Бошқа исмлар ҳам айни шундай. Махлуқларда эса ундей эмас. Мисол учун, бир

одамнинг исми Ҳаким бўлгани ҳолда ўзи жоҳил бўлиши, исми Азиз бўлгани ҳолда ўзи хор бўлиши, исми Шариф (шарафли) бўлгани ҳолда ўзи тубан бўлиши, исми Сайд (бахтли) бўлгани ҳолда ўзи баҳтсиз бўлиши, исми Солиҳ бўлгани ҳолда ўзи ярамас бўлиши, исми Асад (шер) бўлгани ҳолда ўзи қуёнюрак бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло эса Ўзини қандай васф этган бўлса, айни шундайдир.

57-савол: Гўзал исмлар ўз мазмунига далолат қилиши жиҳатидан неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Тўрт қисмга:

- 1- Гўзал исмлар маъноларининг барчасини ўз ичига оловчи атоқли от – АЛЛОҲдир. Шунинг учун исмларнинг барчаси унга сифат бўлиб келади: «**У — Аллоҳ Холик-яратувчидир, Бориъ-(йўқдан) бор қилувчидир,** (барча нарсага) **Мусаввир-сурат-шакл берувчидир**» (Ҳашр: 24) оятида келгани каби. Бироқ, у бошқа исмларга ҳеч тобе бўлиб келмаган.
- 2- Аллоҳнинг зотидаги сифатни ўз зимнига – ичига олган исмлар. Мисол учун, Аллоҳ таолонинг Самиъ (эшитувчи) исми Унинг хоҳ махфий, хоҳ ошкор, барча овозларни эшитиш сифатини ўз ичига олган. Басир (кўрувчи) исми Унинг каттаю кичик барча кўрилувчи нарсаларни кўриш сифатини ўз ичига олган. Алийм (билувчи) исми «**Осмонлар ва ердаги бир зарра мисқоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса Ундан махфий бўлмайдиган**» (Сабаъ: 3), ҳамма нарсани қамраб олган илмини ўз ичига олган. Қодийр (қудратли) исми бор қилиш, йўқ қилиш ва бошқа барча ишларга қодирлигини ўз ичига олган.
- 3- Аллоҳ таолонинг феълий сифатини ўз зимнига олган исмлар: Холик (яратувчи), Розик (ризқ берувчи), Бориъ (йўқдан бор қилувчи), Мусоввир (сурат-шакл берувчи) каби.
- 4- Аллоҳ таолонинг муқаддаслигини, барча нуқсондан поклигини ўз зимнига олган исмлар: Қуддус, Салом каби.

58-савол: Гўзал исмлар Аллоҳ азза ва жаллага итлоқ қилиниши (истеъмол қилиниши, қўлланиши) жиҳатидан неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Мазкур исмлардан ёлғиз ҳолда ёки бошқаси билан қўшилиб туриб, Аллоҳга нисбатан қўлланадиганлари бор: Аллоҳнинг комиллик сифатини ўз ичига олувчи Ҳай (тирик), Қайюм (абадий турувчи), Аҳад (ягона), Сомад (бехожат) ва бошқалар каби.

Улардан фақат ўзининг муқобили билан қўшилиб, Аллоҳга нисбатан қўлланадиганлари ҳам борки, ёлғиз ҳолда айтилса, нуқсонли сифатни ифодалashi мумкин: Зоррун ва Нофеъ (**зарар берувчи** ва фойда етказувчи), Хофиз ва Рофеъ (**пастлатувчи** ва юксалтирувчи), Муътий ва Монеъ (ато этувчи ва **ман қилувчи**), Муъиз ва Музил (азиз қилувчи ва **хор қилувчи**) каби. Зоррун, Хофиз, Монеъ ва Музил исмларини ёлғиз ҳолда истеъмол қилиш жоиз эмас, улардан биронтаси Қуръонда ҳам, Суннатда ҳам ёлғиз ҳолда имтеъмол қилинмаган. Аллоҳ таолонинг Мунтақим (интиқом олувчи) исми ҳам шу жумладан бўлиб, Қуръонда у ўзи тааллуқли бўлган бошқа сўз билан қўшилибгина истеъмол қилинган: «**Албатта Биз ундай жиноятчи кимсалардан интиқом олувчи дирмиз**» (Сажда: 22) каби. Ёки мазкур калиманинг ўзагига «соҳиби» сўзини қўшиб истеъмол қилинган: «**Аллоҳ қудрат эгаси ва интиқом соҳибидир**» (Оли Имрон: 4, Моида: 95) каби.

59-савол: Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари бор, дейилди. Зотий сифатларига Қуръондан мисол келтира оласизми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Йўқ! У зотнинг икки қўли очиқдир**» (Моида: 64).

«**Барча нарса ҳалок бўлувчи дир, магар Унинг Юзигина** (яъни, ўзигина мангудир)» (Қасас: 88).

«**Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг Юзи — Юзигина боқий мангу қолур**» (Раҳмон: 27).

«**У зот нақадар кўрувчи, эшитувчи дир!**» (Каҳф: 26).

«**Шак-шубҳасиз Мен сизлар билан биргаман — эшитиб, кўриб туурман**» (Тоҳа: 46).

«**У зот уларнинг олдилари даги (яъни охиратдаги) ва ортлари даги (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар**» (Тоҳа: 110).

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди» (Нисо: 164).

«Эсланг, Парвардигорингиз Мусога нидо қилиб: «У золим қавмга боргин» (деган эди)» (Шуъаро: 10).

«(Шунда) уларга Парвардигорлари нидо қилиб: «Сизларни бу дараҳтдан қайтармаганмидим ва албатта шайтон сизларнинг очик душманингиз демаганмидим?!», (деди)» (Аъроф: 22).

«(Аллоҳ) уларга нидо қилиб: «Пайғамбарларимга нима жавоб қилган эдинглар?» дейдиган кунда» (Қасас: 65).

Булардан бошқа оятлар ҳам мавжуд.

60-савол: Зотий сифатларга Суннатдан ҳам мисоллар борми?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Унинг пардаси нурдир, агар уни очиб юборса Юзининг нури бутун маҳлуқотини куйдириб юборган бўларди» (Муслим ва Ибн Можа ривояти).

«Аллоҳнинг ўнг қўли лиммо-лим, кечаю кундуз тўхтовсиз инфоқ қилиши уни камайтиrolмайди. Осмонлару ерни яратганидан бери қанча инфоқ қилганини кўрдингларми? Бу эса У зотнинг ўнг қўлидагини камайтиrolмади. Унинг арши сув узрадир, бошқа қўлида файз (бандаларнинг ризқини) кўтариб тушириб туради.» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Дажжол ҳақидаги ҳадисларида: «Албатта, Аллоҳ сизларга маҳфий қолмайди. Албатта, Аллоҳ ғилай (бир кўзи мажруҳ) эмас», деб қўллари билан кўзларига ишора қилдилар (яъни Аллоҳнинг кўзи борлигига ишора қилдилар) (Бухорий ва Муслим ривояти).

Истихора қилишни ўргатган ҳадисларида: «Парвардигоро! Мен Сенинг илминг билан Сендан истихора қиласман - яхшиликни сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қудрат-қодирлик тилайман. Сендан улуғ фазлинг билан сўрайман. Сен Қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳамма нарсани) билувчисан, мен билувчи эмасман. Сен ғайларни-да билувчиидирсан» (Бухорий ривояти).

«Сизлар кар ва ғойиб зотга дуо қилмаяпсиз, эшитувчи, кўрувчи, яқиндаги зотга дуо қилаяпсиз» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Аллоҳ агар бир ишнинг хабарини беришни истаса, ваҳий билан гапиради» (Бухорий ривояти).

Қайта тирилиш ҳақидаги ҳадисларида: «Аллоҳ таоло: «Эй Одам!» деб хитоб қилади, шунда Одам: «Лаббай», деб жавоб беради» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Қиёмат мавқифида Аллоҳ таоло бандаларига гапириши, жаннат ахлига гапириши түғрисида сон-саноқсиз ҳадислар бор.

61-савол: Феълий сифатларига Қуръондан мисоллар борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Сұнгра самога юзланди...» (Бақара: 29).

Улар (Қиёмат кунида) боқмайдилар, магар уларга булатдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар (ҳисоб-китоб учун) келади...» (Бақара: 210).

«Улар Аллоҳни тўғри таний олмадилар! Бутун ер қиёмат кунида Унинг қабзаси – чангали(дадир). Осмонлар эса Унинг қўлига йиғилгандир» (Зумар: 67).

«Эй Иблис, Мен Ўз қўлларим билан яратган нарсага — Одамга сажда қилишдан нима сени ман қилди?!» (Сод: 75).

«Унинг учун лавҳларга (яъни Таврот варакларига) ҳамма нарсани — панд-насиҳат ва барча нарсаларнинг тафсилотини ёзib қўйдик» (Аъроф: 145).

«Қачонки, Парвардигори у тоқقا кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади» (Аъроф: 143).

«Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани қилур» (Ҳаж: 18)

62-савол: Феълий сифатларга Суннатдан мисоллар борми?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Раббимиз ҳар кеча туннинг охирги учдан бир бўлаги қолганда дунё осмонига тушади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Шафоат ҳақидаги ҳадисларида: «Шунда Аллоҳ улар танийдиган суратида уларнинг ҳузурига келиб: «Мен Раббингизман» дейди, улар ҳам: «Сен Раббимизсан» дейишади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Бу ҳадисдаги феълий сифатдан мурод Аллоҳнинг келиши, сурати эмас.

«Қиёмат куни Аллоҳ таоло ерни чангалида тутади, осмонлар ҳам Унинг қўлида бўлади, сўнгра айтади: Мен подшоҳман...» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Аллоҳ маҳлуқотни яратгач, ўз қўли билан: «Албатта Менинг раҳматим ғазабимдан ғолибдир» деб ёзиб қўйди» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Одам ва Мусо алайҳимассалом ўзаро баҳс қилганлари ҳақидаги ҳадисда: **«Одам деди: Эй Мусо, Аллоҳ сени қаломига танлади, сенга Тавротни ўз қўли билан ёзди»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Аллоҳнинг қаломи ва қўли зотий сифат, сўзлаши зотий ва феълий сифат, Тавротни ёзиши феълий сифатдир.

«Аллоҳ таоло тунда кундузги гуноҳкорларнинг тавбасини қабул қилиш учун қўлини ёзади, кундузи эса тунги гуноҳкорларнинг тавбасини қабул қилиш учун қўлини ёзади» (Муслим ривояти).

Бундан бошқа ҳадислар ҳам мавжуд.

63-савол: Барча феълий сифатлардан исмлар ясаладими ёки Аллоҳнинг барча исмлари тавқифийми (яъни Аллоҳ ва Расулининг хабарларига чекланганми)?

Жавоб: Аллоҳ таолонинг барча исмлари тавқифийдир, У Китобида Ўзини исмлаган ёки Расули соллалпоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида исмлаган исмлар билангина исмланади. Аллоҳ таоло Ўзига умумий суратда истеъмол қилган ҳар бир феъл мадҳ ва камолни ифодалайди, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳ Ўзини мутлақ васф қилган сифатлар эмас, уларнинг ҳаммасидан ҳам исмлар чиқариб олинмайди. Балки улардан баъзилари борки, Аллоҳ таоло улар билан Ўзини мутлақ васфлаган: **«Аллоҳ сизларни яратган, сўнгра ризқу-рўзингизни берган, сўнгра жонингизни оладиган, сўнгра сизларга (қайта) ҳаёт берадиган зотдир»** (Рум: 40) каби ва Ўзини Холик (яратувчи), Раззок (ризқ берувчи), Муҳийй (тирилтирувчи), Мумийт (ўлдирувчи), Мудаббир (тадбир қилувчи) деб номлаган.

Улардан яна баъзилари борки, Аллоҳ таоло уларни жазо ва муқобала тариқасида Ўзига итлоқ қилган: **«Албатта мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйувчидир»** (Нисо: 142), **«(Яҳудийлар) макр қилдилар. Аллоҳ ҳам макр-уларнинг**

макрларини ибтол қилди. Аллоҳ макар қилувчиларни зўрроғидир» (Оли Имрон: 54) ва «**Улар Аллоҳни унтишгач, Аллоҳ ҳам уларни унутди»** (Тавба: 67) оятларида келгани каби. Лекин бу феълларни мазкур оятларда келганидан бошқа ўринда Аллоҳга истеъмол қилиб бўлмайди. Аллоҳ таоло макр қилади, алдайди, мазах қилади деб айтилмайди. Шунингдек, Аллоҳ таоло Мокир (макр қилувчи), Муходиъ (алдаб қўювчи), Мустаҳзиъ (мазахловчи) деб исмланмайди, бу нарсани на мусулмон ва на оқил одам айтади. Зотан, Аллоҳ таоло фақат ноҳақ макр, алдов ва масхара қилган кимсаларга жазо тариқасидагина Ўзини макр, алдаш, мазахлаш сифатлари билан сифатлади. Маълумки, бундай ишлар учун адолат билан жазо бериш махлуқлар шаънида ҳам яхши сифат ҳисобланади, шундай бўлгач, адолатли, билимдон ва доно яратувчи шаънида қандай ундай бўлмасин?!

64-савол: Аллоҳнинг Алий, Аъло ва шу маънодаги Зоҳир, Қоҳир, Мутаолий исмлари қандай маънони ўз ичига олган?

Жавоб: Алий, Аъло исми унинг ўзаги бўлган «олийлик» сўзидан олинган, олийликнинг барча маънолари У зотда событ эканини билдиради:

Аллоҳ таоло арши узра юксалганлигининг маъноси: барча махлуқотидан олий, улардан ажралган, уларни кузатиб турувчи, уларнинг ҳар бир ҳолатини билади, илми ҳар бир нарсани қамраб олган, унга ҳеч нарса махфий қолмайди.

Қудратининг олийлиги: Унга бас келувчи, У билан талашиб-тортишувчи, Унга қаршилик кўрсатувчи, уни тўхтатиб қолувчи йўқ. Балки ҳамма нарса Унинг азаматига – улуғлигига бўйсунган, Унинг иззатига – ғолиблигига таслим бўлган, Унинг кибриёси – улуғворлиги олдида бўйин эгган, Унинг қудрати ва тасарруфи остида, Унинг чангалидан чиқиб кетолмайди.

Шаънининг олийлиги: камолот сифатларининг барчаси Унда событ, У ҳар қандай нуқсондан холи, азза ва жалла, таборака ва таоло.

Олийликнинг мазкур барча маънолари бир-бирига чамбарчас боғлик ва бири иккинчисидан асло ажралмайди.

65-савол: Юқорига юксалғанлигига Қуръондан далил борми?

Жавоб: Бунга очиқ ва сон-саноқсиз далиллар бор.

Бунга юқоридаги олийлик маъносидаги исмлар ҳам далил бўлади.

Бунга Аллоҳ таолонинг қуидаги оятлари ҳам далил бўлади:

«(У зот) Ўз аршига кўтарилган-ўрнашган Раҳмондир» (Тоҳа: 5).

Қуръоннинг етти жойида келган.

«Ё сизлар осмондаги зот сизларни Ер юттириб юборишидан... хотиржаммисизлар» (Мулк: 16).

«Улар устиларидаги (уларни кузатиб турган) **Парвардигорларидан қўрқурлар»** (Наҳл: 50).

«(Ҳар бир) хуш сўз Унга юксалур ва яхши амални ҳам (Аллоҳ Ўз даргоҳига) **кўтарур»** (Фотир: 10).

«Фаришталар ва Рӯҳ (яъни Жаброил) **миқдори-узунлиги эллик минг йил бўлган бир Кунда** (яъни Қиёмат Кунида) **У зотнинг ҳузурига кўтарилурлар»** (Маориж: 4).

«У осмондан ергача бўлган барча ишни тадбир қилиб – бошқариб турур, сўнгра (бу ишларнинг барчаси) **сизларнинг ҳисобингизда минг йилга тенг бўладиган бир кунда Унинг Ўзига кўтарилур»** (Сажда: 5).

«Эй Ийсо, албатта Мен сени вафот қилдирувчи ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман» (Оли Имрон: 55).

Ва бошқа оятлар.

66-савол: Бунинг Суннатдан ҳам далили борми?

Жавоб: Ҳа, Суннатда ҳам сон-саноқсиз даражада кўп далиллари бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Арш унинг юқорисида, Аллоҳ аршнинг устида ва У етти қават осмон устидан мулкига ҳукмронлик қиласди» (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва бошқалар ривояти, заиф ҳадис).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир чўри қизга: **«Аллоҳ қаерда?»** деб савол берганларида у: «Осмонда» деб жавоб бергач, хожасига: **«Уни озод қиласвер, у мўмина»** деганлар. (Муслим ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг меърожга кўтарилишлари ҳақидаги ҳадислар ҳам бунга далил бўлади.

«Сизларнинг орангизда кечаси бир тоифа, кундузи бир тоифа малоикалар алмашиб турадилар. Улар бамдод ва аср намозлари

вақтида жамланишади, сўнг сизларнинг ичингизда тунни ўтказганлари (самога) кўтарилади. (Аллоҳ таъоло) Ўзи яхши билган ҳолда улардан: «Бандаларимни қай ҳолда қўйиб келдинглар?» деб сўрайди. Улар: «Уларни намоз ўқиётган ҳолда тарк қилдик, намоз ўқиётган ҳолларида борган эдик» дейишади.» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Ким бир дона хурмо қийматича нарсани ҳалол-пок касбидан садақа қилса, ваҳоланки Аллоҳ ҳузурига фақат пок нарсагина кўтарилади..» (Бухорий ва Муслим ривояти).

«Агар Аллоҳ таоло самода бир ишга ҳукм қилса, малоикалар Унинг сўзига бўйсунганиликдан худди тош устида занжир судралгани каби (овоз чиқариб) қанотларини қоқишиади» (Бухорий ривояти).

Бундан бошқа ҳадислар ҳам кўп, жаҳмиялардан бошқа барча мавжудот бунга иқрор бўлган.

67-савол: Салафи солиҳ дин имомлари «истиво» (яъни, Аллоҳ таолонинг арши узра кўтарилгани-ўрнашгани) масаласида қандай фикрда бўлганлар?

Жавоб: Барчалари бир фикрда яқдил бўлганлар: Истиво маълум, кайфиятини билиш инсон ақли доирасидан ташқарида, унга иймон келтириш вожиб, у ҳақда сўраш (савол-жавоб қилиш) бидъат, рисолат Аллоҳдан, пайғамбарининг вазифаси етказиш, бизнинг вазифамиз таслим бўлишдир. Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари ҳақида сўз юритилган барча оят ва ҳадислар хусусида уларнинг фикрлари шундай: «У (Китоб)га иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Парвардигоримиз ҳузуридандир» (Оли Имрон: 7), «Аллоҳга иймон келтирдик. Гувоҳ бўлгинки, биз Аллоҳга бўйсунувчилармиз» (Оли Имрон: 52).

68-савол: Қуръондан далил борми?

Жавоб: Ҳа, жуда кўп далиллар бор. Аллоҳ таоло деди:

«Унинг Ўзи бандалари устида ғолибдир» (Анъом: 18, 61).

«У зот (айбдан) покдир. У яккаю ягона ва ғолиб Аллоҳдир» (Зумар: 4).

«Бу Кунда подшоҳлик кимникидир? Яккаю ягона ғолиб зот Аллоҳникидир!» (Фоғир: 16).

«(Эй Мұхаммад,) айтинг: «Мен фақат бир огоҳлантирувчидирман холос. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар яккаю ёлғиз ғолиб Аллоҳгина бордир» (Сод: 65).

«Ўрмалаган нарса борки, барчаси У зотнинг қўл остидадир» (Ҳуд: 56).

«Эй жин ва инс жамоаси! Агар сизлар (Аллоҳнинг жазосидан қочиб) осмонлар ва Ер чегараларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангизлар, у ҳолда ўтиб кетаверинглар! Сизлар фақат куч-қудрат билангина ўта олурсизлар, (лекин у Кунда сизларда ҳеч қандай куч-қудрат бўлмас)!» (Раҳмон: 33).

Ва бундан бошқа оятлар.

69-савол: Бунга Суннатдан ҳам далил борми?

Жавоб: Суннатда ҳам кўп далиллар бор. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида айтардилар:

«Сен пешонасидан тутган (яъни, Сенинг салтанатинг остидаги) ҳар бир қимирлаган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман» (Муслим ривояти).

«Эй Аллоҳим! Албатта, мен Сенинг қулингдирман. Қулингнинг ўғлиман. Чўрингнинг ўғлиман. Пешонам Қулингда (яъни, мен Сенинг салтанатинг-хукминг остидаман). Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менинг устимда қилган қазоинг (хукминг) адолатдир» (Аҳмад ривояти).

«Албатта, Сен ҳукм этасан. Сенинг устингдан ҳукм этилмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас» (Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа ва бошқалар ривояти).

Ва бошқа кўп ҳадислар.

70-савол: Шаъни улуғлигига далил нима ва нималарни Аллоҳ таолога нисбатламаслигимиз лозим?

Жавоб: Шаънининг улуғлиги - Қуддус, Салом, Кабир, Мутаол ва шу маънодаги исмлар ўз ичига олган ва Унинг камолига ва улуғлигига далолат қилувчи барча сифатлари лозим тутган нарсадир.

У зот ўзининг ягоналигига бошқанинг У билан бирга эгадорлик қилишидан ёки Унга ёрдамчи ва кўмакчи бўлишидан ёки Унинг хузурида Унинг изнисиз шафоатчи бўлишидан олий – юқори зотдир.

Ўзининг азамати (буюклиги), кибриёси (улуглиги), малакути (подшоҳлиги) ва жабарутида (қудратида) бироннинг У билан талашиб-тортишувчи ёки Унга бас келувчи ёки Унга валий (дўст) ва насийр (мададкор) бўлишидан олий – юқори зотдир.

Ўзининг беҳожатлигига умр йўлдоши, фарзанд ва отадан, шунингдек тенги ва ўхшashi бўлишидан олий – юқоридир.

Ўзининг барҳаётлиги ва абадий туришлигига ўлиш, мудраш, ухлаш, чарчаш, заифлашишдан олий – юқоридир.

Илмининг комиллигига ғофиллик ва унутишдан, шунингдек, еру осмонлардаги бирон нарса Унинг илмидан заррача миқдорда чиқиб кетишидан олий – юқоридир.

Ҳикматининг комиллигига бирон нарсани беҳуда яратиб қўйишдан ва халқини буйруқ ва қайтариқсиз, қайта тирилтириш ва жазосиз бекор ташлаб қўйишдан олий – юқоридир.

Адлининг комиллигига биронга заррача миқдорда зулм қилишдан ёки биронтасининг ҳасанотидан бирон нарсани ажр-савобсиз қолдиришдан олий – юқоридир.

Ғиноси – беҳожатлигининг комиллигига таомланиш, ризқланиш ё биронга бирон нарсада муҳтож бўлишдан олий – юқоридир.

Ўзини васф этган ёки Расули Уни васф этган барча сифатларда таътилдан (яъни бирон сифатини йўққа чиқариш) ва тамсилдан (яъни махлуқотларнинг сифатларига ўхшатилишдан) олийдир. У пок, мақтовли, ғолиб, улуғ, баракот эгаси, олий ва муқаддасдир, улуҳияти ва рубубиятига, гўзал исмлари ва олий сифатларига зид келувчи ҳар қандай айбу нуқсондан покизадир: **«Осмонлар ва ердаги энг олий сифат Уникидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир»** (Рум: 27). Бу хусусда Қуръон ва Суннатдан далил-ҳужжатлар хўп ва кўп, маълум ва машҳурдир.

71-савол: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аллоҳнинг гўзал исмлари ҳақида: «Ким уларни санаса, жаннатга киради» деган сўзларининг маъноси нима?

Жавоб: Буни бир неча маъноларда тафсир қилинган:

а) уларни ёд олиш, улар билан дуо қилиш, улар билан Аллоҳга ҳамду сано айтиш;

б) улардан Карим (саховатли), Раҳим (раҳмдил) каби эргашиш мумкин бўлган сифатларни банда ўз ҳолига муносиб равишда ўзида мужассам қилишга уриниши, Аллоҳ таолонинг ёлғиз ўзига хос бўлган Жаббор, Азим, Мутакаббир каби сифатларга банда иқрор бўлиши, уларга бўйсуниши, улардан биронтасига эга бўлишга уринмаслиги, ваъда маъносини ўз ичига олган Ғафур, Шакур, Афув, Рауф, Ҳалим, Жавод каби сифатларга нисбатан умид ва рағбат устида туриши, вайд-қўрқитиш маъноси бўлган Азиз, Интиқом соҳиби, Азоби қаттиқ, Ҳисоби тез каби сифатларга нисбатан хавф ва қўрқув ҳолатида туриши;

в) банда уларни мушоҳада этиши, уларни билиш ва бандалик изҳор этиш жиҳатидан ҳақларини тўла адо этиши. Мисол учун, Аллоҳ таолонинг ўз халқидан олий ва улардан юқорида эканини, халқидан ажралган, бироқ илми ва қудрати билан уларни иҳота қилган ҳолда аршида ўрнашганини мушоҳада этган одам мана шу сифатнинг тақозосига кўра ибодат қиласи, ўзини У зотнинг пойида худди хор бир қул қудратли подшоҳнинг олдида турганидек бош эгиб, муножот қилиб турган деб билади, ҳар бир сўзу амали У зотга рўбарў қилинишини чуқур ҳис қилиб, У зотнинг ҳузурига уни шармандаю шармисор қиласидаган сўз ва амаллари кўтарилиб боришидан ҳаё қиласи.

Аллоҳнинг бепоён илмини, барча нарсани эшитиши ва кўришини, Унинг барҳаётлиги ва абадий туришини ва бошқа сифатларини мушоҳада этиш ҳақида ҳам айни сўзларни айтиш мумкин.

72-савол: Ислам ва сифатлар тавҳидининг зидди нима?

Унинг зидди – Аллоҳнинг исмларини, сифатларини ва оят-аломатларини инкор қилиш бўлиб, у уч хил:

- 1- Аллоҳ таолонинг исмларини ўзгартириб, улар билан ўз бутсанамларини номлаган мушрикларнинг инкори. Масалан, улар Лотни Илоҳ сўзидан, Уззони Азиздан, Манотни Манондан олишган.
- 2- Аллоҳ таолонинг сифатларига шакл бериб, уларни бандаларнинг сифатларига ўхшатувчи мушаббихаларнинг инкори. Бу мушрикларнинг инкорига қарама-қарши инкордир. Чунки

мушриклар махлуқларни Раббил оламийнга тенглаштирилар, улар эса Аллоҳ таолони махлуқлар манзилатига туширдилар ва У зотнинг сифатларини махлуқотнинг сифатига ўхшатдилар.

3- Аллоҳ таолонинг сифатларини йўққа чиқарувчи муаттила (таътил аҳли)нинг инкори. Улар икки қисм:

Биринчи қисм: Аллоҳ таоло исмларининг лафзини тан олишади, бироқ бу лафзлар ўз ичига олган камолот сифатларини инкор қилишади, илмсиз Алим, раҳмсиз Раҳмон ва Раҳим, эшитишсиз Самиъ, кўришсиз Басийр, қудратсиз Қодийр ва ҳоказо дейишади.

Иккинчи қисм: Исмларни ҳам, уларнинг мазмунларини ҳам бутунлай инкор қилишади ва У зотни на исми, на сифати бор бўлган буткул йўқлик билан васфлашади.

Аллоҳ таоло золим, коғир ва мулҳидлар айтиётган бу сўзлардан ғоят пок ва бениҳоя олийдир: «**У осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги бор нарсаларнинг ҳожасидир. Бас, сиз Унга ибодат қилинг ва бу ибодатда сабр-тоқатли бўлинг!** Унинг учун бирон «тенг»ни билурмисиз?! (Йўқ! Билмассиз!)» (Марям: 65).

«Бирон нарса У зотга ўхашаш эмасдир. У эшитувчи ва кўриб турувчиидир» (Шўро: 11).

«У зот уларнинг олдиларидағи (яъни охиратдаги) ва ортларидағи (яъни дунёдаги) бор нарсани билур. Улар эса У зотни била олмаслар» (Тоҳа: 110).

73-савол: Тавҳиднинг барча турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқми, улардан бирига эътиroz билдирган одам ҳаммасига эътиroz билдирган бўладими?

Жавоб: Ҳа, тавҳиднинг барча турлари бир-бирига боғлиқ, ким улардан бир турида мушрик бўлса, қолганларида ҳам мушрик ҳисобланади. Аллоҳдан бошқага дуо қилиш ва фақат Угина қодир бўладиган нарсани бошқадан сўраш бунга мисол бўлади. Дуо – ибодат, бўлиб ҳам ибодатнинг мағзи ҳисобланади. Уни Аллоҳдан бошқага қилиш Аллоҳнинг улуҳиятида ширк келтиришдир. Аллоҳдан бошқадан бирон яхшилик ато этишини ёки бирон ёмонликни даф қилишини сўраш ва уни шунга қодир деб эътиқод қилиш Аллоҳнинг рубубиятида ҳам ширк келтириш бўлади. Чунки уни Аллоҳнинг малакутида Унга шерик деб

эътиқод қилған бўлади. Бундан ташқари, Аллоҳдан бошқага дуо қилар экан, қаерда ва қачон бўлмасин, хоҳ узокда, хоҳ яқинда бўлсин, унинг дуосини эшитувчи, деган эътиқодда дуо қилади. Бу эса Аллоҳнинг исми ва сифатларидағи ширк жумласига киради. Чунки бу билан Аллоҳдан бошқага чексиз-чегарасиз эшитиш сифатини исботлаган бўлади. Бу эса Аллоҳгагина хос бўлган сифат эди. Демак, улуҳиятдаги ширк ҳам рубубиятдаги, ҳам исм ва сифатлардаги ширкни келтириб чиқарди.

74-савол: Фаришталарга иймон келтиришга Қуръон ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Қуръондан бунга жуда кўп далиллар бор. Жумладан, Аллоҳ таоло деди:

«Фаришталар эса Парвардигорга ҳамду сано айтиш билан (У зотни айбу нуқсондан ва «шериклар»дан) покларлар ва Ердаги (мўмин-мусулмон) кишилар учун (Аллоҳдан) мағфират сўрарлар» (Шўро: 5).

«Албатта Парвардигорингизнинг хузуридаги зотлар (яъни фаришталар) Унга ибодат қилишдан ор қилмайдилар. Уни поклайдилар ва Унгагина сажда қиладилар» (Аъроф: 206).

«Ким Аллоҳга ва унинг фаришталарига, пайғамбарлариға, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларга душмандир» (Бақара: 98).

Фаришталарга иймон келтириш ҳақида Суннатда Жибрил алайҳиссаломнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан савол-жавоб қилгани ҳақидаги ҳадисда баёни келди. «Саҳиҳи Муслим»да: **«Аллоҳ таоло уларни нурдан яратган»** ҳадиси келган. Улар хусусида бошқа ҳадислар ҳам кўп.

75-савол: Фаришталарга иймон келтиришнинг маъноси нима?

Жавоб: Уларнинг борлигига ва Аллоҳнинг ғоят тарбияли ва бўйсинувчан халқлари эканига қатъий иқорор бўлиш, демакдир.

«Йўқ, (фаришталар асло Аллоҳнинг болалари эмас, балки) улуг бандалардир. (Фаришталар) У зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар (яъни Аллоҳ буюргаган бирон ишни қилмайдилар), Улар (Аллоҳнинг) амри фармони билангина амал қилурлар» (Анбиё: 26, 27).

«У фаришталар Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдилар, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладилар» (Таҳрим: 6).

«Осмонлар ва ердаги бор жонзот Уницидир. Унинг ҳузуридаги зотлар (яъни фаришталар) Унга ибодат қилишдан орланиб-зорланмайдилар. Улар туну кун сусткашлик қилмасдан (Аллоҳга) тасбех айтадилар» (Анбиё: 19, 20).

76-савол: Аллоҳ уларга топширган ваколатлар ва вазифалар нималардан иборат?

Жавоб: Бу эътибор билан улар кўп қисмга бўлинадилар:

Улар ичидан пайгамбарларга ваҳийни ётказишга вакил қилингани бор, у Рухул-амин Жибрил алайҳиссаломдир.

Ёмғирга вакил қилингани бор, у Микоил алайҳиссаломдир¹.

Сурга вакил қилингани бор, у Исрофил алайҳиссаломдир².

Жон олишга вакил қилингани бор, у Малакул-мавт ва унинг ёрдамчилари³.

Бандаларнинг амалларига вакил қилинганлари бор, улар Киромун Котибийндири⁴.

¹ Табароний «Кабир»да (11/12061) Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрил алайҳиссаломдан: «Микоил нимага (вакил қилинган)? деб сўраганларида «Наботот ва ёмғирга» деб жавоб берди.

² Термизий ва Аҳмад Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мен қандай роҳатланай, ҳолбуки сур соҳиби сурни оғзига олиб турган ва унга изн берилишини кутиб турган бўлса». (Албоний, «Саҳих»: 1079).

³ Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад), айтинг: Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар» (Сажда: 11). Бу хусусда Бароъ розияллоҳу анхудан ривоят қилинган узун ҳадис, Мусо алайҳиссалом ўлим фариштасининг қўзини чиқаргани ҳақидаги ҳадис (муттафакун алайҳ) ва бошқа кўплаб ҳадислар мавжуд. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида уни Азоил деб номлаш келган эмас, валлоҳу аълам.

⁴ Аллоҳ таоло айтади: «Ҳолбуки, шак-шубҳасиз сизларнинг устингизда (қилган ҳар бир амалингизни) ёд олиб, ёзиб турувчи улуг (фаришта)лар бордир. Улар сизлар қилаётган ишларни билурлар» (Инфитор: 10-12), «Зотан ўнг ва чап (томон)да ўтирган икки қабул қилувчи (ёзиб турувчи фаришта инсоннинг айтган ва қилган барча яхши-ёмон сўз-амалларини) қабул қилиб-ёзиб турурлар. У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозири

Бандаларни олди ва орқаларидан сақлаб-муҳофаза қилиб юрадиганлари бор, улар Муъаққибот (таъқиб қилувчилар)дир¹.

Жаннат ва унинг неъматларига вакил қилинганлари бор, у Ризвон ва бошқалардир.

Дўзахга ва ундаги азобларга вакил қилинганлари бор, улар Молик² ва бошқа азоб фаришталиридир, уларнинг катталари 19 тадир.

Қабр фитнасига вакил қилинлари бор, улар Мункар ва Накирдирлар³.

Улардан Аршни кўтариб турувчилар бор⁴.

Улардан Карубийлар (яъни муқарраб, Аллоҳга энг яқин бўлган фаришталар) бор.

Она қорнидаги ҳомилани вужудга келтириш ва унинг қисматини битишига вакил қилинганлари бор⁵.

нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)» (Қоф: 17, 18). Бу бобда кўплаб ҳадислар бор. Жумладан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ азза ва жалла деди: «Банда агар бир ёмонликни ният қилса, унга (гуноҳ) ёзманлар! Агар ўша (ёмонлик)ни қилса, унга битта ёмонлик (гуноҳини) ёзинглар! Агар бир яхшилики ният қилса-ю, уни қилмаса, унга бир яхшилик (савобини) ёзинглар! Агар ўша (яхшилик)ни қилса, унга ўнта яхшилик (савобини) ёзинглар!» (Муттафақун алайҳ).

¹ Аллоҳ таоло айтади: «У бандалари устида ғолиб бўлган зотдир. Устингизга (қилган амалларингизни) ёдлаб оловчи фаришталарни элчи қилиб юборур» (Анъом: 61), «Унинг (яъни ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни сақлаб-муҳофаза қилиб туурлар» (Раъд: 11).

² Бу бобда Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган (Саҳихул Бухорий: 12:438) ҳадисда дўзах посбони Моликнинг зикри келган.

³ Термизий (1071), Ибн Ҳиббон (Ар-рисала 3117), Ожуррий «Шариат»да (365 бет), Ибн Аби Осим «Сунна»да (864), Байҳақий «Исбату азабил-қабр»да (56) келтирганлар, Албоний иснодини ҳасан санаган.

⁴ Аллоҳ таоло айтади: «Уларнинг устида Парвардигорингизнинг аршини у Кунда саккиз (фаришта) кўтариб туур» (Ал-ха-аққо: 17). Абу Довуд Жобир розияллоҳу анҳу ривояти билан келтирган (4727) ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аршни кўтариб турувчи Аллоҳнинг фаришталаридан бир фаришта ҳақида сўзлашимга изн берилди, унинг қулоғининг юмшоғидан елкасигача бўлган масофа 700 йиллик йўлдир».

⁵ Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Дарҳақиқат, ҳар бирингиз онасининг қорнида қирқ кун ичиди «нутфа» (томчи сув) ҳолида жамланади, сўнгра худди шунча муддат ичиди «алақа» (лахта қон) ҳолида бўлади, сўнгра худди шунча муддат ичиди «музға» (бир парча гўшт) ҳолида бўлади. Сўнгра унга бир фаришта юборилади ва унга шу

Улардан Байтул Маъмурга кирадиган фаришталар бор, ҳар куни унга етмиш минг фаришта киради, сўнг яна қайтиб киришга навбат келмайди¹.

Улардан зикр мажлислари ортидан юрадиган сайёх фаришталар бор².

Улардан узликсиз қиёмда (намоз ичида) турувчи сафлар бор.

Улардан рукуъ ва саждадан бош кўтармайдиганлари бор.

Яна бундан бошқа хиллари ҳам кўп: «**Парвардигорингизнинг қўшинларини** (яъни фаришталарнинг қанча ададда ва қандай сифатда эканликларини) ёлғиз Унинг Ўзигина билур» (Муддассир: 31).

(ҳошияларни қўйиб чиқиш керак)

77-савол: Китобларга иймон келтиришнинг далили нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «Эй мўминлар, Аллоҳга, унинг пайғамбариға ва шу пайғамбариға нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин» (Нисо: 136).

«Айтингиз (эй мўминлар), Аллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ва барча пайғамбарларга Парвардигор тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз» (Бақара: 136).

Бундан бошқа оятлар ҳам кўп, Аллоҳ таолонинг: «**Айтинг: «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир Китобга иймон келтирдим»** (Шўро: 15) оятининг ўзи ҳам кифоя қилади.

инсон аҳволи-тақдирига тааллукли бўлган тўрут нарсани: ризқи, ажали, амали ҳамда бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиш фармон қилинади, сўнг унга жон пуркалади» (Муттафақун алайҳ).

¹ Бухорий (3207), Муслим (162) ривоятлари.

² Бухорий (6408), Муслим (6289) ривоятлари.

78-савол: Қуръонда барча илоҳий китоблар номи келтирилганми?

Жавоб: Қуръонда Аллоҳ таоло у китоблардан Таврот, Инжил, Забур, Иброҳим ва Мусо саҳифаларини номлаган, қолганларини эса умумий суратда зикр қилган:

«Аллоҳ (ягона), ҳеч бир тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У тирик ва абадий турувчидир. Сизга (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзидан аввал тушган китобларни тасдиқловчи бўлган бу Китобни (Қуръонни) ҳақ билан нозил қилди. Илгари одамларни ҳақ йўлга ҳидоят қилиш учун Таврот ва Инжилни туширган эди» (Оли Имрон: 2-4).

«Довудга Забурни ато этдик» (Нисо: 163, Исро: 55).

«Ёки унга Мусонинг ва (аҳдига) вафодор зот бўлган Иброҳимнинг саҳифаларидаги сўзлар хабари берилмаганмиди?! (Нажм: 36, 37).

«Қасамки, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик» (Ҳадид: 25).

Улардан Аллоҳ таоло батафсил равишда хабар берганларига батафсил иймон келтиришимиз вожиб бўлади, умумий суратда зикр қилганларига эса умумий суратда иймон келтиришимиз лозим, улар ҳақида Аллоҳ ва Расули буюрган гапни айтамиз: **«Айтинг: «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир Китобга иймон келтирдим»** (Шўро: 15).

79-савол: Аллоҳнинг Китобларига иймон келтириш маъноси нима?

Жавоб: Уларнинг ҳаммаси Аллоҳ азза ва жалла хузуридан нозил бўлган ва Аллоҳнинг ҳақиқий Каломи деб қатъий тасдиқлашдир. Улардан баъзилари борки, элчи фаришта воситасисиз, парда ортидан тўғридан-тўғри Аллоҳ таолонинг Ўзидан эшитилган. Баъзилари борки, фаришталардан бўлган элчи уни инсонлардан бўлган элчига етказган. Баъзилари борки, Аллоҳ таоло уни Ўз қўли билан ёзган.

Аллоҳ таоло деди: **«Бирон одам учун Аллоҳ унга сўзлаши жоиз эмас, магар ваҳий-илҳом орқали, ё бирон парда-тўсиқ ортидан ёки бирон элчи-фаришта юбориб, ўша (фаришта Аллоҳнинг) изни-ихтиёри билан ўзи хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши орқали (сўзлар). Албатта У юксак ва ҳикмат эгасидир»** (Шўро: 51).

«Аллоҳ айтди: «Эй Мусо, ҳақиқатан Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва (бевосита) каломимни эшитишга танлаб олдим»» (Аъроф: 144).

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди» (Нисо: 164).

«Унинг учун лавҳларга (яъни Таврот варақларига) **ҳамма нарсани — панд-насиҳат ва барча нарсаларнинг тафсилотини ёзиб қўйдик»** (Аъроф: 145).

Ийсо алайҳиссалом ҳақида деди: **«Унга ҳидоят ва нурни ўз ичига олган, ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлаувчи ва тақвадорлар учун ҳидоят, панд-насиҳат бўлган Инжилни бердик»** (Моида: 46).

«Довудга Забурни ато этдик» (Нисо: 163, Исро: 55).

Аллоҳ таоло Қуръон ҳақида деди:

«Лекин Аллоҳ сизга ўз билими билан нозил қилган нарсага гувоҳлик берур. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Аллоҳнинг Ўзи етарли гувоҳдир» (Нисо: 166).

«Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни бўлакларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик» (Исро: 106).

«Албатта (бу Қуръон) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. (эй Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам), **сиз** (охират азобидан) **огохлантирувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни Қуръонни) Рухул-Амин – Жаброил очиқравшан арабий тил билан нозил қилди» (Шуъаро: 192-195).**

«Албатта ўзларига Эслатма — Қуръон келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар (қаттиқ азобга йўлиқурлар). **Шак-шубҳасиз у азиз — қудратли Китобдир.** Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) **ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир»** (Фуссилат: 41, 42).

Ва бошқа кўплаб оятлар бор.

80-савол: Ўтган Китобларга нисбатан Қуръоннинг тутган ўрни қандай?

Жавоб: Аллоҳ таоло Қуръонда деди:

«Сизга (эй Мұхаммад соллалпоқу алайхи ва саллам) үзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлаувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик» (Моида: 48).

«Ушбу Қуръон Аллоҳдан ўзга бирор томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки, У бутун оламлар Парвардигори томонидан келган ва (ҳақ эканлигига) шак-шубҳа бўлмаган Ўзидан аввалги (Таврот, Инжил каби) нарсаларни тасдиқловчи ва (шариат хукмларидан иборат) муфассал Китобдир» (Юнус: 37).

«(Ушбу Қуръон) тўқиб чиқариладиган сўз эмас, балки үзидан аввалги нарсаларни (яъни самовий китобларни) тасдиқ этувчи, унга иймон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи ҳидоят ва раҳмат (бўлган бир Китобдир)» (Юсуф: 111).

Муфассирлар айтганлар: «Ўзидан аввалги китобларга гувоҳ ва уларни тасдиқловчи эканининг маъноси – уларда бўлган сахих-рост гапларни тасдиқлайди, уларга киритиб юборилган тўқима ва ўзгартиришларни рад этади, уларни мансух қилади ё қолдиради, демақдир. Шунинг учун илгариги китобларни қўлда тутган тўғри фикрли ҳар бир инсон Қуръонга бўйсунувчи бўлади, Аллоҳ таоло айтганидек: **«Биз (Қуръондан) илгари Китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар (яъни яхудий ва насронийлар орасидаги мўминлар) унга (яъни Қуръонга) иймон келтирурлар. Қачонки уларга (Қуръон) тиловат қилинса улар: «Бизлар унга иймон келтирдик. Албатта, у Парвардигоримиз томонидан бўлган Ҳақиқатдир. Шак-шубҳасиз, бизлар (Қуръон нозил бўлишидан) илгари ҳам мусулмонлар (яъни Аллоҳни ягона билиб бўйсунувчилар) эдик», дерлар»** (Қасас: 52, 53).

81-савол: Барча халқ ва миллатлар Қуръон хусусида ўзларига нимани лозим тутишлари керак?

Жавоб: Унга зоҳиру ботинда эргашишлари, уни маҳкам тутишлари ва ҳаққини адo этишлари лозим бўлади. Аллоҳ таоло деди: **«Мана бу эса Биз нозил қилган муборак Қуръондир! Бас, унга эргашингиз ва (Аллоҳдан) қўрқингиз!»** (Анъом: 155).

«(Эй инсонлар), сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга (шайтон ва ёмон олимлар каби) «дўстларга» эргашмангиз!» (Аъроф: 3).

«(Уларнинг ораларида) Китобни маҳкам ушлаган ва намозни тўқис адо қилган зотлар ҳам борки, албатта Биз ўзларини тузатувчи кишиларнинг ажр-мукофотини зое қилмагаймиз» (Аъроф: 170).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг Китоби хусусида шундай васият қилганлар: **«Аллоҳнинг Китобини ушлангиз ва уни маҳкам тутингиз!»¹**

Алий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда: **«Албатта, ҳали фитналар бўлажак».** Мен дедим: «Улардан чиқиш йўли қандай, ё Расууллоҳ?» У зот: **«Аллоҳнинг Китоби»**, дедилар.²

82-савол: Қуръонни маҳкам тутиш ва унинг ҳаққини адо этиш маъноси нима?

Жавоб: Уни ёд олиш, тиловат қилиш, кечаю кундуз намозларда у билан қоим бўлиш, оятларини тафаккур қилиш, у ҳалол деганни ҳалол санаш, ҳаром қилганини ҳаром деб билиш, амрларига бўйсиниш, қайтариқларидан тийилиш, масалларидан ибратланиш, қиссаларидан насиҳат олиш, муҳкамига амал қилиш, муташобиҳига таслим бўлиш, унинг худудидан чиқмаслик, уни ғулув кетувчиларнинг ўзгартиришларидан ва бузғунчиларнинг тўқималаридан ҳимоя қилиш, унинг барча маъносига холис ёндошиш ва унга онгли равишда даъват қилиш, демақдир.

83-савол: Қуръонни маҳлуқ деган кишининг ҳукми нима?

Жавоб: Қуръоннинг ҳарфлари ҳам, маънолари ҳам ҳақиқатан Аллоҳнинг Каломидир. Маънолари қолиб, ҳарфларининг ўзи ёки ҳарфлари қолиб, маъноларининг ўзи Аллоҳнинг каломи дейилмайди. Аллоҳ уни сўз билан сўзлади ва Расулига ваҳий билан нозил қилди, мўминлар унга ҳаққи-рост иймон келтирдилар. Қуръонни гарчи қўл билан ёзилса, тил билан ўқилса, дил билан ёдланса, қулоқ билан эшитилса, кўз билан кўрилса-да, бу уни Раҳмон таолонинг Каломи бўлишидан чиқармайди. Бармоқлар, сиёҳ, қалам ва варақлар маҳлуқ, улар билан битилган нарса маҳлуқ эмас. Тиллар ва овозлар маҳлуқ, улар билан

¹ Муслим ривояти, Китобул-фазоил: (2408).

² Термизий ривояти: (2906).

тиловат қилингандарса махлук эмас. Қалблар махлук, уларда маҳфуз бўлган нарса махлук эмас. Қулоқлар махлук, улар билан тингланган нарса махлук эмас.

Аллоҳ таоло деди: «**Албатта у** (Қуръон сеҳр ёки уйдирма эмас, балки **асралган Китобдаги** (Лавҳул-Маҳфуздаги) **Улуғ Қуръондир!**)» (Воқеа: 77, 78).

«Йўқ, у (Қуръон) **илм ато этилган зотларнинг кўнгилларидағи аниқ-равшан оятлардир.** Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилур» (Анкабут: 49).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз фақат ўзингизга ваҳий қилингандар Парвардигорингизнинг Китоби Қуръоннигина тиловат қилинг! Унинг (Аллоҳнинг) сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. Ҳаргиз Ундан ўзга бирон паноҳ топа олмассиз» (Каҳф: 27).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин» (Тавба: 6).

Иbn Масъуд розияллоҳу анҳу айтгандар: «Мусҳафга – Қуръонга давомий назар қилингиз, уни кўп ўқингиз!»¹

Бу ҳақда оят-ҳадислар саноқсиз даражада кўп.

Ким Қуръонни ёки ундан бирон бўлагини махлук деса, Исломдан буткул чиқариб юборадиган катта қуфр билан коғир бўлган бўлади. Чунки Қуроън Аллоҳ таолонинг Каломи, Ундан бошланган ва Унга қайтади. Калом Унинг сифати, ким Аллоҳнинг сифатларидан биронтасини махлук деса, у одам коғир ва муртад бўлиб, ундан Исломга қайтиш талаб қилинади, агар қайтмаса муртад сифатида қатл қилинади ва унга мусулмонлик ҳукми қўлланилмайди.

84-савол: Калом сифати зотийми, феълийми?

Жавоб: Калом - сўзлаш сифати Аллоҳ таолонинг зотига тааллуқли ва У бу сифат билан сифатланган экани эътибори билан у Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидан. У худди Унинг илм сифатига ўхшаш, балки Унинг илмидандир, уни ўз илми билан нозил қилди, У Ўзи нозил қиладиган нарсани яхши билувчидир.

¹ Ибн Абу Шайба (7/190) ва Байҳақий (2220) ривоятлари.

Мазкур сифат Аллоҳ таолонинг Ўзи ирода қилган ва истаган нарсасини гапириши эътибори билан олганда феълий сифатдир. Набий соллаллоҳ алайҳи ва саллам айтганлариdek: «**Аллоҳ агар бир ишнинг хабарини беришни истаса, ваҳий билан гапиради**» (Бухорий ривояти).

Шунинг учун салафи солиҳ раҳимаҳумуллоҳ Калом сифати ҳақида: У ҳам зотий, ҳам феълий сифатдир, дейдилар.

Аллоҳ таоло калом сифати билан азалий ва абадий васфланган, Унинг сўзлаши ва сўзлашуви Ўз иродаси ва хоҳиши биландир, Ўзи истаган пайт, истаганидай сўзлайди, Унинг сўзини Ўзи истаган одам эшита олади, Унинг сўзлаши чек-чегараси йўқ сифатдир.

Аллоҳ таоло деди:

«**Айтинг: Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!**» (Кахф: 109).

«**Агар ер юзидаги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса Аллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир**» (Луқмон: 27).

«**Парвардигорингизнинг Сўзлари сидқу адолатда комил бўлди. Унинг Сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. У эшитувчи, билувчидир**» (Анъом: 115).

85-савол: Воқифалар (тўхталувчилар) кимлар, уларнинг ҳукми нима?

Жавоб: Воқифалар Қуръон ҳақида: Уни Аллоҳнинг каломи ҳам демаймиз, махлуқ ҳам демаймиз, дейдиган кишилардир.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Улардан кимки бу гапни онгли равишда айтиётган бўлса, у жаҳмийдир. Ўзи нима деяётганини билмайдиган гўл ва жоҳил одам бўлса, унга ҳақ нималигини тушунтириб ҳужжатни барпо қилинади. Агар тавба қилса ва Аллоҳ таолонинг Каломи махлуқ эмас деб иймон келтирса яхши, акс ҳолда у жаҳмиялардан ҳам ёмондир».

86-савол: «Менинг Қуръон билан лафзим (яъни оғзимдан чиқаётган Қуръон оятлари) махлуқдир» деган одамнинг ҳукми нима?

Жавоб: Бу иборани исбот учун ҳам, рад учун ҳам истеъмол қилиш жоиз эмас. Чунки лафз – банданинг феъли бўлган «талаффуз» маъноси билан оғиздан чиқаётган лафз – Қуръон ўртасида муштарак-аралаш феълдир. Агар махлук дейилса, иккинчи маънони – яъни Қуръонни махлук дейишни ҳам ўз ичига олади ва бу жаҳмийларнинг сўзига айланади. Агар махлук эмас дейилса, бу биринчи маънони – яъни банданинг феълини ҳам ўз ичига олади, бу эса иттиходийлар (ваҳдатулвужудни даъво қилувчилар) бидъатларидандир. Шунинг учун салафи солиҳлар раҳимаҳумуллоҳ: «Ким: Қуръонни талаффуз қилишим махлук деса, у жаҳмий, ким махлук эмас деса, у бидъатчиdir» деганлар.

87-савол: Пайғамбарларга иймон келтиришнинг далили нима?

Жавоб: Бунга Қуръону Суннатдан далиллар кўп. Аллоҳ таоло деди:

«Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган (яъни Аллоҳга ишониб, пайғамбарларини инкор қиласиган) **ва «айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар — ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар.** Бундай, кофирлар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз. **Аллоҳ, ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳамда улардан биронтасини ажратиб қўймаган зотларга эса яқинда** (Аллоҳ) **муносиб мукофотларини ато этажак»** (Нисо: 150-152).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Аллоҳга ва пайғамбарига иймон келтирдим».** (Бухорий (1354) ва Муслим (2925) ривояти).

88-савол: Пайғамбарларга иймон келтиришнинг маъноси нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло ҳар бир уммат ичидан уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват қиласиган ва Ундан бошқа «маъбуд»ларга куфр келтиришга чорлайдиган элчи юборган, уларнинг ҳаммаси ростгўй, ишончга сазовор, хушфеъл, олийжаноб, одобли, тақводор, омонатдор, ҳаққа йўлловчи ва тўғри йўл устидаги зотлар бўлган, Раббилиари тарафидан очик далил-хужжатлар ва равshan оят-аломатлар билан қўллаб-кувватланган, улар Аллоҳнинг рисолатидан бирон нарсани яширмасдан, ўзгартирмасдан, унга ўзларидан биронта ҳарф қўшмасдан

ва камайтирмасдан ҳаммасини етказганлар, деб қатъий ишониш ва уларнинг барчаси очик-ойдин ҳақ устида бўлғанлар, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни халил (яқин дўст) тутган, Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва салламни халил тутган, Мусо алайҳиссаломга бевосита сўзлаган, Идрис алайҳиссаломни юқори манзилатга кўтарган, Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаси, элчиси ва Марямга ташлаган (“Бўл” деган) сўзи ҳамда унинг томонидан Жаброил урган нафхадам”дир, Аллоҳ пайғамбарларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилган, баъзиларини юксак даражаларга кўтарган, деб тасдиқлашдир.

89-савол: Пайғамбарларнинг даъвати улар буюрган ва қайтарган нарсаларда бир-бирига мос келадими?

Жавоб: Уларнинг даъватлари бошидан охиригача ибодатнинг асли ва асоси бўлмиш – Аллоҳ таолони ибодатнинг барча турларида эътиқод, сўз ва амалда ёлғизлаш ва Ундан ўзгага қилинадиган ибодатларнинг барчасига куфр келтиришда бир-бирига мувофиқдир.

Аммо фарз ибодатларга келсақ, баъзиларига фарз қилинган намоз, рўза ва бошқа ибодат турлари баъзиларига фарз қилинмаган, айримларига ҳалол қилинган нарсалар имтиҳон юзасидан айримларига ҳаром қилинган: **«Сизларнинг қайсиларингиз яхшироқ иш — амал қилиб яшашингизни синаш учун...»** (Ҳуд: 7).

90-савол: Улар ибодатнинг аслида бир-бирларига мувофиқ келишганининг далили нима?

Жавоб: Бунга Қуръон ва Суннатдан икки турли – мужмал (қисқача) ва муфассал (батафсил) далиллар бор.

Мужмал далилларга қуйидаги каби оятлар киради:

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва тоғутдан йироқ бўлинглар», (деган вахий билан) бир пайғамбар юборганмиз» (Наҳл: 36).

«(Эй Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Хеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар Менгина ҳақдирман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб вахий юборгандирмиз»** (Анбиё: 35).

«(Эй Мұхаммад соллалпоқ алайҳи ва саллам), **Биз сиздан илгари юборған пайғамбарлардан сўраб** (яъни улар келтирган диний таълимотларни ўрганиб) **боқинг-чи, Биз Раҳмондан** (яъни Ўзимиздан) **ўзга ибодат қилинадиган «илоҳ»лар қилганмиканмиз?!»** (Зухруф: 45).

Муфассал далилларга қуйидаги каби оятлар киради:

«(Қасамки), **Биз Нұхни ўз қавмиға пайғамбар қилдик.** Бас у: «**Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар!** Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ ийүқдир. Ахир құрқмайсизларми», деди» (Мұмминун: 23).

«Самуд қавмиға ўз биродарлари Солиҳни (пайғамбар қилдик). У айтди: «**Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз!** Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ ийүқдир» (Аъроф: 73).

«Од қавмиға ўз биродарлари Ҳудни (пайғамбар қилдик). У айтди: «**Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз!** Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ ийүқдир» (Аъроф: 65).

«Мадян қавмиға ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). У айтди: «**Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз!** Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ ийүқдир» (Аъроф: 85).

«Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмиға деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. Магар мени яратған зоттагина (ибодат қилурман)» (Зухруф: 26, 27).

«(Эй инсонлар), илоҳингиз яккаю ёлғиз Аллоҳдир! Ҳеч қандай ҳақ илоҳ ийүқ, магар Унинг Ўзи ҳақдир. У барча нарсани Ўз илми билан қамраб олғандир» (Тоҳа: 98).

«Холбуки, Масих: «Эй бани Исроил, парвардигорим ва парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз!» — демишdir. Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур» (Моида: 72).

«(Эй Мұхаммад, Макка мушриклариға) айтинг: «Мен фақат бир огоҳлантирувчиридирман, холос. Ҳеч қандай ҳақ илоҳ ийүқ, магар яккаю ёлғиз ғолиб Аллоҳгина ҳақ (илоҳ)дир» (Сод: 65).

91-савол: Уларнинг шариатлари ҳалол ва ҳаром каби масалаларда бир-биридан фарқли бўлганига далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин аҳли) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат (бир дин аҳли) қилиб қўйган бўлар эди. Лекин Ўзи ато этган нарсалар (турли шариат аҳкомлари)да сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир дин аҳлига алоҳида шариат йўл қилиб қўйди). Бас, яхши амалларга шошилингиз!» (Моида: 48).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Биз пайғамбарлар жамоаси отамиз бир, онамиз бошқа ака-укалармиз, динимиз бирдир»**, деганлар. Яъни, бу сўzlари билан Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбар билан юборган тавҳиднинг ягона эканини, аммо уларнинг шариатлари буйруқ ва қайтариқларда, ҳалол ва ҳаромда турлича бўлганини кўзда тутганлар.

92-савол: Аллоҳ таоло Қуръонда барча пайғамбарларни ҳикоя қилганми?

Жавоб: Аллоҳ таоло уларнинг хабарларидан етарлича ҳамда насиҳат ва ибрат бўларлик даражада ҳикоя қилган: **«Айрим пайғамбарлар ҳақида сизга илгари ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга ҳикоя қилганимиз йўқ»** (Нисо: 164).

Биз улардан батафсил хабар берилганларига батафсил, қисқача зикр қилинганларига умумий суратда иймон келтирамиз.

93-савол: Қуръонда улардан нечтасининг номи келган?

Жавоб: Қуръонда қуидаги пайғамбарлар номи зикр қилинган: Одам, Нуҳ, Идрис, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Шуайб, Юнус, Мусо, Ҳорун, Илёс, Закарийё, Яхё, Алясаъ, Зул-кифл, Довуд, Сулаймон, Айюб, - Асбот (Яъқубнинг уруғ-авлоди) умумий суратда зикр қилинган, - Ийсо, Мұхаммад соллаллоҳу ва саллама алайҳим ажмаъийн.

94-савол: Пайғамбарлар ичидан улул-азмлари (сабр-матонат эгалари) кимлар?

Жавоб: Улар бештадир, Аллоҳ таоло Китобидан икки ўринда уларни алоҳида зикр қилган:

Биринчи: Аҳзоб сурасидаги ушбу оятда: «Эсланг, Биз (барча) пайғамбарлардан ва (хусусан) сиздан, Нуҳдан, Иброҳим, Мусо ва Ийсо ибн Марямдан аҳду паймонарни олғандик» (Аҳзоб: 7).

Иккинчи: Шўро сурасидаги ушбу оятда: «(Эй мўминлар, Аллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани шариат (қонун) қилди: «Динни барпо қилинглар ва унда фирмә- фирмә бўлиб бўлинманглар!» (Шўро: 13).

95-савол: Пайғамбарларнинг биринчиси ким?

Жавоб: Уларнинг биринчиси ихтилофдан (яъни Одам алайҳиссаломнинг авлоди орасида келишмовчиликлар пайдо бўлгандан) сўнг Нуҳ алайҳиссаломдир. Аллоҳ таоло айтганидек: «(эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик» (Нисо: 163).

«Улардан (яъни Макка коғирларидан) **илгари Нуҳ қавми ва** (у қавмдан) **кейинги** (Од, Самуд қабилалари каби турли) **фирмалар ҳам** (ўз пайғамбарларини) **ёлғончи қилганлар»** (Ғоғир: 5).

96- савол: Келишмовчиликлар қачон пайдо бўлган?

Жавоб: Табарий «Тафсир»ида шундай ёзади: Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: Нуҳ билан Одам ўртасида ўн аср ўтган, барчалари ҳақ шариат устида эди, шундан сўнг ихтилоф қилишди: «**Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг** (ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач), **Аллоҳ** (мўминларга) **хушхабар элтувчи ва** (коғирларни жаҳаннам азобидан) **қўрқитувчи пайғамбарларни юборди**» (Бақара: 213).

97-савол: Пайғамбарларнинг сўнгиси ким?

Жавоб: Пайғамбарларнинг сўнгиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

98-савол: Бунга қандай далил бор?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Мұхаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнгтисидир» (Аҳзоб: 40).

Расуулплоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Албатта, мендан сўнг ўттизта кazzоб чиқади, ҳаммаси ўзини пайғамбар деб даъво қилади. Ҳолбуки, мен пайғамбарларнинг сўнгтисиман, мендан сўнг пайғамбар келмайди**».¹

Расуулплоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий розияллоҳу анхуга айтганлар: «**Сен менга нисбатан Ҳоруннинг Мусога нисбатан тутган ўрнида бўлишдан рози эмасмисан?! Илло, мендан сўнг пайғамбар йўқдир.**»²

Дажжол ҳақидаги ҳадисларида айтганлар: «**Мен набийларнинг сўнгтисиман, мендан сўнг набий йўқдир**».³

99-савол: Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа пайғамбарлардан қайси хусусиятлари билан ажралиб турадилар?

Жавоб: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошқа пайғамбарлардан ажралиб турувчи хусусиятлари қўп. Жумладан:

Юқорида айтганимиздек, У зотнинг хотамун-набиййин (набийлар сўнгтиси) эканлари;

Яна У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам Одам авлодининг саййиди эканлари; Аллоҳ таолонинг мана бу ояти бунга ишора қилади: «**Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди**» (Бақара: 253).

Расуулплоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Мен Одам авлодининг саййидиман, лекин (бу билан) мақтанмайман**».⁴

Яна У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам омматан, инсу жиннинг ҳаммасига пайғамбар қилиб юборилганлари; Аллоҳ таоло айтганидек:

¹ Муслим (2889), Аҳмад (5/278), Абу Довуд (4252) ва Термизий (2219) Савбон ривояти билан келтирсанлар.

² Бухорий (4416) ва Муслим (2404) ривоятлари.

³ Термизий (2219), Абу Довуд (4252), Ибн Ҳиббон (7238), Аҳмад (5/278) ривоятлари.

⁴ Муслим (2278), Бухорий (3340) ривоятлари.

«Айтинг (эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ** (юборган) **әлчиман**» (Аъроф: 158).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сизни шакшубұқасиз, барча одамларга:** (мұмінларға жаңнат ҳақида) **хүшхабар әлтүвчи,** (коғирларни эса дүзах азобидан) **оғохлантирувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик**» (Сабаъ: 28).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Менга ўзимдан илгари ҳеч бир (пайғамбар)га берилмаган беш хусусият берилди:

1) Бир ойлик масофагача (душманларим қалбига) қўрқув солиш билан нусратландим;

2) Ер мен учун намозгоҳ ва (сув бўлмаганда) таҳоратга яроқли қилинди, умматимдан қай бир кишига намоз қай ўринда етса ўша ерда ўқийверсин;

3) Менга ўлжалар ҳалол қилинди, мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди;

4) Менга шафоат қилиш (хуқуқи) берилди;

5) Ҳар бир пайғамбар ўз қавмига хос юбориларди, мен бутун инсониятга юборилдим»¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, бу умматдан бирон киши –яҳудий ё насроний бўлсин- мени эшитса, сўнг мен олиб келган динга иймон келтирмасдан ўлса, дўзах аҳлидан бўлади».²

У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундан бошқа ҳам хусусиятлари кўпdir.

100-савол: Пайғамбарларнинг мўъжизалари нима?

Жавоб: Мўъжиза – одатдан ташқари иш бўлиб, у таҳаддий³ни ўз ичига олади ва унда рақобатлашиш имкони бўлмайди.

У ё ҳиссий – кўз билан кўрилиб, қулоқ билан эшитиладиган бўлади, тош ичидан туя чиқиши, асонинг илонга айланиши, жонсиз маҳлуқотнинг тилга кириши каби;

¹ Бухорий (335, 438), Муслим (521) ривоятлари.

² Муслим (153) ривояти.

³ Таҳаддий – Қани, кимнинг қўлидан келса шу ишни қилсин-чи, деганга ўхшаш талаб ва чақириқ.

Ё эса маънавий – ақл ва онг билан мушоҳада қилинадиган бўлади, Қуръон мўъжизаси каби.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳар икки турдаги мўъжизалар берилган. Аввалги пайғамбарлардан бирортасига берилган қай бир мўъжиза бўлмасин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айни шу бобдан ундан кўра каттароқ мўъжиза берилган. У зотнинг ҳиссий мўъжизаларидан: ойнинг бўлиниши, хурмо танасининг инграган овоз чиқариши, бармоқлари орасидан сув булоқ бўлиб чиқиши, (қўйнинг) қўлининг гапириши, таомнинг тасбех айтиши ва бундан бошқа, саҳих хабарлар билан мутавотир бўлган мўъжизалар. Бироқ, булар бошқа пайғамбарларнинг мўъжизалари каби даврлар ўтиши билан фақат зикри сақланиб қолди. У зотнинг абадий сақланиб қолган мўъжизалари – ажойиботлари битмас-туганмас Қуръон мўъжизасидир: **«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас** (яъни Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) **ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир»** (Фуссилат: 42).

101-савол: Қуръоннинг мўъжиза эканига далил нима?

Жавоб: Бунга далил – йигирма йилдан зиёдроқ вақт ичидаги фасоҳату балоғатнинг чўққисида бўлган, гапга ғоят моҳир, сўз устаси бўлган халқка: **«У ҳолда агар ростгўй бўлсалар ўзлари ҳам ўша (Қуръон)га ўхшаш бирон сўз — китоб келтирсингизлар-чи?!»** (Тур: 34);

«**Ёки:** «Уни (яъни, Қуръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми? Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» сурा келтирингиз!» (Худ: 13);

«**Ёки:** «Уни (Муҳаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми?! Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шу (Қуръон)га ўхшаш биргина сурा келтирингизлар!»**» (Юнус: 38) деган сўзлар билан таҳаддий қилувчи оятлар нозил бўлиб турган бўлса-да, улар Қуръонга қарши бор кучлари билан курашишларига, уни обрўсизлантиришга бўлган ҳар қандай имкониятни қўлдан чиқармасликларига қарамай, бу нарса қўлларидан

келмади. Ҳолбуки, Қуръоннинг ҳарфлари улар истеъмол қилаётган ҳарфларнинг, калималари эса улар ўзаро сўзлашувда ишлатаётган, гапдонлиқда бир-бирлари билан мусобақалашаётган калималарнинг айни ўзи эди. Қуръон уларнинг ожизликларини, ўзининг мўъжизакор Калом эканини баён қилиб, уларга шундай хитоб қилди: «**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръонни ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар**» (Исро: 88).

Расууллоро соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«**Ўтган ҳар бир пайғамбарга уни кўрган одамлар албатта иймон келтирадиган мўъжизалар берилган. Менга берилган мўъжиза эса Аллоҳ менга ваҳий қилган ваҳий (яъни Қуръон)дир. Мен Қиёмат кунида пайғамбарлар ичida эргашувчиси энг кўпи бўлишни умид қиласман**».¹

Қуръоннинг лафзлари ва маънолари жиҳатидан бўлган мўъжизакорлиги, унинг ўтмиш ва келажакка оид ғайб хабарларини ўз ичига олганлиги ҳақида кўплаб китоблар тасниф қилинган. Бироқ бу асарлар унинг мўъжизаларини ёритиш борасида денгиздан бир томчи, холос.

102-савол: Охират кунига иймон келтиришга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Албатта, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган, ҳаёти дунёнинг ўзигагина рози бўлиб, фақат ўша билан хотирлари жам бўлган кимсалар ҳамда Бизнинг оятларимиздан ғофил қолган кимсалар — ана ўшаларнинг жойлари, касб қилиб ўтган гуноҳлари сабабли — дўзахдир**» (Юнус: 7, 8).

«...сизларга ваъда қилинаётган нарса (қайта тирилиш) шак-шубҳасиз ҳаққи-ростдир! Ва албатта (Қиёмат Кунида ҳисоб-китоб қилинганидан кейин) жазо-мукофот воқеъ бўлувчидир» (Ваз-зариёт: 5, 6).

«Албатта (Қиёмат) Соати келувчидир. У ҳақда шак-шубҳа йўқдир» (Ғофир: 59).

Ва бошқа оятлар.

¹ Бухорий (4981, 7274) ва Муслим (152) ривояти.

103-савол: Охират кунига иймон келтириш маъноси нима ва унинг ичига нималар киради?

Жавоб: Унинг шак-шубҳасиз келишига қатъий ишониш ва шунинг тақозосига кўра амал қилиш, демакдир. Унинг ичига: қиёматдан аввал унинг албатта зоҳир бўлувчи шартлари ва аломатларига иймон келтириш, ўлимга ва қабр фитнасига, қабрдаги азоб ва неъматларга, сур чалинишига, халойиқларнинг қабрларидан тирилиб чиқишлирига, қиёмат майдонидаги даҳшат ва қўрқинчларга, маҳшаргоҳ тафсилотига, сахифаларнинг тарқатилишига, тарозилар ўрнатилишига, сиротга, ҳавзи кавсарга, шафоатга, жаннат ва ундаги неъматларга – ва ундаги энг олий неъмат бўлмиш Аллоҳнинг жамолини кўришга, – дўзах ва ундаги азобларга – ва энг оғир азоб бўлмиш Раббиларининг жамолидан тўсилишга – иймон келтириш киради.

104-савол: Қиёмат қачон қоим бўлиши маълумми?

Жавоб: Қиёматнинг келиши Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум бўлган ғайб ишларидандир:

«Дарҳақиқат, ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридагина (қиёмат) соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) **билим бордир.** У (Ўзи хохлаган вақтда, Ўзи хохлаган жойга) **ёмғир ёғдирур ва** (оналарнинг) **бачадонларидаги ҳомилаларини** (ўғилми-қизми, расоми-нуқсонлими, баҳтлими-баҳтсизми эканини) билур. **Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас.** **Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас.** **Фақат Аллоҳгина билувчи ва огоҳдир»** (Луқмон: 34).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиздан Соат** (яъни Қиёмат) **қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар.** Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У (яъни Қиёмат) Самовот ва Ер учун жуда оғир (даҳшатли) бир ишдир. У сизларга фақат тўсатдан — кутилмаганда келур» (Аъроф: 187).

«(Эй Мұхаммад, мушриклар) **сиздан** (Қиёмат) **Соатини қачон воқе бўлиши ҳақида сўрарлар.** Сиз қаердасиз-у, уни (яъни Қиёмат қачон бўлишини) зикр қилиб-эслаш (қаерда) ? (Яъни сиз ҳеч қачон у Куннинг

вақтини айтиб бера олмайсиз). **Уни** (билиш) ёлғиз Парвардигорингизга **бориб тұхтар**» (Ван-назиот: 42-44).

Жибрил алайхиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва салламга: «Менга қиёмат ҳақида хабар беринг» деганларида у зот: **«Бу ҳақда сўралувчи сўровчидан кўра билувчироқ эмас»** деб жавоб бердилар ва унинг аломатларини сўзладилар, бир ривоятда: **«Беш нарса борки, уларни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмас»** деб, юқоридаги оятни ўқидилар.

105-савол: Қиёмат аломатларига Қуръондан мисоллар борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Улар фақат ўлим фаришталари келишини ё Раббингизнинг (бирон азоби) келишини, ёки Раббингизнинг оятларидан - Қиёмат аломатларидан айримлари келишини кутмоқдалар, холос. Раббингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда бермас. Айтинг: «Кутаверинглар! Биз ҳам кутувчилармиз!» (Анъом: 158).

«Қачон (кофирларнинг) устига сўз-азоб тушганида (яъни қиёмат яқинлашиб қолганида), **Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарурмиз. У уларга одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар**» (Намл: 2).

«**То Яъжуж ва Маъжуж** (тўсиги) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган ва **Ҳақ ваъда** (яъни қиёмат) яқин бўладиган вақтгача улар (яъни Биз ҳалок қилган кимсалар) **қайтмайдилар**» (Анбиё: 96, 97).

«**Бас,** (эй Мұхаммад соллаллоҳ алайҳи ва саллам), **сиз осмон очиқ,** (яъни барчага кўринадиган) тутунни келтирадиган Кунга кўз тутинг!» (Духон: 10).

«**Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз!** Зеро (қиёмат) соати (олдидағи) зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир» (Ҳаж: 1).

Ва бошқа оятлар.

106-савол: Қиёмат аломатларига ҳадисдан ҳам мисоллар борми?

Жавоб: Қуёшнинг кунботар томондан чиқиши ҳақидаги ҳадислар, добба (қиёматта яқин Аллоҳ ердан чиқарадиган жонивор) ҳақидаги

ҳадислар, дажкол ва қон түкишлар каби фитналар ҳақидаги ҳадислар, Ийсо алайхиссаломнинг тушиши ҳақидаги ҳадислар, Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши ҳақидаги ҳадислар, тутун ҳақидаги ҳадислар, ҳар бир иймонли кишининг жонини олиб кетадиган шамол ҳақидаги ҳадислар, ўт чиқиши ҳақидаги ҳадислар, ер ютиши ҳақидаги ва бундан бошқа ҳадислар бунга мисол бўлади.¹

107-савол: Ўлимга иймон келтиришга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳ алайҳи ва саллам), **айтинг: Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сұнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар» (Сажда: 11).**

«**Ҳар бир жон ўлимни тотувчиidir. Ва Қиёмат Кунida ҳеч шакшубҳасиз ажр-савобларингизни комил суратда олурсиз**» (Оли Имрон: 185).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳ алайҳи ва саллам), **ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлувчиidирсиз, улар ҳам ўлувчиidирлар**» (Зумар: 30).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳ алайҳи ва саллам), **Биз сиздан аввал ҳам бирон одамзодга абадий ҳаёт берган эмасмиз. Бас, агар сиз ўлсангиз, улар абадий қолурларми?!**» (Анбиё: 34).

«(Ер) **юзи**даги барча жонзот фонийидир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи - Ўзигина боқий мангу қолур» (Раҳмон: 26, 27).

«**Барча нарса ҳалок бўлувчиidир, магар Унинг Ўзигина (мангудир)**» (Қасас: 88).

¹ Имом Мұслим Ҳузайфа ибн Асийд ал-Ғифорий ривояти билан куйидаги (2901) ҳадисни келтиради: «Биз сўзлашиб ўтирган эдик, Набий соллаллоҳ алайҳи ва саллам чиқиб қолдилар ва: «Нима ҳақида сўзлашаяпсизлар?» деб сўрадилар. Биз: «Қиёмат ҳақида» дедик. У зот: «Аввал 10та аломатини кўрмагунларингизча қиёмат қойим бўлмайди» деб, тутунни, Дажжолни, доббани, куннинг мағрибдан чиқишини, Ийсо алайхиссаломнинг тушишини, Яъжуж ва Маъжужни ва учта – биттаси машриқда, биттаси мағрибда, биттаси Араб жазирасида ер ютишини ва охирида Ямандан чиқиб одамларни маҳшар сари ҳайдаб борадиган ўтни зикр қилдилар».

Имом Мұслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривояти билан келтиради: «Аллоҳ таоло Ямандан ипакдан ҳам мулойим бир шабадани чиқаради, у қалбиди бир зара мисқолича иймони бор одамни қолдирмасдан, қабзи рух қилади».

«Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг» (Фурқон: 58).

Ва башқа ояллар.

Бу ҳақда сон-саноқсиз ҳадислар ҳам мавжуд.

Үлим - ҳеч кимга махфий бўлмайдиган даражада очик-ойдин кўриниб турган иш, бунда бирон шак-шубҳа ҳам, тараддуд ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ, қайсарлик ва такаббурлик (билан ҳақиқатдан кўз юмилади). Фақат Аллоҳнинг муҳлис бандаларигина ўлим ва ундан кейин келувчи ҳодисаларга бўлган иймоннинг тақозосидан келиб чиқиб амал қиласидилар. Биз ишонамизки, ҳар бир ўлган ё ўлдирилган одам, бунинг сабаби қандай бўлишидан қатъий назар, ажали билан ўлган ва бирон нарса унинг ажалини қисқартиrolмайди.

Аллоҳ таоло деди:

«Уларнинг ҳар бири муайян муддатгача сайр қиласаверар» (Раъд: 2, Фотир: 13, Зумар: 5).

«Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам суро олмайдилар» (Аъроф: 34).

108-савол: Қабрдаги фитна, ундаги неъмат ёки азоблар ҳақида Қуръондан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур. Йўқ! (У асло ҳаётга қайтарилилмас). **Дарҳақиқат бу** (ҳар бир жон берадётган коғир) **айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача** (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) **бир тўсиқ бўлур»** (Муъминун: 100).

«Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди. (У азоб бир) **оловдирки,** улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар). (Қиёмат) **Соати қойим бўладиган Кунда эса** (дўзах фаришталарига): **«Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар»,** (дейилур)» (Фоғир: 45, 46).

«Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) **билан собитқадам қилур»** (Иброҳим: 27).

«Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), бу золимларни ўлим гирдобида қолган, ўлим фаришталари қўлларини чўзиб:

«Жонларингизни чиқари (б бери)нгиз! Бу Кун - Аллоҳ шаънига ноҳақ гапларни айтганингиз ва Унинг оятларидан юз ўгириб кибру ҳаво қилганингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланадиган Кунингиздир», деб турган пайтда бир кўрсангиз эди» (Анъом: 93).

«Уларни икки бор (яъни, ҳаётлик пайтларида қатл қилиш ё асир олиш билан, ўлганларидан кейин қабр азоби билан) **азоблаймиз**. Сўнгра (қиёмат кунида) улуғ азобга қайтарилурлар» (Тавба: 101).

Ва бошқа оятлар.

109-савол: Бунга Суннатдан ҳам далил борми?

Жавоб: Бу ҳақда келган саҳих ҳадислар мутавотирлик даражасига етган:

Жумладан, Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Банда қабрига қўйилиб, биродарлари ортга йўл олган ва ҳали оёқ товушлари эшитилиб турган бир вақтда унинг олдига иккита фаришта келади, уни ўтиргизиб: «Бу киши – яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам – ҳақида қандай эътиқодда эдинг?» деб сўрайдилар. Мўмин banda айтадики: «Мен уни Аллоҳнинг бандаси ва Расули деб гувоҳлик бераман». Шунда (фаришталар) унга айтади: «Дўзахдан бўлган ўрнингга қара, уни Аллоҳ сенга жаннатдан бўлган бир ўринга алмаштириди», у ҳар икки ўрнини кўради. Аммо мунофиқ ва кофир banda унга: «Бу киши ҳақида нима дер эдинг?» дейилганда: «Билмайман. Одамлар нима деса, шуни айтардим» дейди. Унга: «(Ҳақни) билмадинг, (билишга) қодир ҳам бўлмадинг» дейилади ва темир гурзилар билан шундай уриладики, оҳу фарёдларини атрофдаги инсу жиндан бошқа ҳамма эшигади.»¹

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан бирингиз вафот этса (борадиган) жойи унга эртаю кеч рўпара қилинади. Жаннат аҳлидан бўлса жаннат аҳли(нинг жойи)дан, дўзах аҳлидан бўлса дўзах аҳли(нинг жойи)дан. Ва унга: «То қиёмат куни Аллоҳ сени қайта тирилтиргунча жойинг шу» дейилади.»²

¹ Бухорий (1374) ва Муслим (2870) ривояти.

² Бухорий (1379) ва Муслим (2866) ривояти.

Икки қабр әгаси ҳақидаги ҳадисларыда: «Қасамки, бу иккиси азобланмоқда», дедилар.¹

Абу Айюб розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаппох алайхи ва саллам бир куни кун ботгандан кейин чиқдилар, шунда бир овоз әшитдилар ва: «Яхудлар қабрларыда азобланишмоқда», дедилар.²

Асмо розияллоху анхо ривоят қилған ҳадисда: «Расулуллох соллаппох алайхи ва саллам хутба қилиб, унда кишини фитналарга дучор қилинадиган қабр фитнаси ҳақида гапирдилар. Шунда мусулмонларнинг оҳ-воҳ тортган овозлари кўтарилиб кетди.»³

Оиша розияллоху анхо айтдилар: «...Шундан сўнг Расулуллох соллаппох алайхи ва салламни ҳар бир ўқиган намозларида қабр азобидан паноҳ сўраганларини кўрдим.»⁴

Кун тутилиши ривоят қилинган ҳадисда Расулуллох соллаппох алайхи ва саллам уларни қабр азобидан паноҳ тилашга буюрдилар.⁵

110-савол: Қабрлардан тирилиб чиқишига далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Эй инсонлар, агар сизлар қайта тирилишдан шубҳада бўлсангизлар, у ҳолда (қаранглар), Биз сизларга (Аллоҳнинг қудратини) баён қилиш учун сизларни (яъни отангиз Одамни) тупроқдан, сўнгра (барча жонзотни аввало) нутфа-манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра яралиб битган-битмаган (яъни инсон суратида шакланиб битган ёки битмаган) парча гўштдан яратдик. Биз (сизларни) Ўзимиз хоҳлаганимизча - муайян муддатгача (оналарингиз) қорнида қолдириб, сўнгра чақалоқ ҳолингизда (ёруғ оламга) чиқарурмиз, сўнгра вояга етгунларингизгача (ҳам Ўзимиз тарбия қилурмиз). Сизлардан (гўдаклик, ёшлиқ йилларидаёқ) вафот топадиган кишилар ҳам бўлур, яна сизлардан (кўп нарса-билимларни ўрганиб) билганидан сўнг ҳеч нарсани билмай қолиши учун энг тубан умрга (яъни қариб мункиллаб қолишга) қайтариладиган кишилар ҳам бўлур. (Қайта

¹ Бухорий (216) ва Муслим (292) ривояти.

² Бухорий (1375) ва Муслим (2869) ривояти.

³ Бухорий (1373) ривояти.

⁴ Бухорий (1372) ва Муслим (586) ривояти.

⁵ Бухорий (1050) ва Муслим (932) ривояти.

тирилиш ҳақ эканлигининг яна бир далили ушбудир) - сиз(лар) бу ерни қуруқ-ўлик ҳолида кўурурсиз. Энди қачонки Биз унинг устидан сув-ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли-туман гўзал (наботот) жуфтларини ундирур. Бунга сабаб Аллоҳ Ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага қодир эканлигидир. Яна аниқки, (қиёмат) соати шак-шубҳасиз келувчиидир ва албатта Аллоҳ қабрлардаги бор жонзотни тирилтирур» (Ҳаж: 5-7).

«У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат кунида) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. (Қайта яратиш - тирилтириш) У зотга жуда осондир» (Рум: 27).

«У кунда Биз осмонни ҳам худди мактуб ёзилган саҳифани ўраган янглиғ ўраб, биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) қайтарурмиз. (Бу) Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз (шундай) қилувчиидирмиз (Анбиё 104).

«(Кофир) инсон: «Ўлганимдан сўнг яна тирик ҳолда қабримдан чиқарилурманми?!» дер. Ахир ўша инсон Биз уни илгари ўзи ҳеч нарса бўлмаган пайтида яратганимизни (яъни йўқдан бор қилганимизни) эсламасми?! (Марям: 66, 67).

«Инсон Биз уни нутфадан, бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Ўзимизга) очиқ қаршилик қилувчи бўлиб қолганини кўрмадими?! У Бизга «Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» деб, мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «У (чириган суяқ)ларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур (Ёсин: 77-79).

«Ахир улар (охиратда қайта тирилиш ҳақ эканини инкор қилувчи кимсалар) осмонлар ва Ерни яратган, уларни яратишга ожизлик қилиб қолмаган зот - Аллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам қодир эканлигини (ўйлаб) кўрмадиларми?! Йўқ, албатта (Аллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам қодирдир). Зоро У зот барча нарсага қодирдир» (Аҳкоф: 33 – сура охиригача).

«Унинг (танҳолиги ва қудратига далолат қиласиган) оят-аломатларидан (бiri) сиз ерни қуп-қуруқ ҳолда кўришингиздир. Бас қачон Биз унинг устига сув-ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келар ва

униб-ўсар. Албатта ўша ерни тирилтирган зот ўликларни ҳам тирилтира олувчидир. Зоро У барча ишга қодирдир» (Фуссилат: 39).

Ва бошқа оятлар.

Кўпинча Аллоҳ таоло ўликларни қайта тирилтиришига қақраб ётган ўлик ерга сув билан ҳаёт бахш этишини, шундан сўнг у набототлар билан гуллаб-яшнашини қиёслаб зарбулмасал келтиради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам айни шу услубда зарбулмасал келтирдилар:

..... وكثيرا ما يضرب الله تعالى لذلك مثلا بإحياء الأرض بالماء فتصبح تهتز مخضرة بالنبات بعد موتها بالجذب إذ كانت قبل هامدة ، بذلك ضرب النبي صلى الله عليه وسلم المثل في حديث العقيلي الطويل حيث قال : « ولعمر إلهك ما يدع على ظهرها من مصرع قتيل ولا مدفن ميت إلا شقت القبر عنه حتى تجعله من عند رأسه فيستوى جالسا ، فيقول : ربك (مهيم) ؟ لما كان فيه . يقول : رب ، أمس اليوم . ولعهده بالحياة يحسبه حديثا بأهله . فقلت : يا رسول الله كيف يجمعنا بعدما تمزقنا الرياح والبلى والسباع ؟ قال : أبنك بمثل ذلك في آلاء الله ، الأرض أشرفت عليها وهي مدرة بالية فقلت : لا تحيا أبدا . ثم أرسل ربك عز وجل عليها السماء فلم تلبث عليك إلا أياما حتى أشرفت عليها وهي بشرية واحدة ، ولعمر إلهك لهو أقدر على أن يجمعهم من الماء على أن يجمع نبات الأرض ، فيخرجون من الأصوات من مصارعهم » (1) .
الحديث ، وغيره كثير.

111-савол: Қайта тирилишни ёлғон деган одамнинг ҳукми нима?

Жавоб: Ундай одам Аллоҳни, Унинг китобларини ва пайғамбарларини инкор қилган кофир ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

«Кофир бўлган кимсалар дедилар: «Ўзимиз ҳам отабоболаримиз ҳам тупроқقا айланиб кетган вақтимизда (қайта тирилтирилиб, қабрларимиздан) чиқариламиزمى?! Дарҳақиқат бизларнинг ўзимизга ҳам, илгари ота-боболаримизга ҳам мана шу ваъда қилингандир. Бу фақат ўтганларнинг афсоналаридир» (Намл: 67).

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар (бирон нарсадан) ажаблансангиз, у ҳолда уларнинг (кофирларнинг): «Тупроқ бўлиб кетгач, бизлар яна янгитдан яратиламиزمى?» деган гаплари ажабланарлидир. Улар Парвардигорларига кофир бўлган кимсалардир. (Қиёмат Кунида) уларнинг бўйинларида кишанлар бўлур. Улар дўзах эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолурлар» (Раъд: 5).

«Коғир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар. (Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тириласизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилади. Бу Аллоҳга осондир» (Тағобун: 7).

Ва бошқа оятлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳ таоло деди: Одамзот мени ёлғончи қилди, у бунга ҳақли эмас эди, мени ҳақоратлади, унинг бунга ҳаққи йўқ эди. Мени ёлғончи қилиши шуки, у: «Аллоҳ мени биринчи бор яратганидек ҳолимга қайтаролмайди», деди. Ҳолбуки, биринчи бор яратиш Менга қайта яратишдан кўра енгил эмасдир. Мени ҳақорат қилиши шуки, «Аллоҳнинг фарзанди бор» деди. Ҳолбуки, Мен ягона, беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким Менга барабар келолмайдиган Зотман».¹**

112-савол: Сур чалинишига далил борми, у неча марта чалинади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, барногоҳ улар (яъни барча ҳалойиқ қайта тирилди, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар» (Зумар: 68).

Мазкур оятда сур икки бор – биринчиси барча жонзотнинг жонини олишга, иккинчиси қайта тирилтириш учун чалинишига далил бор.

«Сур чалиниб, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот (ҳузурига) бўйин эгган ҳолда келган кунни эсланг» (Намл: 87).

Баъзилар бу оятдаги даҳшатни ҳалокат маъносида тафсир қилганлар, унда бу Зумар сурасида зикр қилинган биринчи чалиниш бўлади. Буни қуидаги ҳадис ҳам қувватлайди:

«Сўнг сур чалинади, уни эшитган одам борки, бўйини эгганича ва (ё) бўйини чўзганича (қолади), уни биринчи бўлиб эшитган одам тялярининг ҳовузини суваётган киши бўлади, шунда у беҳуш

¹ Бухорий (4974) ривояти.

бўлади, бошқалар ҳам беҳуш бўлади. Сўнгра Аллоҳ таоло майдалаб ёмғир ёғдиради, ундан одамларнинг жасадлари униб (тирилиб) чиқади. Сўнг яна бир бор сур чалинади, шунда улар туриб атрофга қарай бошлайдилар».¹

Бошқа баъзилар эса даҳшатни ҳалокатдан бошқа маънода тафсир қилишган. Унда бу сурнинг аввалги икки мартадан кейин учинчи бор чалиниши бўлади. Буни сур ҳақидаги узун ҳадис² ҳам қувватлайди, унда сурнинг уч бор чалиниши зикр қилинган: даҳшатга солган чалиниш, ҳалок қилган чалиниш ва оламлар парвардигори ҳузурида туриш учун чалиниш.

113-савол: Маҳшарга йиғилиш Қуръонда қандай сифатланган?

Жавоб: Унинг сифати ҳақида оятлар кўп:

«Мана, Бизнинг ҳузуримизга сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз» (Анъом: 94).

«Биз тоғларни (булутлар янглиғ) **юргизадиган ва сиз** (барчангиз) Ерни очиқ-яланғоч (тоғ-тошларсиз, боғ-роғларсиз) **кўрадиган Кунни** (яъни, Қиёматни эслангиз)! (У Кунда) **Биз улардан биронтасини қўймай йиғдик**» (Каҳф: 47).

«Биз тақводор зотларни отлиқ ҳолларида Раҳмон даргоҳига тўплайдиган ва жиноятчи-кофирларни жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган кунни (эсланг)!» (Марям: 85, 86).

«Ер (қаттиқ) **ларзага келган, тоғлар титилиб, чанг-тўзонга айланган ва сизлар уч синф-тоифа бўлиб қолган чоғда** (Қиёмат кофирларни дўзахга дучор этиш билан) **паст қилувчи,** (мўминларни эса жаннатга киритиш билан) **баланд қилувчидир.** **Бас,** (у уч тоифадан биринчиси) **ўнг томон эгаларидир.** **Ўнг томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (саодат)дир! (Иккинчи тоифа) **сўл-чап томон эгаларидир.** **Сўл-чап томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (бахтсизлик)дир! (Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга) **пешқадам бўлувчи зотлар** (жаннат неъматларига эришишида ҳам) **пешқадам бўлувчи зотлардир!**» (Воқеа: 3-10).

¹ Муслим (2940) ривояти.

² Табароний, «Кабир»: (25/36x, 266c).

«У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фариштага) эгилмай-бурилмай эргашурлар - итоат қилурлар. Овозлар ҳам Раҳмонга таъзим қилур, бас фақат пичирлашнигина эшитурсиз» (Тоҳа: 108).

«Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топувчидир. У зот кимни йўлдан оздирса, бас, улар учун Ундан ўзга дўст мададкорларни топа олмассиз, уларни Қиёмат кунида юзтубан ҳолларида кўр, соқов, кар қилиб тирилтиурмиз» (Исро: 97)

Ва бошқа оятлар ҳам кўп.

114-савол: Маҳшарга йигилиш Суннатда қандай сифатланган?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Одамлар уч гуруҳ бўлиб йигиладилар: рағбат (яхши амаллари боис яхшиликка етишни умид қилувчи) ва раҳбат (ёмон амаллари боис азоб етишидан кўркувчи) қилувчилар; бир туяга икки киши, уч киши, тўрт киши, ўн киши мингандеки ҳолда; қолганларини эса ўт жамлайди, ўт улар билан ётган жойларида ҳам, турган жойларида ҳам, юрган жойларида ҳам бирга бўлади».¹

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, коғир қандай қилиб юзтубан ҳолида маҳшарга келади?» деб сўради. «Дунёда икки оёғида юргизиб қўйган зот қиёмат куни юзтубан юргизишга қодир эмасми?!» дедилар.²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлар ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда маҳшарга йигиласизлар: «Мана, Бизнинг ҳузуримизга сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз» (Анъом: 94). Қиёмат куни халойиқлар ичida энг биринчи кийинтириладигани Иброҳим алайҳиссалом бўлади».³

Оиша розияллоҳу анҳо шу хусусда: «Ё Расулуллоҳ, эркак ва аёллар бир-бирларига қарайдиларми?» деб сўраганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аҳволнинг оғирлигидан бу нарсага

¹ Бухорий (6522) ва Муслим (2861) ривоятлари.

² Бухорий (4760, 6523) ва Муслим (2806) ривоятлари.

³ Бухорий (3349) ва Муслим (2860) Ибн Аббосдан ривоят қилганлар.

аҳамият бериш уларнинг хаёлига ҳам келмайди», деб жавоб бердилар.¹

115-савол: Махшаргоҳда туриш Қуръонда қандай сифатланган?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Сиз ҳаргиз: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни(нг жазоларини) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (кўрқинчли Қиёмат) Кунига қолдирмоқда, холос. (У Куни) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди (яъни, қўрқувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). Диллари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур» (Иброҳим: 42, 43).

«Рұх (Жаброил) ва (барча) фаришталар саф тортиб турадиган Кунда улар (инсонлар) У зотдан (Аллоҳдан) қўрқиб бирон сўз айтишга қодир бўлмаслар. Улар сўзлай олмаслар, фақат У Мехрибон зот изн берган кишигина (сўзлар) ва (фақат) рост сўзни айтур» (Набаъ: 38).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз уларни яқин Кундан (яъни Қиёматдан) огоҳлантиринг! Ўшанда улар юраклари халқумларига тиқилиб, (ўзлари) ғам-ҳасратга тўлиб турадилар. Золим коғир кимсалар учун (у Кунда) на бир дўст ва на итоат қилинадиган (яъни шафоати қабул қилинадиган) оқловчи бўлмас» (Ғоғир: 18).

«Фаришталар ва Рұх (яъни Жаброил) миқдори-узунлиги эллик минг йил бўлган бир Кунда (яъни Қиёмат Кунидан) У зотнинг ҳузурига кўтарилурлар» (Маориж: 4).

«Яқинда (Қиёмат қойим бўлган Кунда) сизлар(ни ҳисоб-китоб қилиш учун фориғ бўлажакмиз, эй инсу жинлар!» (Раҳмон: 31).

Бундан бошқа ҳам кўп оятлар бор.

116-савол: Махшаргоҳда туриш Суннатда қандай сифатланган?

Жавоб: Бу ҳақда кўп ҳадислар бор. Жумладан:

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «**Барча одамлар бутун оламлар**

¹ Муслим (2859) ривояти.

Парвардигори ҳузырида тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат) **Кунида»** (Мутоффифун: 6) ояти ҳақида: «**Улардан баъзи бирлари қулоқларининг ярмигача терига ботиб туради», дедилар.¹**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Қиёмат кунида одамлар терга ботадилар, ҳатто терлари ерда етмиш газга етади ва уларни то қулоқларигача қоплаб олади.**»²

117-савол: Ҳисобга кўндаланг қилиниш ва ҳисоб-китоб қилиниш Куръонда қандай сифатланган?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Ўша Кунда сизлар** (ҳисоб-китоб учун Аллоҳга) **кўндаланг қилинурсизлар — сизларнинг бирон сирингиз махфий қолмас**» (Ал-Ҳаакқа: 18).

«**Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар** (ва Биз уларга айтдик): «**Мана, сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда** (яъни, мол-дунё, болачақларингизни тарқ қилиб, яланғоч ҳолингизда) **ҳузуримизга келдингиз**» (Қаҳф: 18).

«**Биз ҳар бир миллат** (дин аҳли)дан бир гурӯҳ **Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган кимсаларни тўплаб, улар тизилиб турадиган кунни** (эсланг). Энди қачон улар (ҳисоб-китоб қилинадиган жойга) келишгач, (Аллоҳ) айтди: «**Сизлар аниқ-пухта билмаган ҳолингизда Менинг оятларимни ёлғон дедингизми?!** Бўлмаса нима қилувчи **бўлдингизлар?!»** Золим-кофир бўлганлари сабабли уларнинг устига сўз — азоб тушди. **Бас улар** (бирон сўз) сўзлай олмаслар» (Намл: 83-85).

«**Ўша Кунда одамлар, уларга** (қилиб ўтган амаллари)нинг жазо ёки мукофотлари **кўрсатилиши** учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! **Бас, ким** (ҳаёти-дунёдалик пайтида) **зарра мисқоличалик яхшилик қилса** (Қиёмат Кунида) **ўшани кўрур.** **Ким** зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» (Залзала: 6-8).

¹ Бухорий (4938) ва Муслим (2862) ривоятлари.

² Бухорий (6532) ва Муслим (2863) ривоятлари.

«Парвардигорингиз номига қасамки, албатта, уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш — амаллари ҳақида сўраймиз» (Ҳижр: 92,93).

«(Аммо то Менинг фармоним бўлмагунча) уларни тўхтатиб (дўзахга ташламай) туринглар! Чунки улар (аввал ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари тўғрисида) сўралувчиidlар» (Соффат: 24).

118-савол: Мазкур ҳолат Суннатда қандай сифатланган?

Жавоб: Бу ҳақда кўп ҳадислар бор. Жумладан:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким комил ҳисоб қилинса, албатта азобга тортилади», дедилар. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо: «Аллоҳ таоло: «Бас,, у осон ҳисоб билан ҳисобкитоб қилинажак» (Иншиқоқ: 8) демаганми?!» деганларида: «Бу (унинг амалларининг бир қатор) кўндаланг қилинишидир, холос», дедилар.¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қиёмат куни кофири олиб келиниб, унга: «Нима дейсан, агар ер юзи тўла тилла сеники бўлса, азобдан қутилиш учун шунинг ҳаммасини берган бўлармидинг?», дейилади. У: «Ҳа», дейди. Шунда унга: «Сендан бундан анча оз нарса сўралган эди», бир ривоятда: «Мен сендан Одамнинг пуштикамарида экан пайтингда бундан анча енгил нарсани – Менга ширк келтирмасликни сўраган эдим, сен ширкдан бошқасига кўнмадинг», дейилади.»²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларнинг ҳар бирингиз билан Парвардигори ўртада таржимон бўлмаган ҳолда албатта сўзлашади. Шунда у ўнг томонига қараб, ўзи қилган амаллардан бошқа нарсани кўрмайди. Чап томонига қараб, ўзи қилган амаллардан бошқа нарсани кўрмайди. Олди томонига қараса, рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Шундай экан, яримта хурмо билан бўлса-да, бир оғиз ширин сўз билан бўлса-да, дўзахдан сақланинглар!»³

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан – яъни, мўминлардан – бирингиз Раббига яқин келади, ҳатто У зот

¹ Бухорий (4939) ва Муслим (2876) ривоятлари.

² Бухорий (3334) ва Муслим (2805) ривоятлари.

³ Бухорий (1413) ва Муслим (1016) ривоятлари.

унинг устига пардасини ташлайди, сўнг: «Шундай-шундай (гуноҳларни) қилганмисан?», дейди. У: «Ҳа», дейди. Яна: «Шундай-шундай (гуноҳларни) ҳам қилганмисан?», дейди. У: «Ҳа», дейди. Иқрор қилдиргач, сўнг: «Мен дунёда бу ишларингни яширган эдим, энди бугун ҳам уларни мағфират қиласман», дейди».¹

119-савол: Амал саҳифалари (номаи аъмол)нинг тарқатилиши Куръонда қандай сифатланган?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз (яъни, унинг қилган ҳар бир амали икки дунёда унга ажralmas ҳамроҳ бўлур). **Биз Қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни** (яъни, номаи аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз. (Ва унга дейилур): **«Номаи аъмолингни ўқи! Бугун ўзинг ўзингга қарши етарли ҳисобчиидирсан»** (Исро: 13,14).

«(Номаи аъмол) саҳифалари очилганида» (Таквир: 10).

«(Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлғай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди», дейишларини кўурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозиру нозир ҳолда топурлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилас» (Каҳф: 49).

«Бас, энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, бас, у дер: «Мана менинг китобимни ўқинглар» оятидан то «Уни фақат (йўлдан) адашган (кофир)ларгина ерлар!» оятигача (Ал-Ҳааққа: 19-37).

«Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак. Ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли-оиласига шоду ҳуррам ҳолда қайтажак. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса. Бас, у (ўзига) ўлим (ва ҳалокат)ни тилаб дуо қилиб қолажак. Ва дўзахга киражак!» (Иншиқоқ: 7-10).

120-савол: Бунга Суннатдан далил борми?

¹ Бухорий (6070) ва Муслим (2768) ривоятлари.

Жавоб: Бу ҳақда күп ҳадислар бор. Жумладан:

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «**Мўминни Раббига яқин келтирилади, ҳатто У зот унинг устига пардасини ташлайди, сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдиради:** «Фалон-фалон гуноҳни эътироф этсанми?» У: «Эътироф этаман эй Раббим, эътироф этаман», дейди. Шунда: «Дунёда буларни яширган эдим, энди бугун ҳам уларни мағфират этаман», дейди. Сўнг яхши амалларининг саҳифаси ёпилади (берилади). Аммо бошқаларга – ёки коғирларга – барча гувоҳлар олдида шундай нидо қилинади: «**Мана шулар Парвардигорлари шаънига ёлғон сўзларни сўзлаганлар**» (Ҳуд: 18). (Бухорий ривояти)

Оиша розияллоху анҳо айтадилар: Мен: «Ё Расулуллох, қиёмат куни ҳабиб ҳабибини эсга оладими?» деб сўрадим. «**Эй Оиша, учта ҳолат устида (биров бировни) эсга олмайди: амаллар тарозида тортилиш пайтида, то оғир ё енгиллиги маълум бўлгунича; номаи аъмоллар берилиш пайтида, улар ё ўнг томондан берилади, ё чап томондан берилади; дўзахнинг бўйни (алангаси кўтарилиб) чиққандада...**» (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари)

121-савол: Мезон-тарозига Қуръондан далил борми, амаллар қандай ўлчанади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтиurmиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчиidirmiz!**» (Анбиё: 47).

«(Амалларни тўғри) тортишлик ўша Куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топувчилардир. Кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил бўлса, бас, улар (Бизнинг оятларимизни инкор қилиш билан) зулм қилиб ўтганлари сабабли ўзларига зиён қилган кимсалардир» (Аъроф: 8,9).

Аллоҳ таоло коғирлар шаънида айтади: «**Улар Раббилиарининг оятларини ва У зотга рўбарў бўлишни инкор қилишиб, бутун амаллари беҳуда кетган кимсалардир.** Биз Қиёмат кунида улар

(қилиб ўтган амаллар) учун тарози қўймаймиз! (уларнинг ҳасанотлардан холи бўлган амалларини тортмаймиз» (Каҳф: 105).

Ва бошқа оятлар.

122-савол: Бунга Суннатдан далил борми, унинг Суннатдаги сифати қандай?

Жавоб: Бу ҳақда кўп ҳадислар бор.

Жумладан: Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда икки шаҳодат калимаси битилган бир парча қоғоз ёмон амаллар битилган 99та кўз илғамас даражадаги улкан китобдан оғир келгани айтилади.¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Масъуд ҳақида айтдилар: «...Сизлар унинг болдириларининг нозиклигидан ажабланяпсизларми? Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, улар мезон-тарозида Уҳуддан ҳам оғирроқдир».²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қасамки, қиёмат кунида йўғон, семиз одамни олиб келинади, у Аллоҳнинг олдида исқабтопарнинг қанотича ҳам вазнга эга бўлмайди. (Аллоҳнинг бу оятини) ўқинглар: «Биз Қиёмат кунида улар (қилиб ўтган амаллар) учун тарози қўймаймиз! (уларнинг ҳасанотлардан холи бўлган амалларини тортмаймиз» (Каҳф: 105).³

Ва бошқа ҳадислар.

123-савол: Сиротга Китобдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Биз ўзимиз унга (жаҳаннамга) киришга лойиқроқ бўлган кимсаларни яхшироқ билувчиридирмиз. Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчиидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз» (Марям: 71,72).

¹ Аҳмад (2/213), Термизий (2639), Ибн Можа (4300) ва бошқалар ривояти.

² Аҳмад (1/114), Абу Яъло (1/539) ривоятлари.

³ Бухорий (4729) ва Муслим (2785) ривоятлари.

«Мўмин ва мўминаларнинг олдиларида ва ўнг томонларида нурлари (яъни қилган яхши амаллари ва номаи аъмоллари йўлларини ёритиб) **кетаётганини кўрадиган Кунни** (эсланг)!» (Ҳадид: 12).

124-савол: Бунга Суннатдан далил борми, унинг Суннатдаги сифати қандай?

Жавоб: Бу ҳақда кўп ҳадислар бор.

Жумладан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоат ҳақидаги ҳадисларида: «**Сирот-Кўприкни олиб келиниб, жаҳаннам устига қўйилади**», дедилар. Биз: «Ё Расулуллоҳ, сирот нима?» деб сўрадик. «**У оёқ тойилиб кетадиган, сирпанчиқ жой, юзасида чангаклар, қисқичлар, илмоқсимон тиканли йўғон тиканаклар бордир. Мўмин киши унинг устидан чақмоқдек, шамолдек, учқур отдек ўтади...**», дедилар.¹ Абу Сайд розияллоҳу анху: «Хабарларга кўра, сирот қилдан ингичка ва қиличдан ўткирдир», деганлар.

125-савол: Қасос олинишига Аллоҳнинг Китобидан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Шубҳасиз, Аллоҳ бирорвага бир зарра вазнича зулм қилмас. Агар заррача яхшилик бўлса, уни бир неча барабар қилур ва ўз ҳузуридан улуғ ажр ато қилур» (Нисо: 40).

«Бу Кунда ҳар бир жон ўзи қилган амали билан жазоланур. Бу Кунда (хеч кимга) зулм қилинмас. Албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз уларни яқин Кундан** (яъни Қиёматдан) **огоҳлантиринг!** Ўшанда улар юраклари халқумларига тиқилиб, (ўзлари) ғам-ҳасратга тўлиб турурлар. Золим коғир кимсалар учун (у Кунда) на бир дўст ва на итоат қилинадиган (яъни шафоати қабул қилинадиган) **оқловчи бўлмас.** (Аллоҳ) **кўзларнинг хиёнатини** (яъни қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) **ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билади.** **Аллоҳ ҳақ (ҳукм) билан ҳукм қилади**» (Фоғир: 17-20).

«Уларнинг (яъни барча бандаларнинг) **ўрталарида** (биронталарига) **зулм қилинмаган ҳолда ҳақ (ҳукм) билан ҳукм қилинди»** (Зумар: 69).

¹ Бухорий (7434) ва Муслим (182) ривоятлари.

126-савол: Бунга Суннатдан далил борми, унинг Суннатдаги сифати қандай?

Жавоб: Бу ҳақда кўп ҳадислар бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Одамлар ўртасида энг аввал ҳукм (ажрим) қилинадиган нарса қонлар хусусида бўлади**».¹

«Кимнинг зиммасида биродарига нисбатан бирон зулм бўлса, бугун – биродарига унинг ҳасанотидан олиб берилишидан олдин – ундан қутулиб олсин, чунки у ёқда динор ҳам, дирҳам ҳам бўлмайди. Агар унинг ҳасаноти бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олиб, унинг устига ташланади».²

«Мўминлар дўзахдан ўтиб бўлишгач, жаннат ва дўзах ўртасидаги қантара-кўприқда тўхтатилиб, ўрталарида дунёда бўлган зулмлар учун бир-бирларига қасос олиб берилади. Тозаланиб, покланишгач, уларга жаннатга киришга изн берилади.»³

127-савол: Ҳавзга Китобдан далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобан деди: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта **Биз сизга Кавсарни ато этдик**» (Кавсар:1).

128-савол: Бунга Суннатдан далил борми, унинг Суннатдаги сифати қандай?

Жавоб: Бу ҳақда мутавотирлик даражасига етган кўп ҳадислар бор. Жумладан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«**Мен сизлардан аввал ҳавз (Кавсар) олдига бориб тураман**».⁴

«**Мен сизлардан олдин бориб турувчиридман, мен сизларга гувоҳдирман, Аллоҳга қасамки, мен ҳозир ҳавзимга қараб турибман**».⁵

¹ Бухорий (6532) ва Муслим (1678) ривоятлари.

² Бухорий (2449) ривояти.

³ Бухорий (2440) ривояти.

⁴ Бухорий (6575) ва Муслим (2297) ривоятлари.

⁵ Бухорий (6590) ва Муслим (2296) ривоятлари.

«Ҳавзим (кенглиги) бир ойлик йўлдир, суви сутдан оқ, ҳиди мушқдан-да хушбўй, идишлари самодаги юлдузлар сонича. Ундан ичган одам қайтиб ташна бўлмайди.»¹

«(Меърожга чиққанимда) икки лаби узра ғовак марваридли чодирлар бўлган бир анҳор олдига бордим. «Бу нима, эй Жибрил?», деб сўрадим. «Бу Кавсардир», деди².»

Булардан ташқари яна кўп ҳадислар бор.

129-савол: Жаннат ва дўзахга иймон келтиришга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун остларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бор» (Бақара: 24,25).

Бу ҳақда саноқсиз оятлар бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги намозларида шундай дуо қилардилар: «Сенга ҳамд бўлсин. Сен ҳақсан. Ваъданг ҳақ, Сен билан учрашмоқ ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, пайғамбарлар ҳақ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақ, Қиёмат ҳақ...» (Бухорий ривояти)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким: «Бир Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, У ёлғиздир, шериги йўқдир, Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир, Ийсо ҳам Унинг бандаси, расули, Марямга ташлаган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир, жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир» деб гувоҳлик берса, Аллоҳ уни нима ишлар қилган бўлса ҳам, жаннатга киритади». (Бухорий (3435) ва Муслим (28) ривоятлари) Бир ривоятда: «Саккиз жаннатнинг хоҳлаган дарвозасидан».

130-савол: Жаннат ва дўзахга иймон келтиришнинг маъноси нима?

Жавоб: Бунинг маъноси - уларнинг яратиб қўйилган ва ҳозирда мавжуд эканини, улар Аллоҳнинг иродаси билан боқий ва туганмас

¹ Бухорий (6579) ва Муслим (2292) ривоятлари.

² Бухорий (6581) ривояти.

эканини ҳамда бунисининг ичидаги неъматлар ва унисининг ичидаги азобларнинг барчасини қатъий тасдиқлаш, демакдир.

131-савол: Уларнинг ҳозирда мавжуд эканига далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло уларнинг ҳозирлаб қўйилганлигини хабар бериб, жаннат ҳақида: «**Тақвадорлар учун ҳозирлаб қўйилган**» (Оли Имрон: 132), дўзах ҳақида: «**Коғирлар учун ҳозирлаб қўйилган**» (Оли Имрон: 131) деган.

Аллоҳ таоло бизга Одам алайҳиссалом ва унинг жуфтини дарахт мевасидан ейишларидан илгари жаннатда тургизганини хабар берган, шунингдек У зот коғирларнинг эртаю кеч дўзахга тоблаб турилишлари ҳақида хабар берган.

Расулуплоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Жаннатга боқдим ва унинг аҳлидан кўплари камбағаллар эканини кўрдим, дўзахга боқдим ва унинг аҳлидан кўплари аёллар эканини кўрдим**». (Бухорий (3241) ва Муслим (2738) ривоятлари)

«Сизлардан бирингиз вафот этса (борадиган) жойи унга эртаю кеч кўрсатилади. Жаннат аҳлидан бўлса жаннат аҳли(нинг жойи)дан, дўзах аҳлидан бўлса дўзах аҳли(нинг жойи)дан. Унга: «То қиёмат куни Аллоҳ сени қайта тирилтиргунча жойинг шу» дейилади.» (Бухорий (1379) ва Муслим (2866) ривоятлари).

«Намозни салқинлатиб ўқинглар, чунки ҳароратнинг кучайиши жаҳаннамнинг уфуришидандир». (Бухорий (536) ва Муслим (615) ривоятлари).

«Дўзах: «Эй Раббим, (алангларим) бир-бирини еб юборди» деб Раббига шикоят қилди. Шунда унга икки марта – бир бор қишида ва бир бор ёзда – нафас (олиши)га изн берди. Сизлар ҳис қиладиган энг қаттиқ иссиқ ва сизлар ҳис қиладиган энг қаттиқ совуқ ана шу (нафасдан)дир» (Бухорий (537) ва Муслим (617) ривоятлари)

«Иситма жаҳаннамнинг уфуришидандир, уни сув билан совутинглар». (Бухорий (3264, 5723) ва Муслим (2209) ривоятлари)

«Аллоҳ жаннат ва дўзахни яратгач, Жибрилни жаннатга юборди ва: «Бориб, жаннатни кўргин», деди...» (Аҳмад (2/354), Абу Довуд (4744), Термизий (4/2560) ва Насойи (7/3) ривоятлари)

Қуёш тутилган кунда намозда турғанларида жаннат ва дўзах Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўндаланг қилинган. (Бухорий (748) ва Муслим (907) ривоятлари)

Жаннат ва дўзах Исро кечасида ҳам у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қўрсатилган. (Бухорий (239) ва Муслим (162) ривоятлари) Бу ҳақда кўплаб саҳиҳ ҳадислар мавжуд.

132-савол: Уларнинг боқий ва асло туганмас эканига далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло жаннат ҳақида шундай дейди:

«Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк баҳтдир» (Тавба: 100).

«У жойда уларга бирон чарчоқ етмас ва улар у жойдан чиқарилувчи ҳам эмаслар!» (Ҳижр: 48).

«Бу туганмас инъомдир.» (Ҳуд: 108).

«Тугаб қолмайдиган ва ман этилмайдиган кўпдан-кўп (турли-туман) мева-чева (ости)да» (Воқеа: 32,33).

«Шак-шубҳасиз бу Бизнинг (жаннат ахлига ато этадиган) ризқу-рўзимиздирки, унинг учун тугаб қолиш бўлмас» (Сод: 54).

«Албатта тақводор зотлар (У Кунда) осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар... Улар (жаннатда) биринчи ўлимдан (яъни ҳаёти дунёдан кўз юмғанларидан) бошқа ўлимни тотмаслар» (Духон: 51-56).

Ва бошқа оятлар.

Аллоҳ таоло дўзах ҳақида айтади:

«Магар уларни жаҳаннам йўлига равона қилур ва улар у жойда абадий қолажаклар» (Нисо: 169).

«Албатта Аллоҳ коғирларни лаънатлади ва улар учун ўтни тайёрлаб қўйди. Улар на бирон дўст ва на бирон ёрдамчи топмаган ҳолларида у жойда мангу қолурлар» (Аҳзоб: 64, 65).

«Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, албатта унинг учун жаҳаннам олови бордир. (Ундан кимсалар) ўша жойда мангу қолурлар» (Жин: 23).

«... ва улар жаҳаннамдан чиқувчи бўлмайдилар» (Бақара: 167).

«Улардан (азоб бирон лаҳза ҳам) енгиллатилмас ва улар (ўша азобда қолиб) бутунлай номурод бўлувчиидирлар!» (Зухруф: 75).

«Коғир бўлган кимсалар учун эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга (иккинчи бор ўлиш) ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур» (Фотир: 36).

«Ҳеч шубҳа йўқки, кимда-ким Парвардигорининг (хузурига) жиноятчи-коғир бўлган ҳолда келса, у ҳолда албатта унинг учун жаҳаннам бор бўлиб, у (коғир) у жойда на ўла олур ва на яшай олур» (Тоҳа: 74).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Дўзах аҳли бўлган дўзахийлар у ерда на ўладилар, на яшай оладилар.» (Муслим (185) ривояти)

«Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга кириб бўлгач, ўлим олиб келинади ва жаннат билан дўзах ўртасида сўйиб ташланади. Бир фаришта нидо қиласидики: «Эй жаннат аҳли, энди ўлим йўқ, эй дўзах аҳли, энди ўлим йўқ.» Шунда жаннат аҳлининг шодликлари зиёда бўлиб, дўзах аҳлининг қайғулари ортади». (Бухорий (6548) ва Муслим (2849) ривоятлари)

Бу ҳақда бошқа ҳадислар ҳам бор.

133-савол: Мўминлар охиратда Раббилари таборака ва таолони кўришларига далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«У Кунда (мўминларнинг) юzlари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчиидир!» (Қиёмат: 22, 23).

«Чиройли амал қилган зотлар учун жаннат ва зиёда (Аллоҳнинг юзига боқиш) бордир» (Юнус: 26).

Аллоҳ таоло коғирлар ҳақида айтади:

«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ўша (Қиёмат) Кунида Раббиларидан тўсиливчиидирлар» (Мутоффифун: 15).

Аллоҳнинг душманлари У зотнинг дийдоридан тўсилсалар, демак У зотнинг дўстлари бундан тўсилемасликлари маълум бўлади.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ўтирган эдик, у

зот 14 кунлик ойга боқиб, дедилар: «**Сизлар Раббингизни худди шу (ой)ни кўраёттанингиздек аниқ-тиник кўрасизлар, Уни кўришда (тиқилинчдан) талашиб-тортишмайсизлар.** Агар кун чиқишидан илгари (бомдод) ва кун ботишидан олдин (аср) намоз ўқишдан мағлуб бўлмасликка қодир бўлсаларингиз, шундай қилинглар».

(Бухорий (554) ва Муслим (633) ривоятлари)

Суҳайб розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Сўнг пардани очади, уларга Раббилиари азза ва жалланинг жамолига боқишдан кўра суюмлироқ бирон нарса ато этилмайди**», дедилар, сўнг ушбу оятни ўқидилар: «**Чиройли амал қилган зотлар учун жаннат ва зиёда** (Аллоҳнинг юзига боқиши) **бордир**» (Юнус: 26).¹

Бу ҳақда кўплаб саҳиҳ ва сарих ҳадислар борки, биз «Суллам улвусул» шарҳида 30дан ортиқ саҳобадан 45та ҳадисни зикр қилганмиз.

134-савол: Шафоатга ишонишга далил борми, шафоат ким тарафидан, ким учун ва қачон бўлади?

Жавоб: Шафоат ҳақида Қуръонда кўплаб оятлар келган.

Аллоҳ таоло шафоат Ўзининг мулки эканини, бирон кишига ундан бирон улуш йўқ эканини хабар беради:

«**Айтинг: «Барча шафоат-оқлов ёлғиз Аллоҳникидир»** (Зумар: 44).

Шафоат қачон бўлади? Аллоҳ таоло унинг фақат Ўзининг изни билангина бўлишини хабар беради:

«**Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди**» (Бақара: 255).

«(Киёмат Кунида) бирон оқловчи бўлмас, магар Унинг изну иродасидан сўнггина (оқлай олур)» (Юнус: 3).

«**Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам бирон фойда бермас, магар Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишилар учун (шафоатга) изн берганидан кейингина (у шафоатнинг фойдаси тегур)»** (Ван-нажм: 26).

«**(Аллоҳ) ҳузурида фақат Унинг Ўзи изн берган кишиларгагина шафоат-оқлов фойда берур** (яъни ана ўша зотларгина шафоатга эришурлар, ё ўзгаларни шафоат қила олурлар)» (Сабаъ: 23).

¹ Муслим (181) ривояти.

Шафоат ким тарафидан бўлади? Аллоҳ таоло шафоат Ўзи изн берганидан кейингина бўлишини хабар берганидек, уни фақат Ўзи рози бўлган дўстларига изн беришини ҳам хабар берди:

«Улар сўзлай олмаслар, фақат У Мехрибон зот изн берган кишигина (сўзлар) ва (фақат) рост сўзни айтур» (Набаъ: 38).

«(У кунда) фақат Раҳмон ҳузурида аҳду-паймон олган кишиларгина шафоат қилишга эга бўлурлар» (Марям: 87).

Шафоат ким учун бўлади? Аллоҳ таоло фақат Ўзи рози бўлган кишиларнигина шафоат қилишга изн беришини хабар берди:

«Улар фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар – оқлай олурлар» (Анбиё: 28).

«У кунда оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У зот рози бўлган кишигагина (фойда берур)» (Тоҳа: 109).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло фақат тавҳид ва ихлос эгаларидангина рози бўлади, аммо бошқалар хусусида шундай дейди:

«Золим коғир кимсалар учун (у Кунда) на бир дўст ва на итоат қилинадиган (яъни шафоати қабул қилинадиган) оқловчи бўлмас» (Фоғир: 18).

«Энди бизлар учун на оқловчилар ва на бирон қадрдон дўст бордир» (Шуаро: 100, 101).

«Энди оқловчиларнинг оқлови уларга фойда бермас!» (Муддассир: 48).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоат ҳақидаги ҳадисларида хабар беришларича, у зот Аршнинг остига бориб сажда қиладилар ва Парвардигорларига Унинг Ўзи ўргатган ҳамду-санолар билан мақтов айтадилар, шундан сўнг то у зотга: «Бошингизни кўтаринг, сўзланг, сўзингизга қулоқ солинади, сўранг, сўровингиз берилади, шафоат қилинг, шафоатингиз қабул қилинади» дейилмагунча шафоатни бошламайдилар. (Бухорий (4712) ва Муслим (194) ривоятлари)

У зот яна хабар беришларича, тавҳид аҳлидан бўлган гуноҳкор кишиларнинг барчасини бирданига шафоат қилолмайдилар: **«Менга (Раббим) маълум миқдордаги кишиларни шафоат қилишни чеклаб қўяди, мен уларни жаннатга киритаман».** (Бухорий (6565) ва Муслим (193) ривоятлари) Сўнг яна қайтиб бориб, сажда қиладилар, яна бир миқдор кишиларни шафоат қилишга изн берилади...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Росулуллоҳ, қиёмат куни сизнинг шафоатингиз ила энг саодатли бўлувчи инсон ким?» деб сўраганида у зот: **«Қиёмат куни менинг шафоатим ила энг саодатли бўлувчи инсон – сидқидилдан, холис: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган кишидир»** деб жавоб берганлар. (Бухорий (99) ривояти)

135-савол: Шафоат неча хил бўлади, энг каттаси қайси?

Жавоб: Энг катта шафоат – Қиёмат майдонидаги улкан шафоат, яъни Аллоҳ таолога бандалари ўртасида ҳукм қилиш учун келишини сўраб воситачи бўлишдир. Бу эса пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос шафоатdir ва у Аллоҳ таоло у кишига ваъда қилган мақтовли мақомдир: **«Шоядки, Парвардигорингиз сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқлайдиган) мақомда тирилтирас»** (Исро: 79).

Яъни, Қиёмат майдонида одамларнинг аҳволи ғоят танглашган, узоқ туриб қолишган, безовталиклари кучайган, қулоқларигача терга ботишган ҳолат юзага келгач, уларнинг ўрталарида тезроқ ҳукм қилишини сўраб Аллоҳга воситачи бўлишларини илтимос қилиб, аввал Одам алайҳиссаломнинг, сўнг Нуҳнинг, сўнг Иброҳимнинг, сўнг Мусонинг, сўнг Ийсонинг ёнларига келадилар. Ҳаммалари: «Жоним, жоним» (яъни, жонимни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун ўзим шафоатчига муҳтоҷман), деб жавоб беришади. Ниҳоят улар пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келадилар, у зот: «Майли, мен шафоатчи бўлай» дейдилар. (Муслим (193) ривояти)

Иккинчи: Жаннат эшигини очишни сўраб воситачи бўлиш. Биринчи бўлиб жаннат эшигини қоқадиган зот – пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Муслим ривояти), жаннатга биринчи бўлиб кирадиган уммат – у зотнинг умматлариридир. (Бухорий ва Муслим ривоятлари)

Учинчи: Дўзахга ҳукм қилинган кишиларни дўзахга туширмасликни сўраб шафоатчи бўлиш.

Тўртинчи: Тавҳид аҳлидан дўзахга тушганларни ундан чиқаришни сўраб шафоатчи бўлиш. Улар куйиб, кўмирга айланган ҳолда дўзахдан

чиқишиади, сўнг ҳаёт дарёсига ташланиб, уруғ лойқа ичидан униб чиққанидек униб чиқадилар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари)

Бешинчи: Жаннат аҳлидан бўлган баъзи кишиларнинг даражаларини кўтаришда шафоатчи бўлиш.

Бу учтаси пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларигагина хос эмас. Балки у зот буларда муқаддам бўлиб, ортларидан пайғамбарлар, фаришталар, валийлар ва бошқа улуғ зотлар ҳам шафоат қиласидилар. Сўнг Аллоҳ таоло ҳисоби фақат Ўзигагина маълум бўлган жуда кўплаб инсонларни Ўз раҳмати билан дўзахдан озод қилиб, жаннатга киритади.

Олтинчи: Айрим коғирлардан азобни енгиллатиш ҳақидаги шафоат. Бу бизнинг пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга амакилари Абу Толиб ҳақида хос бўлган шафоатдир. (Бухорий (3883) ва Муслим (209) ривоятлари)

Бу борада саноқсиз ояту ҳадислар бор, истаган одам уларни Қуръон ва ҳадис тўпламларидан топиши мумкин.

136-савол: Қилган амаллари билан бирон кимса жаннатга кира оладими ёки дўзахдан қутулиб қоладими?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «(Тўғриликка) яқинлашингиз, (амалингизни) тўғрилангиз, билингизки, сизлардан бирон киши амали билан нажот тополмайди». Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, сиз ҳамми?» деб сўрадилар. «Ҳа, мен ҳам, фақат Раббим мени Ўзининг фазлу марҳамати билан ўрасагина (нажот топишим мумкин)», дедилар.

Бир ривоятда: «(Амалингизни) тўғрилангиз, (имкон қадар тўғриликка) яқинлашингиз, (Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан) хушхабарланингиз, зотан бирон кишини амали ҳаргиз жаннатга кирита олмайди», дедилар. «Сизни ҳамми ё Расулуллоҳ?» деб сўрадилар. «Ҳа, мени ҳам, фақат Раббим мени Ўз раҳмати билан ўраб олсагина (жаннатга кира оламан). Билингизки, амаллар ичидан Аллоҳга энг суюмлиси – оз бўлса-да, давомлисидир», дедилар. (Бухорий (6464) ва Муслим (2818) ривоятлари)

137-савол: Мазкур ҳадис билан Аллоҳ таолонинг: «**Уларга: «қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир», деб нидо қилинур»** (Аъроф: 43) ояти ўртасини қандай жамлаш мумкин?

Жавоб: Мазкур оят ва ҳадис ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Оятдаги (ﷺ) ҳарфи сабабият учун бўлиб, жаннатга киришлик солиҳ амаллар сабабли вужудга келиши айтилмоқда. Ҳадисдаги (ﷺ) эса саманият (баҳо ва тўлов маъноси) учун бўлиб, банда кундузлари рўза тутиб, тунларини намоз билан ўтказиб, ҳар қандай гуноҳлардан сақланган ҳолда дунё тургунча яшаган тақдирда ҳам унинг ҳамма қилган амаллари Аллоҳнинг ошкор ва яширин неъматларининг энг кичкинаси муқобилида ўндан бирига ҳам тўғри келмайди. Шундай экан, қандай қилиб жаннатга киришга тўлов бўла олсин?!

138-савол: Қадарга умумий суратда иймон келтиришга далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Аллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди» (Аҳзоб: 38).

«Аллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун...» (Анфол: 42,44).

«Ва Аллоҳнинг амри иродаси қилинувчи бўлди» (Аҳзоб: 37).

«(Бирон кимсага) бирон мусибат етмас, магар Аллоҳнинг изни-иродаси билангина (етур). Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини (тўғри йўлга) ҳидоят қилур» (Тағобун: 11).

«Икки жамоат тўқнашган куни сизларга етган мусибат Аллоҳнинг изни-иродаси билан бўлди» (Оли Имрон: 166).

«Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг. Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордир. Ана ўшалар ҳақ йўлни топувчилардир» (Бақара: 156,157).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрил алайҳиссалом билан қилган савол-жавобларида айтганлариdek: **«Қадарнинг яхшисига ҳам, ёмонига ҳам иймон келтириш».** (Муслим ривояти)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Билгинки, сенга етган нарса ҳаргиз етмай қолмас эди, сенга етмаган нарса**

ҳаргиз етмас эди».(Термизий (2516), Аҳмад (1/293, 307, 404), Абу Яъло (2556) ва бошқалар ривоятлари)

«Сенга бирор иш етса: «Ундей қилганимда бундай бўлар эди», демагин, балки: «Аллоҳ тақдир қилибди, У истаган ишини қилади», дегин». (Муслим (2665) ривояти)

«Ҳамма нарса, ҳатто нотавонлик ва зийраклик (пухталик) ҳам қадарга боғлиқ». (Муслим (2665) ривояти)

Ва бошқа ҳадислар.

139-савол: Қадарга иймон келтириш даражалари нечта?

Жавоб: Қадарга иймон келтириш 4та даражада бўлади:

Биринчи даража: Аллоҳнинг бутун борлиқни қамраб олувчи, осмонлару ердаги заррача нарса ҳам ундан маҳфий қолмайдиган Илмига иймон келтириш ва Аллоҳ таоло бутун маҳлуқотини уларни ҳали яратмасидан туриб билган, уларнинг ризқларини, ажалларини, сўзу амалларини, барча ҳаракату саканотларини, сир-асрору ошкораларини, улардан ким ахли жаннату, ким ахли дўзах бўлишини билган деб қатъий ишониш.

Иккинчи даража: Юқорида айтилганлар ёзиб қўйилган эканига, Аллоҳ таоло бўлишини Ўз илми билан олдиндан билган ҳамма нарсани ёзиб қўйган эканига иймон келтириш, Лавҳ ва Қаламга иймон келтириш ҳам шунинг зимнидадир.

Учинчи даража: Аллоҳнинг сўзсиз амалга ошуви истак-ҳоҳиши ва шомил-комил қудратига иймон келтириш. Бўлган ва бўлажак нарсалар жиҳатидан бу иккиси ўртасида бир-бирига боғлиқлик бор, бўлмаган ва бўлмаяжак нарсалар жиҳатидан эса ўрталарида боғлиқлик йўқдир. Демак, Аллоҳ таоло истаган нарса Унинг қудрати билан албатта амалга ошади, Аллоҳ истамаган нарса эса У бунга қодир бўлмагани учун эмас, балки У истамагани учунгина бўлмайди: **«На осмонлардаги ва на ердаги бирон нарса Аллоҳдан қочиб қутулувчи эмасдир. Зотан У билим ва қудрат эгаси бўлган зотдир»** (Фотир: 44).

Тўртинчи даража: Аллоҳ таоло барча нарсани яратувчидир, осмонлару ер ва улар ўртасидаги заррача нарса бўлсин, ҳаммасини яратувчиси, уларнинг ҳаракатларию саканотларини яратувчиси Аллоҳ субҳанаҳунинг ёлғиз Ўзидир, деб иймон келтириш.

140-савол: Биринчи даража – Аллоҳнинг илмига иймон келтиришга далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«У – Аллоҳ шундай зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. (У) гайб ва шаҳодатни (яъни яширин ва ошкора нарсаларни) билувчидир» (Ҳашр: 22).

«Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан ихота қилиб олганини билишларингиз учун (У зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди)» (Талоқ: 12).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Йўқ! Гайбни билувчи Парвардигоримга қасамки, шак-шубҳасиз у (яъни қиёмат) сизларга келур. Осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Аллоҳ)дан маҳфий бўлмас — албатта очиқ Китобда (яъни, Аллоҳнинг азалий ёзмиши — Лавхул-маҳфузда у) мавжуд бўлур» (Сабаъ: 3).

«Гайб хазиналари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур» (Анъом: 59).

«Аллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ билувчидир» (Анъом: 124).

«Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билур ва У зот ҳидоят топувчи кишиларни ҳам жуда яхши билур» (Наҳъл: 125, Қалам: 7).

«Ахир шукр қилувчиларни Аллоҳ яхшироқ билувчи эмасми?!» (Анъом: 53).

«Ахир Аллоҳ барча одамларнинг дилларидағи нарсаларни жуда яхши билувчи эмасми?!» (Анкабут: 10).

«Эсланг, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман», деганида улар айтдилар: «У Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: **«Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»** (Бақара: 30).

«Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз» (Бақара: 216).

Саҳиҳда айтилишича, бир киши: «Ё Расулуллоҳ, ким аҳли жаннат, ким аҳли дўзах экани маъруф – маълумми?» деб сўради. **«Ҳа», дедилар.** «Ундей бўлса, амал қилувчиларнинг амал қилишларига не ҳожат?» деб сўради. **«Ҳар ким ўзи яратилган нарса – ёки ўзига муяссар бўладиган нарса – (яъни, ё жаннат ё дўзах) учун амал қиласди», дедилар.** (Бухорий (6596) ва Муслим (2649) ривоятлари)

Набий соллалпоҳ алайҳи ва салламдан мушрикларнинг (вафот этган) болалари ҳақида сўралганда: **«(Ҳаёт бўлишганида) нима амал қилган бўлишларини Аллоҳ яхши билувчиdir», дедилар.** (Бухорий (6597) ва Муслим (2659) ривоятлари)

Расулуллоҳ соллалпоҳ алайҳи ва саллам дедилар: **«Аллоҳ таоло аҳли жаннатни улар оталарининг пуштикамарларида эканидаёқ жаннат учун яратган, аҳли дўзахни улар оталарининг пуштикамарларида эканидаёқ дўзах учун яратган».** (Муслим (2262) Оиша розияллоҳу анҳодан ривояти)

«Бир киши одамларнинг кўзида аҳли жаннатнинг амалини қилиб юрган бўлади, ҳолбуки у дўзах аҳлидан бўлади. Бир киши одамларнинг кўзида аҳли дўзахнинг амалини қилиб юрган бўлади, ҳолбуки у жаннат аҳлидан бўлади». (Муслим (112) ривояти)

Расулуллоҳ соллалпоҳ алайҳи ва саллам: **«Сизлардан ҳар бир кишининг жаннат ва дўзахдан ўрни маълумдир», дедилар.** Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, унда нега амал қиласми, шунга суюнаверсак бўлмайдими?» деб сўрадилар. **«Йўқ, амал қилаверинглар, ҳар ким ўзи нима учун яратилган бўлса, ўшанга муяссар қилинади», дедилар.** Сўнг қуидаги оятларни тиловат қилдилар: **«Ана энди ким (ўз молдавлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни жаннат бор эканини) тасдиқ этса. Биз уни осон йўлга муяссар қиласми. Энди ким (Аллоҳ йўлида хайр-саҳоват кўрсатишдан) баҳиллик қилса ва (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса. Биз уни (дунё ва охиратда баҳтсиз бўладиган)**

оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!» (Вал-лайл: 7-10). (Бухорий (6605) ва Муслим (2647) ривоятлари)

Ва бошқа ҳадислар.

141-савол: Иккинчи даража – тақдирларнинг ёзиб қўйилган эканига иймон келтиришга далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Барча нарсани Биз очиқ Китобда (яъни Лавҳ-ул-Маҳфузда) **белгилаб қўйгандирмиз»** (Ёсин: 12).

«Албатта, бу Китобда (яъни Лавҳул-махфузда ёзиб қўйилгандир)» (Ҳаж: 70).

Аллоҳ таоло Фиръавн ва Мусо алайҳиссаломнинг хужжатлашганини шундай баён қилди:

«(Фиръавн) деди: «У ҳолда аввалги авлодларнинг ҳоли недир?» (Мусо) айтди: «Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ҳузуридаги Китобда — Лавҳул-Маҳфуздадир. Парвардигорим адашмас ва унутмас» (Тоҳа: 51, 52).

«Ҳар бир аёлнинг ҳомиладор бўлиши ҳам, кўзи ёриши ҳам шакшубҳасиз Унинг билиши – огоҳлиги билан бўлур. Ҳар бир умр кўрувчининг умри узун қилинмас ва (ё) умридан камайтирилмас, магар (буларнинг барчаси) Китобда (яъни Лавҳул-Маҳфузда битилган бўлур). **Албатта бу Аллоҳга осондир»** (Фотир: 11).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Тирик жон борки, унинг жаннатдан ва дўзахдан бўлган ўрни албатта ёзиб қўйилгандир, унинг баҳтсиз ё баҳтли бўлиши ҳам албатта ёзиб қўйилгандир»**. (Муслим (2647) ривояти)

Жобир розияллоҳу анҳу айтади, Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум келиб деди: Эй, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга динимизни тушунтиринг, биз ҳудди ҳозир яратилгандекмиз. Бизнинг бугунги кунда қилаётган амалимиз қандай? Қаламлар ёзганидан кейин қуриб қолган (Лавҳул-Маҳфузда ёзилган) ва тақдирда битилган нарсадами ёки энди қиладиган (Лавҳул-Маҳфузга ёзилмаган) нарсамиздами? Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Йўқ, Қаламлар ёзганидан кейин қуриб қолган (Лавҳул-Маҳфузда ёзилган) ва тақдирда**

битилган нарсада.» Ундаи бўлса нимага амал қиласиз? «**Амал қилинглар ҳар бир киши (ёзилган нарсасига) эришувчидир.**» Бошқа ривоятда: «**Ҳар бир амал қилувчи ўз амалига мусассар қилинади.**» (Муслим (2648) ривояти)

142-савол: Бу даража ичига неча турли тақдирлар киради?

Жавоб: Бунинг ичига 5 хил тақдирлар киради ва буларнинг ҳаммаси илмга боғлиқ:

Биринчи: Тақдири азалий – яъни, булар осмонлару ер яратилишидан эллик минг йил олдин Аллоҳ таоло Қаламни яратган пайтда ёзиб қўйилгани;

Иккинчи: Одамнинг белидан зурриётларини зарралар мисоли чиқариб: «**Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?!**» (Аъроф: 172) деб аҳд олган кундаги умрлик тақдир.

Учинчи: си ҳам Она қорнида нутфани яратган кундаги умрлик тақдир.

Тўртинчи: Қадр кечасидаги йиллик тақдир.

Бешинчи: Кундалик тақдир – буларнинг ҳаммасини ўз ўрнида ижро қилиш.

143-савол: Тақдири азалийга далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-Маҳфузда битилган) бўлур» (Хадид: 22).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Аллоҳ ҳалқларнинг тақдирларини осмонлару ерни яратилишидан эллик минг йил олдин ёзиб қўйган», «унда арши сувнинг устида эди».¹

«Аллоҳ энг биринчи қаламни яратиб, унга: «Ёз!», деди. Қалам: «Эй Раббим, нимани ёзай?», деб сўради. «То қиёматгача барча нарсанинг тақдирини ёз!», деди».²

¹ Муслим (2653) ривояти.

² Абу Довуд Таёлисий (577), Термизий (3319), Аҳмад (5/317) ва Абу Довуд (4700) ривоятлари.

«Эй Абу Ҳурайра, бўладиган ишларни қалам (ёзиб, сиёҳи) қуриб бўлган».¹

144-савол: Аҳду паймон олинган кундаги умрлик тақдирга далил борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг!» (Аъроф: 172).

«Муватто»да айтилади: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан: **«Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг!** (Сизлардан бундай гувоҳлик — аҳд-паймон олишимиз) **Қиёмат Кунида:** **«Бизлар бундан бехабар эдик», демасликларингиз учундир»** ояти ҳақида сўралганда айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу ҳақда сўралганда шундай жавоб берганларини эшитганман: **«Аллоҳ таборака ва таоло Одамни яратди, сўнг унинг белини қўли билан силаб, ундан зурриёт чиқарди. Сўнг: «Мен буларни жаннат учун яратдим ва улар жаннат аҳлининг амалини қиласизлар», деди. Кейин унинг белини силаб, яна зурриёт чиқарди. Сўнг: «Буларни дўзах учун яратдим ва улар дўзах аҳлининг амалини қиласизлар», деди».**²

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхумо ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида (гўё) иккита китоб билан бизнинг олдимизга чиқиб келдилар ва: **«Бу китоблар қандай китоблигини биласизларми?»** дедилар. **«Йўқ, эй Расулуллоҳ, сиз хабар берсангиз билиб оламиз»**, дейишди. Ўнг қўлларидаги китобни

¹ Бухорий (5076) ривояти.

² Молик (2/898, 899), Абу Довуд (4703), Термизий (3075), Аҳмад (1/44) ва бошқалар ривояти.

(кўрсатиб) айтдилар: «**Бу оламлар Рабби тарафидан бўлган китобдир.** Унда жаннат аҳлининг исмлари, оталарининг ва қабилаларининг номлари то охиригача жамланган, энди уларнинг сони асло зиёда ҳам қилинмайди, камайтирилмайди ҳам.» Кейин чап қўлларидаги китобни (кўрсатиб) айтдилар: «**Бу оламлар Рабби тарафидан бўлган китобдир.** Унда дўзах аҳлининг исмлари, оталарининг ва қабилаларининг номлари то охиригача жамланган, энди уларнинг сони асло зиёда ҳам қилинмайди, камайтирилмайди ҳам.» Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, агар иш аллақачон ҳал бўлган бўлса, амалга не ҳожат?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам: «(Амалларингизни) тўғрилангиз, (имкон қадар тўғриликка) яқинлашингиз, зеро жаннат ахлидан бўлувчи киши қандай амал қилиб юрган бўлса ҳам, охирида аҳли жаннатнинг амали билан хотима топади», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан ишора қилиб, китобларни ташладилар, сўнг: «Раббингиз бандаларининг (оқибатларини) ҳал қилиб бўлган, бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ дўзахда (бўлур)», дедилар.¹

145-савол: Она қорнида нутфанинг илк бор яратилган пайтидаги умрлик тақдирга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«У (Аллоҳ) **сизларни** (яъни оталарингиз Одамни) **Ўзи Ердан** — тупроқдан пайдо қилган пайтиданоқ ва **сизлар оналарингизнинг қорнида ҳомила бўлган пайтингизданоқ жуда яхши билувчидир.** Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар! У тақводор бўлган кишиларни ҳам жуда яхши билувчидир» (Нажм: 32).

Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Сизлардан бирингизнинг хилқати онасининг қорнида 40 кун нутфа ҳолида жамланади,** сўнг яна шунча вақт алақа ҳолида бўлади, сўнг шунча вақт музға ҳолида бўлади. Кейин унга бир фариштани юборилади, у унга руҳ киргизади (пуфлайди) ва тўртта калимани – ризқини, ажалини, амалини ва баҳтсиз ё баҳтли бўлишини ёзиг қўйишга буюрилади. Ундан ўзга барҳақ илоҳ йўқ бўлган Зотга қасамки, сизлардан бирингиз аҳли жаннатнинг амалини қилиб боради, ҳатто

¹ Термизий (2141), Аҳмад (2/167), Ибн Абу Осим (348) ривоятлари.

у билан жаннат ўртасида фақат бир газ масофа қолганида (тақдиридаги) битик унга ғолиб келиб, аҳли дўзахнинг амалини қилади ва охир-оқибат дўзахга тушади. Сизлардан яна бирингиз аҳли дўзахнинг амалини қилиб боради, ҳатто у билан дўзах ўртасида фақат бир газ масофа қолганида (тақдиридаги) битик унга ғолиб келиб, аҳли жаннатнинг амалини қилади-да, охир-оқибат жаннатга тушади».¹

Шу маънода бошқа лафзлар билан кўплаб саҳобалардан ривоятлар келган.

146-савол: Қадр кечасидаги йиллик тақдирга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди::

«**У (кеча)да барча пухта-аниқ иш(лар) айрилур** (белгиланур). (Бу кечада тақдир қилинадиган барча ишлар) **Бизнинг ҳузуримиздан бўлган Ишдир**» (Духон: 4, 5).

Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо айтганлар: «Қадр кечасида Уммул-Китобдан (Лавҳул-Маҳфуздан?) шу йилда бўладиган ўлим, ҳаёт, ризқ, ёмғир ва ҳатто ҳожилар ҳақида «Фалончи-фалончилар ҳажга боради» деб ёзиб қўйилади».

Ҳасан, Саид ибн Жубайр, Муқотил, Абу Абдурраҳмон ас-Суламий ва бошқалар ҳам шу маънода гапирганлар.²

147-савол: Кунлик тақдирга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**У зот ҳар куни иш-амалдадир**» (Ар-Раҳмон: 29).

Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо айтганлар: «Аллоҳ таоло Лавҳул-Маҳфузни оппоқ дурдан яратди, унинг иккала муқоваси (ғилофи) қизил ёқутдан, қалами нур, китоби нурдир. Унга ҳар куни уч юз олтмиш марта қарайди, ҳар бир қарашда яратади, ризқ беради, ҳаёт ато этади, ўлдиради, азиз қилади, хор қилади, Ўзи истаганини қилади. Бу Аллоҳ таолонинг «**У зот ҳар куни иш-амалдадир**» (Ар-Раҳмон: 29) оятидир».³

¹ Бухорий (6594) ва Муслим (2643) ривоятлари.

² Ибн Жарир ат-Табарий, мазкур оят тафсири.

³ Ҳоким (2/519) ва Ибн Жарир (27/35) ривоят қилганлар.

Бу тақдирларнинг ҳаммаси Аллоҳ таоло Қаламни яратган кун унга Лавҳул-Маҳфузга ёзиб қўйишни буюрган ўша азалий тақдирнинг тафсилотлари сифатида кўрилади. Ибн Умар ва Ибн Абос розияллоҳу анхумолар: **«Дарҳақиқат Биз сизларнинг амалларингизни ёздириб қўяр эдик»** (Жосия: 29) оятини шундай тафсир қилганлар.

Буларнинг барчаси Аллоҳ таборака ва таолонинг ИЛМ сифатига боғлиқдир.

148-савол: Бахтли ёки баҳтсизлик азалдан белгилаб қўйилгани нимани тақозо қиласди?

Жавоб: Жамики самовий китоблар ва пайғамбарларнинг суннатлари иттифоқ қилган нарса шуки, тақдирнинг аввалда белгилаб қўйилиши амал қилишдан тўсмайди ва қадарга суяниб қолишни лозим қилмайди, балки жидди-жаҳд ва ҳаракатни, солиҳ амалга ҳарис бўлишни лозим қиласди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига қадарнинг битилгани ва қалам (кишининг тақдирини ёзиб, сиёҳи) қуригани ҳақида хабар берганларида баъзилар: «Тақдиримиздаги битикка суяниб, амални тарқ қилаверсак бўлмайдими?» деб сўрашганда: **«Йўқ, амал қилаверинглар. Ҳар ким ўзи яратилган нарсага мұяссар бўлувчиидир»** деб жавоб берганлар ва ушбу оятларни ўқиганлар: **«Ана энди ким** (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) **берса ва** (Аллоҳдан) **қўрқса.** **Ҳамда гўзал оқибатни** (яъни жаннат бор эканини) **тасдиқ этса. Биз уни осон йўлга мұяссар қилурмиз.** **Энди ким** (Аллоҳ йўлида хайр-саҳоват кўрсатишдан) **бахиллик қилса ва** (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) **бекожат билса.** **Ҳамда гўзал оқибатни** (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) **ёлғон деса.** **Биз уни** (дунё ва охиратда баҳтсиз бўладиган) **оғир йўлга «мұяссар» қилурмиз!»** (Вал-лайл: 7-10).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тақдирларни ўлчаб қўйган, унинг сабабларини ҳам муҳайё қилиб қўйган, У дунёю охират хусусида Ўзи ўрнатиб қўйган сабабларнинг ҳикматини Ўзи яхши билувчи зотdir. У маҳлуқларидан ҳар бирини дунёю охиратда нима учун яратган бўлса, ўшанга мұяссар қилиб қўйган. Банда агар охиратидаги яхшиликлар унга олиб борувчи сабабларга боғлаб қўйилган эканини билса, ўша сабабларни жойига келтиришга ва уларни адo этишга дунёдаги

тирикчилиги сабабларига киришишдан кўра ҳам қаттиқроқ ҳаракат қиласди. Буни саҳобалар жуда теран тушунган эдилар, улардан бирлари қадар ҳақидаги ҳадисларни эшитгач, илгаригидан кўра ҳам қаттиқроқ ҳаракатга киришганини айтган эди.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ўзингга фойдали бўлган нарсага ҳарис бўл, Аллоҳдан мадад сўра ва ожизлик қилма».¹

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Нима дейсиз, бизнинг қиласиган даволаримиз, қилдирадиган руқяларимиз Аллоҳнинг қадаридан бирон нарсани қайтарадими?» деб сўралганда: «Ўша ишлар ўзи Аллоҳнинг қадаридан» деб жавоб берганлар.² Яъни, Аллоҳ таоло яхшилик ва ёмонликни тақдир қилиб, улардан ҳар бирининг сабабларини ҳам муҳайё қилиб қўйган.

149-савол: Учинчи даража – Аллоҳнинг мутлақ хоҳиш-иродасига иймон келтиришга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«(Эй инсонлар), сизлар фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина хоҳларсизлар (яъни, бирон иш Аллоҳнинг хоҳиш-иродасисиз бўлмас)» (Инсон: 30).

«Ва бирон нарса ҳақида «Мен албатта эртага қилувчиман», дея кўрманг, магар «Инша Аллоҳ – Аллоҳ хоҳласа» денг». (Каҳф: 23, 24).

«Аллоҳ хоҳлаган кишисини адаштирур, хоҳлаган кишисини Тўғри йўлда (барқарор) қилур» (Анъом: 39).

«Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат (бир динда—Исломда) қилиб қўйган бўлур эди» (Моида: 48, Наҳл: 93).

«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни (яъни барча инсонларни) бир миллат (бир динда — Исломда) қилган бўлур эди» (Шуро: 8).

«Агар Аллоҳ хоҳласа улардан (жанг-жадалсиз ҳам) ғолиб бўлур (яъни уларни йўқ қилиб юборур) эди» (Мухаммад: 4).

«(У) истаган нарсасини амалга оширувчиdir» (Буруж: 16).

¹ Муслим (2665) ривояти.

² Аҳмад (3/421), Термизий (2065) ва Ибн Можа (3437) ривоятлари.

«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақаттина «Бўл», демоқлигидир. Бас у бўлур — вужудга келур» (Ёсин: 82).

«Биз бирон нарсани ирода қилсак, унга айтадиган сўзимиз «Бўл», демоқлиқдир. Бас, ўша нарса бўлур» (Наҳл: 40).

«Аллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса унинг кўнглини ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр» (Анъом: 125).

Ва бошқа сон-саноқсиз оятлар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Бандаларнинг қалблари Раҳмон таоло бармоқларидан икки бармоқ ўртасида худди бир қалб кабидир, уларни қандай хоҳласа шундай буриб қўяди».¹

Водийда (ҳаммалари бомдоддан) ухлаб қолган пайтларида айтдилар: «Аллоҳ таоло сизларнинг руҳларингизни Ўзи истаган пайт олиб, истаган пайт қайтарди».²

«(Яхши ишларга) воситачи бўлинглар, ажрга эга бўласизлар. Аллоҳ пайғамбарининг тили билан Ўзи истаган нарсани ҳукм қиласди».³

«Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, уни динда фақих (олим) қилиб қўяди».⁴

«Агар Аллоҳ таоло бир умматни раҳматига олишни истаса, пайғамбарларини улардан олдин вафот эттиради. Агар Аллоҳ бир умматнинг ҳалокатини истаса, уларга пайғамбарлари ҳаётлик ҳолида азобини туширади».⁵

Ва бошқа ҳадислар.

150-савол: Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида ва пайғамбарининг тилида бизга хабар берган, шунингдек биз У зотнинг сифатларидан биламизки, У муҳсин, тақводор ва собирларни яхши кўради, иймон келтирган ва солих

¹ Муслим (2654) ривояти.

² Бухорий (7471) ва Муслим (681) ривоятлари.

³ Бухорий (6027) ва Муслим (2628) ривоятлари.

⁴ Бухорий (71, 3116) ва Муслим (1037) ривоятлари.

⁵ Муслим (2288) ривояти.

амаллар қилган кишилардан рози бўлади. Кофирларни, золимларни ёқтирумайди, бандаларининг куфрига рози бўлмайди, бузғунчилликни ёқтирумайди. Ҳолбуки буларнинг ҳаммаси Унинг хоҳиш-иродаси билан вужудга келади. Агар У истаса булардан биронтаси вужудга келмас эди. Зеро, Унинг мулкида У истамаган нарса бўлмайди. Шундай экан, энди: «Қандай қилиб Ўзи рози бўлмайдиган ва ёқтирумайдиган нарсаларнинг вужудга келишини истайди?» деб сўраган одамга қандай жавоб берилади?

Жавоб: Билингки, нас(оят ва ҳадис)ларда ирода сўзи икки маънода келган:

1. Кавний қадарий ирода. Бу хоҳиш-ирода билан яхши кўриш ва рози бўлиш ўртасида мупозамат – лозимлик йўқ. Балки, куфру иймон, тоату исёнлар, рози бўлинган ва яхши кўрилган ишлар ҳам, ёмон кўрилганлари ҳам унинг ичига кираверади. Бу иродадан ҳеч ким на ташқарига чика олади, на қочиб қутулади. Аллоҳ таоло айтганидек:

«Аллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса унинг кўнглини ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр» (Анъом: 125).

«Кимники Аллоҳ Ўзи адаштиришни истаса, сиз унинг учун Аллоҳ томонидан ҳеч нарса қила олмассиз. Улар Аллоҳ кўнгилларини поклашни истамаган кимсалардир» (Моида: 41).

2. Аллоҳ яхши кўрган ва рози бўлган ишларга хос бўлган диний шаръий ирода. Аллоҳ бандаларига буйруқ ва қайтариқларини шу иродага кўра қилади. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди»** (Бақара: 185).

«Аллоҳ сизларга шариат ҳукмларини баён қилишни, сизларни илгари ўтган (ҳақ йўлдаги) зотларнинг йўлларига ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул қилишни истайди. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир» (Нисо: 26).

Ва бошқа оятлар.

Бу иродага эргашган одам учун аввал бу хусусда кавний ирода ҳам ўтган бўлади. Шунда тоат-ибодатли мўмин кишининг ҳаққида кавний ирода билан шаръий ирода бирлашади, осий, фожир одамнинг ҳаққида

эса ёлғиз кавний ироданинг ўзи бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу бандаларини умумий равишда Ўзи рози бўладиган ишларга чақирди ва бу ишларнинг ижобатига улар ичидан Ўзи истаган кишиларнигина йўллади: «**Аллоҳ тинчлик диёри —жаннатга даъват қилур ва Ўзи хоҳлаган зотларни тўғри йўлга ҳидоят қилур**» (Юнус: 25).

Демак, Аллоҳ субҳанаҳу даъватни умумий, ҳидоятни эса Ўзи истаган кишиларга хос қилди: «**Албатта Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билувчиdir ва У ҳидоят топган зотларни ҳам жуда яхши билувчиdir**» (Ван-нажм: 30).

151-савол: Қадарга иймон келтиришнинг тўртинчи даражаси – Аллоҳ барча нарсани яратган эканига иймон келтиришга далил нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир**» (Зумар: 62).

«Сизларга осмону заминдан ризқу-рўз берадиган Аллоҳдан ўзга биронта яратувчи борми?! Ҳеч бир барҳақ илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина ҳақдир» (Фотир: 3).

«**Булар Аллоҳ яратган нарсалардир. Энди** (эй мушриклар,) **сизлар Менга Ундан ўзга «худолар» нималарни яратганини кўрсатингларчи!**» (Луқмон: 11).

«**Аллоҳ сизларни яратган, сўнгра ризқу-рўзингизни берган, сўнгра жонингизни оладиган, сўнгра сизларга (қайта) ҳаёт берадиган зотdir. Сизлар (сигинаётган) бутларингиз орасида мана шуларнинг биронтасини қила оладиган кимса борми?!**» (Рум: 40).

«**Ҳолбуки сизларни ҳам, қилиб олган (бут)ларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!**» (Соффат: 96).

«**Жонга ва уни расо қилиб-яратиб унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб-ўргатиб қўйган зотга қасамки**» (Вашшамс: 7,8).

«**Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топувчиdir. У зот кимни йўлдан оздирса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчилардир**» (Аъроф: 178).

«**Лекин Аллоҳ сизларга (иймони комил, тақво имтиҳонидан ўтган зотларга) иймонни суюкли қилди ва уни дилларингизга чиройли**

күрсатди ҳамда сизларга куфрни, (Аллоҳ ва пайғамбарга) итоатсизликни ва исённи ёмон кўрсатиб қўиди» (Хужурот: 7).

Ва бошқа оятлар.

Имом Бухорий «Холқу афъалил-ибад» китобида Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилган марфуъ ҳадисда айтилади: **«Албатта ҳар бир ясовчи – ҳунармандни ҳам, у ясаган нарсаларни ҳам Аллоҳ яратади».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Эй Парвардигор, нафсимга тақво ато эт, уни покла. Сен энг яхши покловчи Зотсан. Сен унинг валийси (эгаси) ва хожасисан».**¹

Ва бошқа ҳадислар.

152-савол: Аллоҳ субҳанаҳу ҳамма нарсанинг яратувчиси экан, у ҳолда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Ҳамма яхшилик Сенинг қўлингда, ёмонлик эса Сенга (мансуб) эмас»**² деган сўзларини қандай тушунилади?

Жавоб: Бунинг маъноси шуки, Аллоҳ азза ва жалланинг барча иш-феъллари У зот тарафидан содир бўлиши ва У зотнинг улар билан сифатланиши жиҳатидан барчаси соф яхшилиқdir, улар ичидан бирон бир ёмонлик йўқdir. Зотан, Аллоҳ таоло ҳикмат соҳиби, адолат эгаси, Унинг барча феъллари ҳикмат ва адолатdir. Нарсаларни Ўзининг ҳузурида маълум бўлганидек ўзига лойиқ ўринларга қўяди. Тақдир қилинган ишнинг ўзида бўлган ёмонлик бандани ҳалокатларга элтувчи бўлгани учун ва бу унинг қўллари касб қилган гуноҳ ишга тўла жазо бўлгани учун унга (бандага) изофа қилинади (нисбат берилади). Аллоҳ таоло айтганидек: **«(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас ўз қўлларингиз қилган нарса — гуноҳ сабабли (етур). Яна У кўп (гуноҳларнинг жазосини бермасдан) афв қилиб юборур»** (Шўро: 30).

«Уларга Биз зулм қилмадик, лекин улар (ўзларига) зулм қилувчи бўлдилар» (Зухруф: 76).

«Шубҳасиз, Аллоҳ инсонларга бирон зулм-адолатсизлик қилмас. Балки, инсонлар ўзларига ўzlари зулм қиладилар» (Юнус: 44).

¹ Муслим (2772) ривояти.

² Муслим (771) Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

153-савол: Ўзларига нисбатланадиган ишларда бандаларнинг қудрат ва хоҳиш-иродалари борми?

Жавоб: Ҳа, бандаларга ўз ишлари устида қудрат бор, уларда истак ва хоҳиш-ирода бор, феъл-амаллари ҳақиқатан ўзларига нисбат берилади. Улар шунга кўра мукаллаф бўлганлар, шунга кўра ажр ёки иқобга лойик бўладилар, Аллоҳ таоло уларни куч-тоқатларидан ташқари нарсага буюрмади. Бу нарсани уларга Китоб ва Суннатда баён қилди. Бироқ улар Аллоҳ қодир қилган нарсагагина қодир бўлишади, фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина хоҳлашади, Аллоҳ уларни фоил-бажарувчи қилиб қўйишлиги туфайлигина бирон ишни қила олишади. Ўзларини вужудга келтира олишмагани каби феъл-амалларини ҳам вужудга келтириша олмайди. Қудратлари, истак, хоҳиш-иродалари ва феъллари Унинг қудрати, хоҳиш-иродаси ва феълига тобеъдир. Чунки уларнинг яратувчиси ҳам, қудрат, хоҳиш-ирода ва феълларини яратувчиси ҳам Унинг Ўзидир. Уларнинг хоҳиш-иродалари, қудрат ва феъллари Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси, қудрати ва феълларининг айни ўзи эмас, худди улар Унинг ўзи бўлолмаганлари каби — Аллоҳ бундан пок ва олийдир. Балки уларнинг Аллоҳ тарафидан яратилган феъллари улар воситасида вужудга келади, уларга лойик ва ҳақиқатан уларга нисбат берилади. Аллоҳ ҳақиқатан фоил - қилувчи, банда эса ҳақиқатан мунфаил - ҳаракат қилувчи. Аллоҳ ҳақиқатан ҳодий – ҳидоятга йўлловчи, банда ҳақиқатан муҳтадий – ҳидоятга йўлланувчи. Шунинг учун икки феълдан ҳар бирини унинг бажарувчисига нисбатлади: **«Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топувчидир»** (Қаҳф: 17). Ҳидоятни Аллоҳга нисбатлаш ҳақиқат, ҳидоятланишни бандага нисбатлаш ҳам ҳақиқат. Ҳодий муҳтадийнинг айни ўзи бўлмагани каби ҳидоят қилиш ҳам ҳидоятланишнинг ўзи эмас. Шунингдек, Аллоҳ Ўзи истаган кишини ҳақиқатан адаштиради ва бу банда ҳақиқатан адашган бўлади. Ҳоказо, Аллоҳнинг бандалари устидаги барча тасарруфларии шундайдир. Кимки фоилликни ҳам, мунфаилликни ҳам бандага нисбат берса кофир бўлади, Аллоҳга нисбат берса ҳам кофир бўлади. Ким фоилликни ҳақиқатан холиққа, мунфаилликни ҳақиқатан маҳлуққа нисбатласа, у ҳақиқий мўминдир.

154-савол: «Аллоҳ таоло бандаларининг иймонли, ҳидоятли ва тоат-ибодатли бўлишини суръ экан, у ҳолда ҳамма бандаларини ана шундай қилиб қўйишга қодир эмасмиди?» деган саволга қандай жавоб берилади?

Жавоб: Ҳа, У албатта бунга қодир, Ўзи айтганидек:

«Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат (бир дин-Исломда) **қилиб қўйган бўлар эди»** (Моида: 48, Нахл: 93).

«Агар Парвардигорингиз хоҳласа эди, бутун Ер юзидаги барча кишилар иймон келтирган бўлар эдилар» (Юнус: 99).

Ва бошқа оятлар.

Лекин уларга нисбатан бундай қилмаганлиги Унинг ҳикмати тақозосига кўра, рубубияти, илоҳияти, исм ва сифатларининг талабларидан келиб чиқиб бўлган. Энди агар бирор: «Нега бандаларидан баъзилари тоатли, баъзилари осий?» деса, у худди «Нега Унинг исмлари ичida Зорр (зарар етказувчи) ва Нофеъ (фойда етказувчи), Муътий (ато этувчи) ва Монеъ (ман қилувчи), Хофиз (пасайтирувчи) ва Рофеъ (юксалтирувчи), Мунъим (Инъом қилувчи) ва Мунтақим (интиқом оловучи) исмлари бор?» деган одам кабидир. Чунки, Аллоҳ таолонинг феъллари Унинг исмларининг тақозоси ва сифатларининг асаридир. Феълларида У зотга эътиroz билдириш Унинг исм ва сифатларига эътиroz билдириш, ва ҳатто Унинг илоҳияти ва рубубиятига эътиroz билдириш бўлади: **«Бас, арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган** (шериклардан) **покдир. У Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар** (яъни бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) **масъул бўладилар»** (Анбиё: 22, 23).

155-савол: Қадарга иймон келтиришнинг диндаги ўрни қай даражада?

Жавоб: Қадарга иймон келтириш тавҳид низоми, унинг яхшисига етказадиган ва ёмонидан тўсадиган сабабларга иймон келтириш эса шариат низомидир. Қадарга иймон келтирган ва шариатга бўйсунган кишининг дини низом-тартибга ва тўғри йўлга тушади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қадарга иймон келтириш вожиблигини таъкидлагач, «Унда тақдиримиздаги битикка суюниб, амални тарк қилаверсак

бўлмайдими?» деб сўраган одамга: «**Амал қилаверинглар, ҳар ким ўзи нимага яратилган бўлса шунга мұяссар қилинади**» деганлар¹.

Кимки шариатга зид, деган даъво билан қадарни рад қилса, Аллоҳнинг илми ва қудратини Ундан рад қилган ва бандани ўз ишларига мустақил ва қилмишларини ўзи яратган, деб даъво қилган бўлади. Демакки, Аллоҳ таоло билан бирга бошқа яратувчининг ҳам борлигини исботлаган, балки барча маҳлуқлар холиқдир, деган бўлади.

Ким шариатга қарши ҳужжат қилиш, у билан шариатга қарши курашиш учун қадарни исботласа, бандадан Аллоҳ унга берган ва шу билан уни мукаллаф санаган қудрат ва ихтиёрни рад қилса ва Аллоҳ таоло бандаларга уларнинг тоқатларидан ташқари нарсани таклиф қилган деб даъво қилса, бу одам Аллоҳга зулмни нисбатлаган ва бу борада Иблис - лаъанаҳуллоҳ- унинг имомига айланган бўлади. Зеро, Иблис айтади: «**Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни** (Одам болаларини) **кутиб ўтираман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб** (тўғри йўлдан оздирман) **ва** (оқибатда) **уларнинг кўпларини** (берган неъматларингга) **шукр қилган ҳолларида топмайсан**» (Аъроф: 16).

Аммо ҳақиқий мўминлар қадарнинг яхшисига ҳам, ёмонига ҳам иймон келтирадилар, буларнинг ҳаммасини яратувчиси Аллоҳдир, деб эътиқод қиладилар, шариатнинг буйруқ ва қайтариqlарига бўйсунадилар, уни маҳфию ошкор ишларида ўзларига ҳакам қиладилар, ҳидоят ва адаштириш Аллоҳнинг қўлида, У истаган кишисини Ўз фазли билан ҳидоят қилади, истаган кишисини Ўз адли билан адаштиради, У Ўз фазли ва адлини қўядиган ўринларни яхши билувчиidir: «**Албатта Роббингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билувчиidir ва У ҳидоят топган зотларни ҳам жуда яхши билувчиidir**» (Ван-нажм: 30), бу ишларида У зотнинг етук ҳикмати ва кучли ҳужжати бордир, савоб ва иқоб-азоб қадарга биноан эмас, шариатни ижро қилиш ва қилмаслик эътибори билан бўлади, деб ишонадилар, мусибатлар пайтида ўзларига қадар билан таскин берадилар, бирон яхшиликка рўпара бўлсалар ҳақни эътироф этиб, уни ўз эгасига нисбатлайдилар: «**Улар: «Бизларни бу** (неъматларга) **йуллаган зот — Аллоҳга ҳамду сано бўлгай. Агар бизни Аллоҳ**

¹ Бухорий (6605) ва Муслим (2647) ривоятлари.

ҳидоят қилмаганида ҳаргиз йўл топа олмас эдик»... дейдилар» (Аъроф: 43).

Фожир кимса каби: «**Менга** (бор молу-давлатим) **фақат ўзимдаги билим сабаблигина ато этилгандир»** (Қасас: 78), демайди.

Бирон ёмонлик қилиб қўйсалар, Одам алайҳиссалом ва жуфтлари айтганидек: «**Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр зулм қилдик. Агар бизларни мағфират ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз»,** (Аъроф: 23) дейдилар.

Шайтони ражим айтганидек: «**Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга...**» (Ҳижр: 39), демайдилар.

Бирон мусибат етса: «**Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтувчилармиз**» (Бақара: 156), дейдилар.

Кофирилар айтган каби сўзларни айтмайдилар: «**Эй мўминлар, куфр йўлини тутган ва бошқа ерларга сафар қилиб ёки ғазотга чиқиб кетган дўстлари ҳақида:** «**Агар биз билан бирга қолганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлар эдилар», дейдиган кимсаларга ўхшамангиз!** (Бу гапларини) **Аллоҳ уларнинг дилларидағи ҳасрат қилиб қўяди. Ахир тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Аллоҳ-ку?!** **Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўрувчиdir»** (Оли Имрон: 156).

156-савол: Иймоннинг бўлаклари нечта?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофиirlарга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адo қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар» (Бақара: 177).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Иймон олтмишдан ортиқ бўлақдир»,** бир ривоятда: «**етмишдан ортиқ**

бўлақдир. Энг юқориси «Ла илаҳа иллаллоҳ» демак, энг қуидагиси йўлдан озорни кетказишдир. Ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир».¹

157-савол: Уламолар бу бўлакларни қандай шарҳлаганлар?

Жавоб: Ҳадисни шарҳлаган бир қанча уламолар бу бўлакларни санаб ўтганлар ва бу хусусда китоблар битганлар, хўп хайрли ва манфаатли ишларни қилғанлар. Лекин уларни санай билиш иймоннинг шартларидан эмас, балки уларга умумий суратда иймон келтириш кифоя қилади. Бу бўлаклар Китобу Суннатдан ташқарига чиқмайди. Банда Китобу Суннат буйруқларига бўйсуниши, қайтариқларидан тийилиши, хабарларини тасдиқлаши лозим. Шунда иймоннинг бўлакларини ўзида тўла мужассам қилган бўлади. Олимлар санаб ўтган нарсалар ҳаммаси шубҳасиз, иймонга тааллуқли ишлар, бироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мазкур ҳадисдан муродлари айни шу нарсалар эканини қатъий айтиш тавқифга муҳтождир.

158-савол: Уламолар санаган нарсаларнинг хulosасини айтиб ўтсангиз?

Жавоб: Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатхул Борий»да Ибн Ҳиббоннинг шу хусусдаги сўзларининг хulosасини келтиради:

Бу бўлаклар қалб амаллари, тил амаллари ва бадан амалларидан иборатдир.

1. Қалб амаллари 24 хислатни ўз ичига олади:

Аллоҳга иймон келтириш – бунинг ичига Унинг зоти ва сифатларига, тавҳидига, яъни Унинг ўхشاши йўқ, У эши тувчи, кўрувчи деб иймон келтириш, Ундан бошқа ҳамма мавжудотнинг яратилган эканига иймон келтириш киради, – Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва қадарнинг яхиси ёмонига иймон келтириш, охират кунига иймон келтириш – бунинг ичига қабрдаги савол-жавоб, қайта тирилиш, маҳшарга йиғилиш, ҳисоб, мезон, сирот, жаннат ва дўзахга иймон келтириш киради, – Аллоҳни яхши кўриш, Унинг йўлида яхши кўриш ва ёмон кўриш, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш, у зотни улуғлашни эътиқод қилиш – бунинг ичига у зотга салавот айтиш (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва суннатларига эргашиш

¹ Бухорий (9) ва Муслим (35) ривоятлари.

киради, – ихлосли бўлиш – бунинг ичига риё ва нифоқни тарк қилиш киради, – тавба, хавф, ражо (Аллоҳнинг раҳматидан умидворлик), шукр, вафо, сабр, қазога рози бўлиш, таваккул, раҳмдил бўлиш, тавозеъ – бунинг ичига каттани ҳурмат қилиш ва кичикка меҳрибон бўлиш киради, – кибр ва манманликни тарк қилиш, ҳасадни тарк қилиш, кину адватни тарк қилиш, ғазабни тарк қилиш.

2. Тил амаллари 7 хислатни ўз ичига олади:

Тавҳид калимасини айтиш, Қуръон тиловат қилиш, илм ўрганиш ва ўргатиш, дуо, зикр – истигфор ҳам шунинг ичига киради, – лағвдан (бехуда гап-сўздан) тийилиш.

3. Бадан амаллари 38 хислатни ўз ичига олади:

Булардан шахсларнинг ўзига тааллуқли бўлганлари 15та хислатdir: ҳиссан ҳам, ҳукман ҳам тоза-пок бўлиш – нажосатлардан сақланиш ҳам шунинг ичига киради, – авратни ёпиш, фарз ва нафл намозлар ҳамда садақотлар, қулларни озод қилиш, саховат – бунинг ичига таом бериш ва меҳмонни икром қилиш ҳам киради, – фарз ва нафл рўза, ҳаж ва умра, тавоф, эътикоф, қадр кечасини талаб қилиш, динни сақлаш учун ҳижрат қилиш, назрга вафо қилиш, қасамлар(ни устидан чиқиш)га ҳаракат қилиш, каффоратларни адо этиш.

Булардан тобеъларга тааллуқли бўлганлари 6 хислатdir: никоҳ билан покланиш, қарамоғидагиларнинг ҳуқуқларини адо этиш, ота-онага яхшилик қилиш – оқ бўлишдан сақланиш ҳам шунга киради, – фарзандлар тарбияси, силаи раҳм, хожаларга итоат қилиш, қулларга раҳм-шафқатли бўлиш.

Булардан оммага тааллуқли бўлганлари 17 хислатdir: ҳукуматни адолат билан бошқариш, жамоатга эргашиш, раҳбарга итоат қилиш, одамлар ўртасини ислоҳ қилиш – хавориж ва боғий-золимларга уруш қилиш ҳам шунга киради, – яхшилик устида ёрдамлашиш – амри маъруф ва наҳий мункар ҳам шунга киради, – ҳад(шаръий жазо)ларни амалга ошириш, жиҳод – рибот ҳам шунинг ичига, – омонатни ўташ – хумус (жиҳоддаги ғаниматлардан бешдан бирини адо этиш) ҳам шунинг ичига, – қарзга вафо қилиш, қўшнини ҳурмат қилиш, гўзал муомала, молни ҳалолдан топиш ва ўз ўринларига сарфлаш – исрофгарчилик ва behuda совуришни тарк қилиш шунинг ичига киради, – саломга алик олиш, чучкирган одамга (ярҳамукаллоҳ деб) ташмит айтиш, одамлардан озорни

даф қилиш, лаҳв (күнгил очар ўйин-кулгилар)дан сақланиш, йўлдан озорни четлатиш.

Ҳаммаси 69та хислат, бири иккинчисининг ичига кириб кетганлари эътибори билан 79та деб ҳисоблаш ҳам мумкин, валлоҳу аълам.

159-савол: Эҳсонга Қуроъон ва Суннатдан далил борми?

Жавоб: Кўп далиллар бор. Жумладан:

«Яхшилик қилинг! Албатта Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади»
(Бақара: 195).

«Зотан, Аллоҳ тақводор бўлган ва чиройли амаллар қилувчи зотлар билан биргадир» (Наҳл: 128).

«Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, у мустаҳкам халқани ушлабди» (Луқмон: 22).

«Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир» (Юнус: 26).

«Эҳсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти фақат яхшиликдир»
(Раҳмон: 60).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Аллоҳ таоло ҳар бир нарсада эҳсон-яхшиликни битган (буюрган)».¹

«Аллоҳнинг ибодатини ҳамда хожасининг сұхбатини (хизматини) чиройли адо этиб, вафот этишлиги қул учун нақадар яхшидир!»²

160-савол: Ибодатдаги эҳсон қандай бўлади?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрил алайхиссаломнинг: «Менга эҳсон ҳақида айтиб беринг» деган саволларига: **«Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг, агар сен кўрмаётган бўлсанг, У сени кўриб турибди»³** деб жавоб берганлар.

Мазкур ҳадислари билан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳсон бир-биридан фарқли икки даражада бўлишини баён қилдилар:

Биринчи: Аллоҳга гўё Уни кўриб тургандек ибодат қилиш. Бу мушоҳада мақоми, яъни банда дилида Аллоҳни кўриб турганлиги

¹ Муслим (1955) ривояти.

² Бухорий (2549) ва Муслим (1667) ривоятлари.

³ Муслим ривояти.

тақозоси билан амал қилиши, қалб иймон билан мунааввар бўлиб, кўнгил кўзи маърифат сирларига ошно бўлиб, худди ғайбни кўриб тургандек бўлиб қолиши. Бу ҳақиқатан Эҳсон мақомидир.

Иккинчи: Муроқаба мақоми – банда Аллоҳ уни кўриб турганини, ундан воқиф-боҳабар ва унга яқин эканини кўз олдига келтириб амал қилиши. Банда ҳар бир қилаётган ишида бу нарсани кўз олдига келтирса ва шунга кўра амал қилса Аллоҳ таоло учун ихлосли бўлади. Чунки бу ҳолат уни Аллоҳдан бошқага бурилишдан ва амали билан Ундан ўзгани мақасд қилишдан тўсади. Бу икки даража эгалари дил кўзларининг ўткир бўлиши жиҳатидан бир-биридан тафовутли бўлади.

161-савол: Иймоннинг зидди нима?

Жавоб: Иймоннинг зидди куфрдир. Иймоннинг асли ва бўлаклари бўлгани каби куфрнинг ҳам асли ва бўлаклари бўлади.

Юқорида ўтдики, иймоннинг асли – тоат-ибодат билан бўйсунишни лозим тутувчи қатъий тасдиқдир. Энди куфрнинг асли – мутакаббирлик ва осийликни лозим тутувчи қайсарлик ва саркашлиқдир. Тоат-ибодатлар ҳаммаси иймоннинг бўлакларидан. Оят ва ҳадисларда улардан кўплари иймон деб аталган. Маъсиятлар ҳаммаси куфрнинг бўлакларидан. Даилилларда уларнинг кўплари куфр деб аталган.

Куфр икки хил бўлади:

- 1) Иймондан бутунлай чиқариб юборадиган катта куфр. Бу қалбнинг сўз ва амалига ёки улардан бирига зид келувчи эътиқодий куфрдир.
- 2) Иймоннинг камолига халал етказувчи, лекин унинг аслини йўқотиб ташламайдиган кичик куфр. Бу қалбнинг сўз ва амалига зид келмайдиган амалий куфрдир.

162-савол: Эътиқодий куфрнинг иймонга бутунлай зид келиши ва уни йўқ қилиб юбориши қандай бўлади?

Жавоб: Юқорида айтиб ўтдики, иймон сўз ва амал – қалб ва тилнинг сўзи ҳамда қалб, тил ва аъзоларнинг амалидир.

Қалбнинг сўзи – тасдиқ, тилнинг сўзи – Ислом калимасини айтиш, қалбнинг амали – ният ва ихлос, аъзоларнинг амали - тоат-ибодатларнинг барча тури билан бўйсунишдир.

Агар мана шу тўрт нарса: қалбнинг сўзи ва амали, тилнинг сўзи ҳамда аъзоларнинг амали йўқ бўлса, иймон ҳам бутунлай йўқ бўлади. Агар қалбнинг тасдиқи бўлмаса, қолганларининг бўлиши фойда бермайди. Зеро, уларнинг яроқли ва фойдали бўлиши учун қалбнинг тасдиқи шартдир. Мисол учун, Аллоҳнинг исм ва сифатларини ёки У зот пайғамбарларига юборган, китобларида нозил қилган нарсалардан биронтасини ёлғон санаган одамнинг амали шундай бўлади.

Энди агар тасдиқ бўлсаю, қалб амали бўлмаса, ахли суннанинг иттифоқи бўйича бундай ҳолда ҳам иймон қолмайди. Зеро, қалб амали – муҳаббат ва бўйсуниш бўлмаса, тасдиқнинг фойдаси бўлмайди. Мисол учун Иблисга (Аллоҳни яратувчи, Моликул мулк экинини тасдиқлаши), пайғамбарнинг ростлигини тасдиқлайдиган, у ёлғончи эмас, бироқ биз унга эргашмаймиз ва иймон келтирмаймиз, дейдиган Фиръавн ва унинг қавми, яхуд ва мушриклар кабиларнинг тасдиқлари фода бермагандир.

163-савол: Кишини Ислом динидан чиқариб юборадиган катта куфр неча қисм?

Жавоб: Юқорида айтган сўзларимиздан маълум бўлдики, катта куфр тўрт қисмдир:

1. жоҳиллик ва ёлғон санаш куфри;
2. жуҳуд-инкор куфри;
3. қайсарлик ва кибланиш куфри;
4. нифоқ куфри.

164-савол: Жоҳиллик ва ёлғон санаш куфри нима?

Жавоб: У Қурайш ва улардан илгариги аксар кофиirlарнинг ҳоли шундай бўлганидек, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний куфрdir. Аллоҳ таоло деди:

«Китоб — Қуръонни ва Биз пайғамбарларимиз билан юборган нарсаларни — Китобларни ёлғон деган кимсалар яқинда (Қиёмат Кунида динсизликларининг оқибатини) билажаклар» (Фоғир: 70).

«ва жоҳиллардан юз ўгиринг!» (Аъроф: 199)

«Биз ҳар бир миллатдан бир гуруҳ Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган кимсаларни тўплаб, улар тизилиб турадиган кунни (эсланг). Энди қачон улар (ҳисоб-китоб қилинадиган жойга) келишгач, (Аллоҳ)

айтди: «Сизлар аниқ-пухта билмаган ҳолингизда Менинг оятларимни ёлғон дедингизми?! Бўлмаса нима қилувчи бўлдингизлар?!» (Намл: 83, 84).

«Йўқ! Улар Қуръон илмини эгалламасдан ва уларга унинг таъвил — моҳияти аён бўлмасдан туриб «ёлғон» дедилар» (Юнус: 39).

165-савол: Жуҳуд – инкор куфри нима?

Жавоб: У – ботинида ҳақни таниган ва билганидан кейин уни зоҳирда яшириш ва унга бўйсунмаслиқдир. Фиръавн ва унинг қавмининг Мусо алайҳиссаломга нисбатан куфри, шунингдек яҳудларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан куфрлари шу турдан эди.

Аллоҳ таоло Фиръавн ва қавмининг куфри ҳақида айтади:

«Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар» (Намл: 14).

Яҳудлар ҳақида айтади:

«Бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда унга кофир бўлдилар» (Бақара: 89).

«Ва албатта улардан бир гуруҳи билганлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар» (Бақара: 146).

166-савол: Қайсарлик ва кибрланиш куфри нима?

Жавоб: У – ҳаққа иқрор бўлгандан сўнг унга бўйсунмаслик билан бўладиган куфрdir. Иблиснинг куфри шу турдан эди: «**Фақат Иблис кибр ва ор қилиб — кофирлардан бўлди**» (Бақара: 34). Зотан, Иблис Аллоҳнинг сажда қилиш ҳақидаги амрини инкор қилиши мумкин эмас эди, балки у бу фармонга эътиroz билди, буйруқ эгасининг ушбу фармон остидаги ҳикмати ва адолатига таъна қилди: «**Фақат иблис** (кибру ҳаво билан): «**Сен лойдан яратган кимсага сажда қиласманми?**» деди» (Исро: 61).

«У (Иблис) айтди: «Мен (асли) қора ботқоқдан бўлиб, (одам сурати берилгач) қуритилган лойдан Сен яратган Одамга сажда қилувчи эмасман» (Хижр: 33).

«Мен ундан (Одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг», деди у» (Аъроф: 12).

167-савол: Нифоқ қуфри нима?

Жавоб: У – зоҳиран бўйсунган бўлиб, аслида қалбнинг тасдиқ ва амали бўлмаган, риёкорлик қуфридир. Ибн Салул ва унинг гурухининг қуфри шу турдан эди:

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда «Аллоҳга ва Охират Кунига иймон келтиридик», дейдилар. Улар Аллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз бор эди, Аллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир...» (Бакара: 8-20).

Ва бошқа оятлар.

168-савол: Ислом миллатидан чиқариб юбормайдиган амалий қуфр нима?

Жавоб: У – қилувчисида иймон сақланиб қолгани ҳолда Аллоҳ ва расули унга қуфр исмини қўллаган маъсият амаллардир. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Мендан сўнг бир-бирингизнинг бўйнингизга қилич урадиган кофирилкка қайтманглар».¹

«Мусулмонни ҳақоратлаш фисқ, у билан урушиш қуфрдир».²

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларнинг бир-бирлари билан уруш қилишларини қуфр ва бундай қилганларни кофири деб атадилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло: «(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирори иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасиниadolat билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом)adolat қилинглар! Зоро Аллоҳadolat қилувчиларни суюр. Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-

¹ Бухорий (121) ва Муслим (65) ривоятлари.

² Бухорий (48) ва Муслим (64) ривоятлари.

инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!» (Хужурот: 9, 10) деди ва уларда иймон ва иймоний биродарлик қолишини, булардан ҳеч бири йўқ бўлмаслигини баён қилди. Шунингдек, Аллоҳ таоло қасос ҳақидаги оятда: «**Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса** (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), **у ҳолда яхшилик билан бўйсуниш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир**» (Бақара: 178) деди ва шундай ҳолда ҳам исломий биродарлик қолаверишини баён қилди.

Ёки бўлмасам, Набий соплаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Зинокор зино қилаётган пайтида мўмин ҳолида зино қилмайди, ўғри ўғирлик қилаётган пайтида мўмин ҳолида ўғирлик қилмайди, маст қилувчи ичимлик ичувчи одам ичаётган пайтида мўмин ҳолида ичмайди, бироқ кейин тавбага ўрин бор**», бир ривоятда: «**мўмин ҳолида ўлдирмайди**», дедилар.¹

Абу Зар розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса: «**Қай бир banda: «La ilaha illalлоҳ» деб, сўнг шу билан вафот этса, албатта жаннатга киради**», дедилар. Абу Зар айтади: Мен: «**Зино қилган бўлса ҳам, ўғирлик қилган бўлса ҳамми?!»** деб сўрадим. «**Зино қилган бўлса ҳам, ўғирлик қилган бўлса ҳам**», дедилар. Уч қайта сўрадим, уч қайта шундай дедилар, тўртинчи мартасида: «**Гарчи Абу Зар буни истамаса ҳам!**», деб қўйдилар.²

Бундан келиб чиқадики, у зот зинокор, ўғри, қотил ва ичкиликбоз одамдан – агар унда тавҳид сақланиб қолган бўлса – иймонни бутунлай рад қилмадилар. Акс ҳолда, «**La ilaha illalлоҳ**» устида ўлган одам мазкур маъсиятларни қилган бўлса ҳам жаннатга киради, деб айтмаган бўлардилар. Жаннатга эса фақат иймонли одам киради. Бу сўzlари билан фақатгина иймоннинг нуқсонли бўлишини ирова қилдилар, унинг комил бўлишини рад қилдилар. Банда қачонки, бу гуноҳларни ҳалол санаса, уларни ҳаром қилган Аллоҳ ва Расулини ёлғончи санаган бўлиб, кофир бўлади. Ва ҳатто уларни қилмаган бўлса-да, ҳалол деб эътиқод қилиши билан ҳам кофир бўлади.

¹ Бухорий (2475) ва Муслим (57) ривоятлари.

² Бухорий (237) ва Муслим (94) ривоятлари.

169-савол: Агар бирор: «Бут-санамга сажда қилиш, Қуръонни хорлаш, пайғамбарни сўкиш, динни масхаралаш ва шу каби ишлар кўринишда амалий куфрга киради. Амалий куфр эса кичик куфр саналади, дедингиз. Хўш, шундай экан, нима учун бу ишлар кишини диндан чиқариб юборади, дейилади?», деса, унга нима деб жавоб берилади?

Жавоб: Билингки, сиз айтган тўртта иш ва шунга ўхшаш бошқа ишлар аъзолар билан қилинганлиги жиҳатидангина одамлар кўзида амалий куфр бўлиб саналади. Лекин, аслида улар **ният, ихлос, муҳаббат, бўйисиниш** каби қалб амалининг кетиши билан вужудга келади ва мазкур куфр ишларни қилган одамда ушбу қалб амалларидан биронтаси қолмайди. Демак, бу зоҳирда амалий куфр бўлиб кўринса-да, аслида эътиқодий куфр билан чамбарчас боғлиқ, бу амаллар факатгина диндан чиқкан мунофиқ ёки итоатсиз саркаш кимсадан содир бўлади.

Мунофиқларнинг Табук ғазотида куфр сўзини аниқ айтишлари ва Исломга кирганларидан сўнг яна куфрга қайтишлари – нега бундай қилганниклари сўралганда: «**Биз факат баҳслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос**», деган гаплари билан бирга бўлди. Шунда Аллоҳ таоло деди: «**Айтинг: «Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми? Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз**» (Тавба: 65, 66).

Биз ҳар қандай амалий куфрни бутунлайн кичик куфр деб таърифламадик, балки эътиқодга алоқали бўлмаган, қалбнинг сўз ва амалига зид келмайдиган амалларнигина мақсад қилдик.

170-савол: Зулм, фисқ ва нифоқнинг ҳар бири неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Улардан ҳар бири икки қисмга бўлинади:

- 1) Катта – у куфрdir.
- 2) Кичик – у куфрдан пастdir.

171-савол: Зулмнинг катта ва кичигига мисол айта оласизми?

Жавоб: Катта зулмга мисол – Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда айтган зулмдир:

«Ва Аллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага илтижо қилманг! Агар шундай қилсангиз, у ҳолда албатта золимлардандирсиз!» (Юнус: 106).

«Чунки ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон: 13).

«Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади ва борар жойи дўзах бўлади. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас» (Моида: 72).

Куфрдан пастроқ бўлган зулмга мисол - Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда айтган зулмдир:

«Эй пайғамбар, қачон сизлар (яъни мўминлар) аёлларингизни талоқ қилсангизлар уларнинг иддаларида (яъни поклик пайтларида) талоқ қилинглар ва идда сананглар! Парвардигорларингиз бўлмиш Аллоҳдан қўрқинглар! (То иддалари тугагунча) уларни (ўзлари яшаб турган) уйларидан ҳайдаб чиқарманглар ва улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Фақат улар очиқ фаҳш ишни (яъни бузуқлик ёки беҳаёлик каби қилиқларни) қилсаларгина (яшаб турган уйларидан ҳайдаб чиқариладилар). Бу Аллоҳнинг қонун-чегараларидир. Кимки Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, аниқи у ўзига зулм қилибди» (Талоқ: 1).

«Уларга зулм қилиш билан зарап етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қилса ўзига зулм қилибди» (Бақара: 231).

172-савол: Катта ва кичик фисққа мисол айтинг?

Жавоб: Катта фисққа мисол - Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда айтган фисқдир:

«**Албатта, мунофиқлар ҳақиқий фосиқ-итоатсиздирлар**» (Тавба: 67).

«Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Парвардигорининг амрига бўйсунишдан бош тортди» (Каҳф 50).

«Лутга эса ҳикмат ва илм ато этдик ва уни нопокликлар қилувчи бўлган қишлоқ (ахли)дан кутқардик. Дарҳақиқат улар ёмон фосиқ қавм эдилар» (Анбиё: 74).

Кичик фисққа мисол:

«Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни

саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир» (Нур: 4).

«Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!» (Хужурот: 6).

173-савол: Катта ва кичик нифоққа мисол нима?

Жавоб: Катта нифоққа мисол – Бақара сурасининг аввалидаги оятлар, шунингдек Нисо сурасидаги: «**Албатта мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. — Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйувчидир**» оятидан то **Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар**» (Нисо: 142-145) оятигача.

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қачон мунофиқлар сизнинг олдингизга келсалар: «Гувоҳлик берамизки, сиз шак-шубҳасиз Аллоҳнинг пайғамбаридаидирсиз» дерлар. Аллоҳ, дарҳақиқат, сиз Ўзининг пайғамбари эканлигингизни билади, яна Аллоҳ у мунофиқларнинг шак-шубҳасиз ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик беради» (Мунофиқун: 1).

Ва бошқа оятлар.

Кичик нифоққа мисол – Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйидаги ҳадисларида айтган нифоқдир:

«Мунофиқнинг аломати учта: Гапирса ёлғон сўзлайди, ваъда берса хилоф қиласи, омонат қўйилса хиёнат қиласи».¹

«Тўртта нарса кимда бўлса, у мунофиқ бўлади...»²

174-савол: Сеҳр ва сеҳргарнинг ҳукми нима?

Жавоб: Сеҳр бор нарса, кавний қадарга тўғри келган пайт унинг таъсири муҳаққақдир. Аллоҳ таоло айтади:

«Ва ўшалардан (Хорут ва Морутдан) эр хотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганадилар. (Лекин) улар (сеҳргарлар)

¹ Бухорий (33) ва Муслим (59) ривоятлари.

² Бухорий (34) ва Муслим (58) ривоятлари.

Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар» (Бақара: 102).

Сеҳрнинг таъсир қилиши саҳих ҳадисларда собит бўлган.

Сеҳргарга келсак, агар унинг сехри Бақара сурасида айтилганидек, шайтонлардан қабул қилинадиган нарса бўлса, у кофирдир: **«Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз** (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун юборилганимиз), **бас,** (биз айтган нарсаларни қилиб) **кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар.** — **Ва ўшалардан** (Хорут ва Морутдан) **эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганадилар.** (Лекин) **улар** (сеҳргарлар) **Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар.** **Ва ҳеч фойдасиз, билъакс заарали нарсаларни ўрганадилар.** Ахир (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) **алмашган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку»** (Бақара: 102).

175- савол: Сеҳгарнинг жазоси нима?

Жавоб: Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Сеҳгарнинг жазоси – қилич билан урилишдир».**¹

Ином Термизий мазкур ҳадисни саҳих, мавқуф ҳисоблаган ва: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи асҳоблари ва бошқа аҳли илмлар наздида шунга амал қилинади. Молик ибн Анаснинг сўзи ҳам шудир. Ином Шофеъий фикрларича, агар сеҳргар сехри билан куфрға етиб борадиган иш қилса, уни қатл қилинади. Агар унинг амали куфрға етмаса, қатл қилинмайди.

Умар, ўғиллари Абдуллоҳ, қизлари Ҳафса, Усмон ибн Аффон, Жундаб ибн Абдуллоҳ, Жундаб ибн Каъб, Қайс ибн Саъд, Умар ибн Абдулазиз, Аҳмад, Абу Ҳанифа ва бошқалар ҳам сеҳгарни қатл қилинади, деганлар.

176-савол: Нушра нима, унинг ҳукми қандай?

Жавоб: Нушра – сеҳрланган одамдан сехрни ечиш амалидир. Агар сехрни сеҳр билан ечилса, у шайтоннинг амалидан. Агар руқя ва машруъ дуолар воситасида ечилса, зарари йўқ.

¹ Термизий (1161), Ҳоким (4/360), Табароний (1665, 1666) ва бошқалар ривоятлари.

177-савол: Машруъ руқя – дам солиш қандай бўлади?

Жавоб: У Қуръон ва Суннатдан олинган, соф араб тилида бўлган сўз (дую)лар бўлиб, руқя қилувчи ҳам, қилдирувчи ҳам ушбу дуолар фақат Аллоҳнинг изни билангина таъсир қиласди, деб эътиқод қиласди. Зоро, Жибрил алайҳиссалом ҳам Набий соллалпоҳу алайҳи ва салламни руқя қилган¹, Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ҳам кўпгина саҳобаларни руқя қилганлар² ва бундай қилган кишиларни қайтармаганлар³, балки унга буюрганлар⁴ ва руқя ўқиб ҳақ олишни ҳалол қилганлар⁵.

178-савол: Мумкин бўлмаган, ношаръий руқя қандай бўлади?

Жавоб: У на Қуръону Суннатдан олинган ва на араб тилида бўлган сўзлар бўлиб, шайтонга у яхши кўрадиган ишлар билан қурбат (яқинлик) ҳосил қилиб, унинг хизматидан фойдаланиб қилинадиган дуо ва афсунлардир. Кўп дажжоллар, афсунгар ва кўзбўямачиларнинг қиласиган руқялари мана шу турдан бўлади. Бу каби амаллар Ислом душманлари тарафидан ғаразли мақсадларда динга киритиб юборилган ишлардан бўлиб, Исломга мутлақо ёт амаллардандир.

179-савол: Ҳар турли тумор ва кўзмунчоқларнинг ҳукми нима?

Жавоб: Набий соллалпоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким бирон нарса (тумор) осиб олса, ўшанга топшириб қўйилади**».⁶ Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам сафарларидан бирида бир кишини юбориб, биронта ҳам туюнинг бўйнида қилода (тумор мақсадида бойланган бўйинбоғ) қўймасдан, кесиб ташлашни буюрдилар.⁷

«Руқя (афсун)лар, тамима (тумор)лар, тивала (иситма-совутманинг бир тури) ширкдир».⁸

¹ Муслим (2186) ривояти.

² Бухорий (5743) ва Муслим (2191) ривоятлари.

³ Муслим (2200) ривояти.

⁴ Бухорий (5738) ва Муслим (2195) ривоятлари.

⁵ Бухорий (2276) ва Муслим (2201) ривоятлари.

⁶ Аҳмад (4/311), Ибн Абу Шайба (5/427), Ҳоким (4/216), Байҳақий (9/351) ривоятлари.

⁷ Бухорий (3005) ва Муслим (2115) ривоятлари.

⁸ Аҳмад (1/381), Абу Довуд (3883), Ибн Можа (3530) ва бошқалар ривояти.

«Ким тумор осса, Аллоҳ унинг (ишини) комил-тўла қилмасин, ким кўзмунчоқ осса, Аллоҳ уни (кўз тегишидан) хотиржам қилмасин».¹

Бир ривоятда: **«Ким тумор осса, ширк келтирибди».**²

Расуулплоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишини қўлига ҳалқа тақиб олганини кўриб: **«Бу нима?»** деб сўрадилар. «Қувватсизликка қарши», деди. **«Ечиб ташла! Чунки бу сенга қувватсизликни зиёда қилади, холос. Агар шу нарсани тақсан ҳолингда ўлсанг, асло нажот топмайсан»**, дедилар.³

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бир кишининг қўлидаги ипни узиб ташладилар, сўнг қўйидаги оятни ўқидилар: **«Уларнинг қўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар»** (Юсуф: 106).⁴

Сайд ибн Жубайр раҳимахуллоҳ айтганлар: «Ким бир одамдан туморини узиб ташласа, бир қул озод қилгандек бўлади».⁵ Бу марфуъ ҳадис ҳукмидадир.

180-савол: Туморга Қуръон оятлари ёзилган бўлса, тақса бўладими?

Жавоб: Баъзи салафлар тарафидан унинг жоизлиги ривоят қилинган. Қўплари эса мумкин эмаслигини айтганлар. Абдуллоҳ ибн Укайм, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва асҳоблари розияллоҳу анҳум шу фикрда бўлганлар. Тумордан қайтарилган ҳадислар умумий бўлгани ва бу нарсани хослаб биронта ҳадис келмагани, шунингдек Қуръонни топталишдан сақлаш учун шу фикр афзалроқдир. Чунки тумор тақсанлар кўпинча уни бетаҳорат олиб юрадилар. Бундан ташқари, кимдир Қуръон оятлари ёзилган тумор тақсан бўлса, бу нарса бошқаларни илмсизлик туфайли бошқа хил туморларни ҳам тақишларига сабаб бўлиши ва Аллоҳдан бошқасига қалбларнинг боғланиб қолиши мумкин.

181-савол: Коҳин – фолбинларнинг ҳукми нима?

¹ Аҳмад (4/154), Ибн Ҳиббон (6086)

² Аҳмад (4/256)) ва Ҳоким (4/319) ривоятлари.

³ Аҳмад (4/445) ва Ҳоким (4/216) ривояти.

⁴ Ибн Абу Хотам (12039) ривояти.

⁵ Ибн Абу Шайба (5/428) ривояти.

Жавоб: Фолбинлар тоғутлардан ҳисобланиб, улар жин-шайтонларнинг дўстлариридир. Аллоҳ таоло айтганидек: «**Албатта, шайтонлар ўз дўстларини сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар**» (Анъом: 121).

Жин-шайтонлар фолбинлар ҳузурига тушиб, осмонда фаришталардан узуқ-юлуқ эшитиб олган гапларини уларга етказишади, улар эса битта гапга юзта ёлғонни қўшиб-чатиб одамларга айтишади. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад,) айтинг: «мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушиб, эшитиб олганларини уларга ташларлар. Уларнинг (жинларнинг) кўплари ёлғончилардир» (Шуаро: 221-223).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам ваҳий тўғрисидаги ҳадисларида айтганлар: «Сўнг уни гап ўғрилари (бўлган жинлар, улардан яна) гап ўғрилари эшитиб олиб, ҳоказо бир-бирининг устида туриб, юқоридаги остидагига етказади, сўнг униси ўзидан пастдагига етказади, ҳатто уни сеҳргар ё фолбиннинг тилига етказиб беришади. Кўпинча фолбинга етказишидан олдин уни учар юлдуз қувиб етиб (ҳалок қиласи), кўпинча учар юлдуз етишидан олдин фолбинга етказишига улгуради, шунда фолбин унга юзта ёлғонни қўшиб-чатади».¹

182-савол: Фолбинни тасдиқлаган одамнинг ҳукми қандай бўлади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)»** (Намл: 65).

«**Ғайб хазиналари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур**» (Анъом: 59).

«**Балки уларнинг ҳузурларида ғайб (илми — Аллоҳ таолонинг ўз бандаларидан яширган сирлари) бўлиб, улар (ўша сирларни) ёзиб олаётгандирлар?!»** (Ват-Тур: 41).

«**Унинг ҳузурида ғайб илми бормидики, у (келажакда бошқа бирор ўзининг гуноҳини зиммасига олишини) билиб олса?!**» (Ван-Нажм: 35).

«**Аллоҳ билур, сизлар билмассиз**» (Бақара: 216, 232, Оли Имрон: 66).

¹ Бухорий ривояти.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Ким башоратчи ё фолбинга борса ва у айтаётган гапларни тасдиқласа, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилингандарса (дин)га коғир бўлибди».¹

«Ким фолбинга бориб, ундан бирон нарса ҳақида сўраса, сўнг унинг сўзини тасдиқласа, қирқ кун намози мақбул бўлмайди».²

183-савол: Мунажжимлик қилиш (юлдузга қараб фол очиш) ҳукми нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган зотдир» (Анъом: 97).

«Дарҳақиқат Биз энг яқин осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик» (Мулк: 5).

«(Барча) юлдуз — сайёralар ҳам Унинг амрига бўйсундирилгандир» (Наҳл: 12).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Ким илми нужумдан бирон нарсани олса-ўрганса, сеҳрдан бир бўлак олибди, (илми) зиёдалашгани сари (сеҳри) зиёдалашади».³

«Мен умматимнинг юлдузларни тасдиқлаш ва қадарни ёлғон санашларидан... хавф қиласман».⁴

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу абжад ёзиб ва юлдузларга қараб фол очадиган одамлар ҳақида: «Бундай қилган одам учун Аллоҳнинг хузурида бирон насиба бор деб ўйламайман», деганлар.⁵

Қатода раҳимахуллоҳ айтганлар: «Аллоҳ таоло юлдузларни уч нарса учун: самога зийнат, шайтонларга отилажак тош ва йўл топиш белгилари қилиб яратган. Ким улар хусусида бундан бошқа нарсани таъвил қилса хато қилган, ўзини зое қилган ва билмаган нарсаси (ни билиш)га уринган бўлади».⁶

¹ Абу Довуд (3904), Насой (Кубро: 5/323), Термизий (135) ва Ибн Можа (639) ривоятлари.

² Муслим (2230) ривояти.

³ Абу Довуд (3905), Ибн Можа (3726), Аҳмад (1/227) ривоятлари.

⁴ Абу Яъло (7/4135) ривояти.

⁵ Абдурраззок (11/26), Ибн Абу Шайба (6/129) ривоятлари.

⁶ Ибн Жарир (8/91) ривояти.

184-савол: Юлдузлар билан ёмғир талаб қилиш ҳукми нима?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«**Сизлар** (ёмғирдан иборат) **ризқларингизни** (яъни унинг шукрини, “Фалон юлдуз сабабли ёмғирландик” деб Аллоҳ ёғдирганини) **ёлғонга чиқариш қилиб оласизларми?**» (Воқеа: 82).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Умматим ичида жоҳилият ишидан тўрттаси борки, уни тарк қилишмайди: ҳасаблар (оқсуяклиқ) билан фахрланиш, насабларга таън етказиш (тил теккизиш), юлдузлар билан ёмғир талаб қилиш ва ўликларга фарёд солиб йиглаш».¹

«Аллоҳ таоло айтади: Бандаларим ичида Менга мўмин бўлиб тонг оттирганлари ҳам, кофир бўлиб тонг оттирганлари ҳам бор. Кимки: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан ёмғирландик» деса, у Менга мўмин, юлдузларга кофирдир. Аммо ким: «Фалон-фалон юлдуз сабабли ёмғирландик» деса, у менга кофир, юлдузларга мўминдир».²

185-савол: Шумланишнинг ҳукми нима, уни нима билан кетказиш мумкин?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Огоҳ бўлсинларки, албатта уларнинг яхшилик ва ёмонлик (ларининг сабаб) лари фақат Аллоҳнинг ҳузуридан (унинг қазои қадари билан) дир» (Аъроф: 131).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Юқиши йўқ, шумланиш – бадгумон бўлиши йўқ, бойқуш (билан шумланиш) йўқ, сафар (оийда баъзи нарсаларни қилиб бўлмайди дейиш йўқ».³

«Шумланиш ширқдир, шумланиш ширқдир».⁴

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтдилар: «Ичимиизда бирон киши йўқки (унда шумланиш бўлмаса), бироқ уни Аллоҳ таваккул билан кетказади».

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

¹ Муслим (934) ривояти.

² Бухорий (846) ва Муслим (1038) ривоятлари.

³ Бухорий (5757) ва Муслим (2220) ривоятлари.

⁴ Абу Довуд (3910), Термизий (1614), Ибн Можа (3538) ривоятлари.

«Шумланиш – сени ё йўлингда давом эттирган ё йўлингдан қайтарган нарсадир».¹

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтдилар: **«Шумланиш кимники ўз ҳожатидан қайтарган бўлса, у одам мушрик бўлибди».** «Бунинг каффорати нима?» деб сўрашди. **«Шундай демогингдир: «Аллоҳумма ла хойро илла хойруқ, ва ла тойро илла тойруқ, ва ла илаҳа ғойруқ»** (маъноси: Эй Аллоҳ, яхшилик фақат Сен ато этган яхшилиқдир, шумлик (яхшилик ва ёмонлик сабаблари) фақат Сен томонингдандир, Сендан ўзга илоҳ йўқдир)».²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«(Шумланиш йўқ,) яхшиси фаълдир³, у мусулмонни ортга қайтармайди. Агар бировингиз ўзи ёмон кўрган нарсани кўрса: «Эй Аллоҳим, яхшиликларни фақат Сенгина ато этсан, ёмонликларни фақат Сенгина даф қиласан, ўзгариш ва куч-қудрат фақат Сен тарафингдандир» десин».**⁴

186-савол: Кўз тегишининг ҳукми нима?

Жавоб: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Кўз (тегиши) ҳақдир».**⁵

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жориянинг юзида доғ кўриб: **«Унга руқя қилдиринглар (дам солдиринглар), кўз тегибди»**, дедилар.⁶

Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўздан руқя қилдиришга буюрдилар.⁷

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Руқя (шаръий дам солиш) кўз теккан ёки нишдан (захарланганлар учун) дир».**⁸

Бундан ташқари ҳам сахих ҳадислар кўп. Кўз фақат Аллоҳнинг изни билангина таъсир қиласи. Аллоҳ таолонинг: **«Албатта кофир бўлган**

¹ Аҳмад (1/213) ривояти.

² Аҳмад (2/220) ривояти.

³ Фаъл (фол) – Эшитган бирон яхши сўзни яхшилик белгиси деб қабул қилиш. Масалан: касал ётган одам кимнингдир «саломат» деган сўзини эшитиб, бу саломат бўп кетишимга аломат, деб қабул қилиши.

⁴ Абу Довуд (3919) ривояти.

⁵ Бухорий (5740) ва Муслим (2187) ривоятлари.

⁶ Бухорий (5739) ва Муслим (2197) ривоятлари.

⁷ Бухорий (5738) ва Муслим (2195) ривоятлари.

⁸ Аҳмад (4/436), Абу Довуд (3884) ва Термизий (2057) ривоятлари.

кимсалар эслатма-Қуръонни эшитган вақтларида сизни күзлари билан йиқитаёзурлар» (Қалам: 51) оятини күп салафлар розияллоху анхұм күз тегиши, деб тафсир қилғанлар.

187-савол: Гуноҳлар неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Сағира – ёмонликларга ва кабира – ҳалок қилувчи гуноҳларга бўлинади.

188-савол: Ёмонликлар нима билан ювилади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, қилган кичик гуноҳларингизни ўчирамиз ва сизларни улуғ манзил — жаннатга киритамиз» (Нисо: 31).

«Албатта, яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказади» (Ҳуд: 114).

Аллоҳ таоло саййиот – кичик гуноҳларнинг каффорати катта гуноҳлардан сақланиш билан ва яхши амаллар қилиш билан бўлишини хабар берди. Шунингдек, ҳадисда ҳам келганки: **«Ёмонлик ортидан яхшилик қил, уни ўчириб юборади»**.¹

Бундан ташқари, саҳиҳ ҳадисларда қийинчиллик пайтларда (яъни ёзда совуқ сув топилмаганда, қишида иссиқ сув топилмаганда) таҳоратни мукаммал қилиш, масжидлар сари қадамни кўпайтириш, беш вақт намоз, жумъя келгуси жумъагача, Рамазон келгуси Рамазонгача, таровеҳ ва қадр кечасининг қиёми, Ошуро кунидаги рўза ва бошқа тоатлар хато ва кичик гуноҳларни ювиб юбориши айтилган.

Бу ҳадисларнинг кўпларида мазкур ишлар гуноҳи кабиралардан сақланишга боғлиқ қилинган. Демак, гуноҳи кабиралардан тийилинса, гуноҳи сағиралар ҳасанотлар билан ҳам уларсиз ҳам ювилаверади.

189-савол: Гуноҳи кабиралар қандай гуноҳлар?

Жавоб: Бу хусусда саҳобалар, тобеийнлар ва бошқалар томонидан турли сўзлар айтилган. Баъзилар: Ҳад (шаръий жазо) лозим бўладиган ҳар бир гуноҳ гуноҳи кабирадир, деганлар. Баъзилар: Ортидан лаънат ё ғазаб ё дўзах ёки азоб келадиган ҳар бир гуноҳ гуноҳи кабирадир,

¹ Аҳмад (5/153, 158, 177), Термизий (1987) ривояти.

деганлар. У қилувчисининг динга бепарволиги ва Аллоҳдан қўрқуви камлигини сездирадиган гуноҳdir, ҳам дейилган. Бундан бошқа сўзлар ҳам айтилган. Саҳих ҳадисларда турли даражадаги кўп гуноҳларни “кабиралар” деб аталган. Улар ичида Аллоҳга ширк келтириш ва сехр каби катта куфрлар ҳам, куфрандан пастроқ бўлган – ноҳақ одам ўлдириш, жанг пайти ортга қочиш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, ёлғон сўзлаш, покиза мўмина аёллар шаънига бўхтон қилиш, маст қилувчи ичимлик ичиш, ота-онага оқ бўлиш ва бошқа гуноҳлар ҳам бор.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Улар еттитадан кўра етмиштага яқинроқ», деганлар.¹

Кабиралар деб аталган гуноҳларни текширган одам уларнинг етмишдан ортиқ эканини топади. Энди Китобу Суннатда лаънат, ғазаб, азоб ёки уруш каби қаттиқ ваъидлар билан тилга олинган гуноҳларни текширган одам уларнинг анча кўп эканини топади.

190- савол: Сағираю кабира, барча гуноҳларга каффорат борми?

Жавоб: Барчасининг каффорати – чин дилдан қилинган холис тавбадир. Аллоҳ таоло айтади:

«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур» (“Шоядки” сўзи Аллоҳ ҳақида ишлатилса, муқаррарликни тақозо этади) (Тахрим: 8).

«Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр» (Фурқон: 70).

«(У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган. — Ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, — билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир. Уларнинг мукофотлари Парвардигорлари томонидан мағфират ва тагларидан дарёлар оқиб турувчи жаннатлар бўлиб, улар ўша жойда абадий қолажаклар» (Оли Имрон: 135, 136).

Ва бошқа оятлар.

¹ Ибн Жарир (8/241) ривоят қилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Тавба ўзидан олдинги** (гуноҳлар)ни ўчириб юборади», деганлар.

Яна айтганлар: «**Бандасининг тавба қилиши билан Аллоҳ таолонинг қувониши бир одамнинг хурсандчилигидан ҳам ортиқроқ бўладики, у одам** (саҳрова боратуриб) ҳалокат хатари бор бўлган бир жойга тушган, ёнида устига емак-ичмаги ортилган туяси ҳам бўлган.

Шунда ерга бошини қўйиб, ухлаб қолган. Бир вақт уйғониб қараса, туяси ғойиб бўлган.

(Туясини излай-излай чарчагач,) иссиқ ва ташналиқдан қаттиқ қийналиб кетиб: «**Жойимга қайтаман**», деган ва қайтиб келиб, ухлаб қолган. Уйғониб қараса, туяси ёнида турган экан».¹

191-савол: Холис тавба қандай бўлади?

Жавоб: У ўз ичига учта нарсани жамлаган чин тавбадир: гуноҳдан тийилиш, қилган гуноҳига пушаймон бўлиш ва энди унга асло қайтмасликка азму қарор қилиш. Агар зиммасида бирон мусулмонга нисбатан зулм бўлса, имкони борича ундан қутулиб олади, бугун қутулиб олмаса, қиёмат қуни албатта ундан сўралади ва иложсиз қасос олинади. Қолверса у Аллоҳ эътиборсиз ташлаб қўймайдиган зулмлар туридандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Кимнинг зиммасида бир биродарига нисбатан зулм бўлса, динор ва дирҳам бўлмайдиган кун келмасдан туриб бугун ундан қутулиб олсин.** (У қуни) ҳасаноти бўлса ҳасанотидан олинади, бўлмаса биродарининг гуноҳларидан олиниб унинг устига ташланади».²

192-савол: Одамлар учун тавба вақти қачон ўтган ҳисобланади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «**Албатта Аллоҳнинг тавбаларни қабул қилиши фақат биронта гуноҳни жаҳолат билан қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қилган кишилар учундир.** Аллоҳ ана шундай кишиларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо: 17).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоби киромлари иттифоқ қилган фикр шуки, Аллоҳга осий бўлинган ҳар бир иш хоҳ

¹ Бухорий (6308) ва Муслим (2744) ривоятлари.

² Бухорий (2449) ривояти.

қасдан бўлсин, хоҳ беқасд, у жаҳолат билан қилингандир ва ўлимдан олдин қилинган ҳар бир иш (яъни тавба) тезда қилинган ҳисобланади.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Банда модомики, жони бўғзига келмасдан туриб тавба қиларкан, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қиласди**».¹

Ушбу маъно кўп ҳадисларда событ бўлган. Аммо жон олғувчи фариштани кўргач ва жон ҳалқумга келгач, энди у пайтда тавба мақбул бўлмайди, қочиб қутулишнинг иложи ҳам қолмайди: «(аммо бу вақт азобдан) қочиб қутулиш вақти эмас эди» (Сод: 3).

«**На гуноҳ ишларни мудом қилиб юриб, қачонки, бирорларига ўлим келганида «энди тавба қилдим» дейдиган ва на кофир ҳолда ўлиб кетадиган кимсаларнинг тавбалари қабул қилинмас**» (Нисо: 18).

193-савол: Охирзамон бўлганда қачон тавба вақти ўтган бўлади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди: «**Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда эса илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда бермас**» (Анъом: 158).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қуёш ботиш томонидан чиқмагунича Қиёмат қойим бўлмайди. Кунботишдан чиққач ва одамлар уни кўришгач, ҳаммалари иймон келтиришади. Бу эса кишига (келтирган) иймони фойда бермайдиган пайтдир**», дедилар, сўнг мазкур (Анъом: 158) оятни ўқидилар.²

Шу маънода Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан асҳоблари тарафидан ривоят қилинган кўплаб ҳадислар ҳадис тўпламларида келган. Савфон ибн Ассол розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «**Аллоҳ таоло мағриб томонда эни етмиш йиллик масофа бўлган бир эшикни тавба учун очиб қўйгандир, у то кун ўша томондан чимагунича бекитилмайди**».³

¹ Термизий (3537), Ибн Можа (4253), Аҳмад (2/132, 153) ривоятлари.

² Бухорий (6506) ва Муслим (157) ривоятлари.

³ Термизий (3536), Насорий (1/83), Ибн Можа (4070) ва бошқалар ривояти.

194-савол: Тавҳид аҳлидан бўлган бир киши гуноҳи кабирада бардавом ҳолда ўлса, унинг ҳукми нима бўлади?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтиурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчиридирмиз» (Анбиё: 47).

«(Амалларни) тўғри тортиш ўша Куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топувчилардир. Кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил бўлса, бас, улар (Бизнинг оятларимизни инкор қилиш билан) зулм қилиб ўтганлари сабабли ўзларига зиён қилган кимсалардир» (Аъроф: 8, 9).

«Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозиru нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган КУНни (эсланглар)!» (Оли Имрон: 30).

«Ҳар бир жон фақат ўзини ўйлаб — ҳимоя қилиб қоладиган ва ҳар бир жон қилган амалининг (мукофотини) тўла оладиган ҳамда уларга зулм қилинмайдиган Кунни (эсланг)» (Наҳл: 111).

«Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнgra ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо (ёки мукофот) берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди» (Бақара: 281).

«Ўша Кунда одамлар, уларга (қилиб ўтган амаллари)нинг жазо ёки мукофотлари кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунидаги) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» (Залзала: 6-8).

Ва бошқа оятлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир чеккадан ҳисоб-китоб қилинса, албатта азобга тортилади», дедилар. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо сўрадилар: «Аллоҳ таоло: «Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак» (Иншиқоқ: 8) демаганми?!»

— «Бу (амалларининг бир қатор) кўндаланг қилиб эслатилишидир холос. Лекин ким тўла ҳисобга тортилса албатта азобга дучор бўлади» дедилар.¹

Юқорида қайта тирилиш, қиёмат майдонидаги ахволлар, амалларнинг тортилиши, амал саҳифаларининг тарқатилиши, ҳисоб-китобга рўпара бўлиш, сирот, шафоатлар ва бошқа ҳолатлар ҳақида биз олиб келган оят ва ҳадислардан маълум бўладики, одамларнинг охиратдаги мартабалари ва ҳолатларининг фарқли бўлиши уларнинг дунё ҳаётида Раббилирига тоат ёки тоатсизликда фарқли бўлишларига биноан бўлади.

Куръон оятлари ва суннати набавийя мазмунларидан маълум бўлишича, шунингдек саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашган тафсир, ҳадис ва суннат уламоларидан бўлган салафи солиҳлар сўзларига кўра, тавҳид аҳлидан бўлган осийлар уч табақага бўлинади:

Биринчи: Яхшиликлари ёмонликларидан оғир келган кишилар. Улар жаннатга дохил бўладилар ва дўзах ўти уларга асло етмайди;

Иккинчи: Яхшиликлари билан ёмонликлари teng келиб қолган, ёмонликлари жаннатга киришларига йўл қўймаган, яхшиликлари эса дўзахдан тўсган кишилар. Улар жаннат билан дўзах оралиғида Аллоҳ хоҳлаганча турадиган, сўнг уларга жаннатга киришга изн бериладиган “Аъроф эгалари”дир. Аллоҳ таоло жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга киришлари хабарини бергач, шундай дейди:

«Уларнинг (жаннат эгалари билан дўзах эгаларининг) ўрталарида тўсиқ бўлиб, у деворлар устида ҳаммани (яъни жаннатиларни ҳам, дўзахиларни ҳам) сиймоларидан таниб оладиган кишилар бўлур. Улар жаннат эгаларига: «Сизларга тинчлик бўлгай, дейдилар. Ўзлари эса тамаъ қилган —истаган ҳолларида, унга (жаннатга) кира олмагандирлар. Қачон қўзлари дўзах эгалари тарафга бурилиб қолса: «Парвардигоро, бизларни бу золим қавм билан бирга қилиб қўймагайсан», дейдилар. Аъроф эгалари (яъни қилган яхши амаллари билан ёмон амаллари баробар келиб, жаннати ҳам, дўзахи ҳам бўлмай ўртада аъроф — деворлар устида турган кишилар) сиймоларидан таниб олган кишиларига (яъни дўзахиларга) нидо қилиб дедилар: «Тўплаган молу дунёйингиз ва қилган кибру ҳавойингиз сизларга асқотмабди-ку. Сизлар: «Аллоҳ уларга бирон раҳмат-марҳамат

¹ Бухорий (4939) ва Муслим (2876) ривоятлари.

етказмайди, деб қасам ичган кишилар ана у (ҳаёти дунёдан камбағал бечоралик билан ўтган мўмин-мусулмон)ларми» (Ахир уларга) «**Сизлар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва сизлар ҳеч ғамгин бўлмайсизлар**» (дейилди-ку)?!» (Аъроф: 46-49).

Учинчи: Аллоҳ таолога гуноҳи кабиралар устида давом этган ҳолларида йўлиққан, бироқ тавҳид ва иймоннинг асли сақланиб қолган, ёмонликлари яхшиликларидан устун келган кишилар. Улар гуноҳлари миқдорича дўзахга тушадилар. Дўзах ўти айримларининг тўпигигача етади, айримларининг яrim болдиригача етади, айримларининг тиззалиригача етади, ҳатто Аллоҳ таоло айримларининг фақат сажда ўринларинигина дўзахга ҳаром қиласди. Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бошқа пайғамбарлар, авлиёлар, малоикалар ва Ўзи мукаррам қилган зотларга мана шу тоифа аҳлини шафоат қилишга изн беради. Уларнинг шафоатлари сабабли қалбида динор вазнича яхшилик бўлган кишилар, сўнгра қалбида яrim динор вазнича яхшилик бўлган кишилар, сўнгра қалбида зарра миқдорича яхшилик бўлган кишилар дўзахдан чиқадилар. Тавҳид устида вафот этган кишилардан бирортаси, қандай амаллар қилган бўлмасин, дўзахда абадий қолмайди. Лекин, улар ичидан иймони кучлироқ ва гуноҳи камроқ бўлганлари дўзахда ҳам азоби енгилроқ, унда қолиши озроқ ва ундан чиқиши тезроқ бўлади. Гуноҳи каттароқ ва иймони заифроқ бўлганлари бунинг аксича бўлади. Бу хусусда сон-саноқсиз ҳадислар келган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадислари ҳам шунга ишора қиласди: «**Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса, аввалда қандай кўргиликларга дучор бўлмасин, бир кун келиб унга албатта нафи тегади**».¹

Бу – кўпчиликнинг тушунчалари хатога кетган, қадамлари тойилган, кўплаб ихтилофларга сабаб бўлган мавзулардандирки: «**Сўнгра Аллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қиласди**» (Бақара: 213).

¹ Абу Нуайм «Ҳиля»да (5/46), Байҳақий «Шуаб»да (97) ривоят қилганлар.

195-савол: Ҳадлар (шаръий жазолар) жазо қўлланган кишиларнинг гуноҳларига каффорат бўладими?

Жавоб: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам атрофларида бир жамоа саҳобалар бўлган ҳолда айтдилар: «**Аллоҳга ширк келтирмасликка, ўғирлик қилмасликка, зино қилмасликка, фарзандларингизни ўлдирмасликка, ўз тарафингиздан тўқиб оладиган бўхтонларни келтирмасликка, бирон яхши ишда итоатсиз бўлмасликка менга байъат беринглар.** Ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасида. Ким шу ишлардан биронтасини қилиб қўйса, сўнг шу дунёда жазосини олса, бу у учун каффоратдир. Ким шу ишлардан биронтасини қилса-ю, сўнг Аллоҳ уни яширса, у **Аллоҳга ҳавола, истаса кечиради, истаса азоблайди**».¹

196-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мазкур ҳадисдаги: «**у Аллоҳга ҳавола, истаса кечиради, истаса азоблайди**» деган сўзлари билан юқорида айтилган: «кимнинг ёмонликлари яхшиликларидан устун келса, дўзахга киради» деган сўз ўртасини қандай жамлаш мумкин?

Жавоб: Бу икки сўз ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Чунки Аллоҳ кимни афв қилишни истаса, уни енгил ҳисоб билан ҳисоб қиласи. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳисоб пайтида амалларнинг бир қатор эслатиб ўтилишини қўйидаги сўзлари билан изоҳлаб айтилганлар: «Сизлардан – яъни, мўминлардан – бирингиз Раббига яқин келади, ҳатто У зот унинг устига пардасини ташлайди, сўнг: «Шундай-шундай (гуноҳларни) қилганмисан?», дейди. У: «Ҳа», дейди. Яна: «Шундай-шундай (гуноҳларни) ҳам қилганмисан?», дейди. У: «Ҳа», дейди. Иқрор қилдиргач: «Мен дунёда бу ишларингни яширган эдим, энди бугун уларни мағфират қиласман», дейди».²

Аммо гуноҳлари сабабли дўзахга кирадиган кишилар – тўла ҳисоб-китоб қилинадиган кишилардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким бир чеккадан ҳисоб-китоб қилинса, албатта азобга тортилади**», деганлар.³

¹ Бухорий (18) ва Муслим (1709) ривояти.

² Бухорий (6070) ва Муслим (2768) ривоятлари.

³ Бухорий (4939) ва Муслим (2876) ривоятлари.

197-савол: Аллоҳ таоло бизни фақат унда юришга буюрган ва ундан бошқасига эргашишдан қайтарган тұғри йўл қайси?

Жавоб: У Ислом динидирки, Аллоҳ у билан пайғамбарларини юборди, китобларини нозил қилди, ундан бошқа динни ҳеч кимдан қабул қилмайды, шу йўлда юрганлардан бошқа ҳеч ким нажот топмайды, ким ундан юрмаса, чалкаш йўлларга кириб кетиб қолади.

Аллоҳ таоло деди: «**Албатта, мана шу Менинг Тұғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар!** (Бошқа) **йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр**» (Анъом: 153).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир чизиқ чиздилар-да, сўнг: «**Бу Аллоҳнинг тұғри йўли**», дедилар. Унинг ўнг ва чап тарафига бир неча чизиқлар тортиб: «**Булар шундай йўлларки, ҳар бирининг бошида биттадан шайтон унга чорлаб туради**», дедилар. Сўнг қуидаги оятни ўқидилар: «**Албатта, мана шу Менинг Тұғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар!** (Бошқа) **йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр**» (Анъом: 153).¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳ таоло шундай бир мисол келтирди: Бир тұғри йўл бор, унинг икки тарафида деворлар, уларда очиқ эшиклар бор, эшикларга парда тортилган. Йўлга кираверишда бир жарчи: «Эй одамлар, ҳаммангиз тұғри йўлга кирингиз, бўлиниб кетмангиз!» деб жар солмоқда. Йўл устида яна бир жарчи жар солиб турибди. Бирон киши ҳалиги эшиклардан бирини очиб киришни истаса у: «Очма, ҳолинггавой бўлгур! Агар очсанг, кириб кетасан», дейди. Йўл – Ислом, деворлар – Аллоҳ белгилаб қўйган чегаралар, очиқ эшиклар – Аллоҳ ҳаром қилган ишлар, йўл бошидаги жарчи – Аллоҳнинг Китоби, йўл устидаги жарчи – ҳар бир муслимнинг қалbidагi Аллоҳнинг панд-насиҳатчисидир».²**

198-савол: Қандай қилиб ушбу йўлга кириш ва унинг устида адашмай, саломат юриш мумкин?

¹ Аҳмад (1/435, 465), Таёлисий (244), Ибн Ҳиббон (6, 7) ва Ҳоким (2/318) ривоятлари.

² Аҳмад (4/182), Термизий (2859), Ибн Жарир (1/75) ва бошқалар ривояти.

Жавоб: Бунга фақат Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш, у иккиси чизиб берган йўлда юриш ва у иккиси белгилаб берган чегараларда туриш билангина эришиш мумкин. Аллоҳга тавҳидни холис қилиш ва Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга холис эргашиш шу билангина ҳосил бўлади: «**Кимда-ким Аллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайғамбарлар, содиқлар, шаҳидлар ва фақат яхши амаллар билан ўтган “солих” лар билан бирга бўладилар.** Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир» (Нисо: 69).

Бу ерда Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган, деб зикр қилинган у зотлар Фотиҳа сурасида тўғри йўл уларга инъом этилган кишилардир: «**Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан**» (Фотиҳа: 6, 7).

Банда учун мана шу тўғри йўлга йўлланишдан ва адаштирувчи йўллардан сақланишдан кўра катта неъмат йўқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини ана шу йўл устида қолдириб кетганлар: «**Мен сизларни туни кундуздек равshan бўлган оқ-ёруғ йўл устида қолдирдим, мендан сўнг бу йўлдан фақат ҳалок бўлувчи кишигина адашади**».¹

199-савол: Суннатнинг зидди нима?

Жавоб: Унинг зидди – кейин пайдо қилинган бидъатлар бўлиб, улар – Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилишdir. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуийдаги ҳадисларида кўзда тутган нарса ҳам шудир: «**Ким бизнинг бу (дин) ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад (қилинган)дир**».²

«**Менинг суннатимни ва мендан кейинги тўғри йўлдаги, ҳидоятланган халифаларнинг суннатларини лозим тутингиз!** Уни маҳкам ушлангиз ва озиқ тишларингиз билан ёпишингиз! (Динда) кейин пайдо қилинган ишлардан сақланингиз! Зеро, ҳар бир янги пайдо қилинган иш залолатдир».³

¹ Ибн Можа (5) ривояти, Албоний иснодини ҳасан деган.

² Бухорий (2697) ва Муслим (8/17) ривоятлари.

³ Абу Довуд (4607), Термизий (2676), Ибн Можа (42) ривоятлари.

Шундай ишларнинг содир бўлишига ишора қилиб: «**Умматим 73 фирмага бўлиниб кетади. Барчаси дўзахда, фақат биттаси бундан мустасно**» дедилар ва бу тоифани кимлигини шундай баён қилдилар: «**Улар мен ва асҳобларим тутган йўл устидаги кишилардир**».¹

Аллоҳ таоло у зотни бидъат аҳлидан пок эканларини баён қилиб, деди: «**Динларини бўлиб, ўзлари ҳам гурухларга бўлиниб олган кимсалар тўғрисидан бирон нарсада (масъул) эмассиз. Уларнинг ишлари фақат Аллоҳнинг ўзига ҳавола**» (Анъом: 159).

200-савол: Бидъат динга халал етказиши эътибори билан неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Икки қисмга: Диндан чиқариб, кофирга айлантирувчи бидъатга ва ундан пастроқ бўлган бидъатга бўлинади.

201-савол: Кофирга айлантирувчи бидъатлар қандай бўлади?

Жавоб: Улар кўп. Ким ижмоъ қилинган, шариатдан экани мутавотир бўлган ва диндан экани (оммага ҳам) маълум бўлган бирон ишни инкор қилса айни бидъатни қилган бўлади. Чунки, бу Қуръонни ва Аллоҳнинг динини ёлғон санаш демақдир. Жаҳмийяларнинг Аллоҳ азза ва жалланинг сифатларини инкор қилиши, Қуръонни ёки Аллоҳнинг сифатларидан биронтасини маҳлуқ дейиш, Аллоҳ Иброҳимни халил қилганини, Мусога сўзлаганини ва бошқа нарсаларни инкор қилиш бидъати, қадарийяларнинг Аллоҳ таолонинг илмини, феълларини, қазо ва қадарини инкор қилиш бидъати, Аллоҳ таолони маҳлуқотига ўхшатувчи мушаббиҳаларники каби бидъатлар мазкур турга киради. Лекин улар ичida баъзилар борки, мақсади дин асосларини емириш, диндорларни шубҳага тушириш бўлади, бундай кимсалар қатъан кофир ва Исломдан унинг энг ашаддий душманларидан кўра ҳам бегонароқлар. Яна баъзилар борки, алданган ва чалғиган бўлади, бундай кишиларга устларидан ҳужжат барпо қилиниб, ҳаққа бўйсунишга мажбур қилингандан кейин ҳам ўз фикрларида қаттиқ туриб олишсагина куфрға хукм қилинади.

202-савол: Кофирга айлантирмайдиган бидъат қандай бўлади?

¹ Абу Довуд (4596), Термизий (2642), Ибн Можа (3991) ривоятлари.

Жавоб: Улар юқорида айтилгандан бошқа, Қуръонни ва Аллоҳнинг динини ёлғон санаши лозим қилмайдиган бидъатлардир. Марвонийларнинг бидъатлари бунга мисол бўлади. Улардан содир бўлган бидъатлар: баъзи намозларни охирги вақтигача кечиктириб ўқиш, ҳайит намозидан олдин хутба қилиш, жумадаги ва бошқа хутбалар асносида ўтириш, минбар устида туриб айрим катта сахобаларни сўкиш ва шу каби шаръий жиҳатдан эътиқод қилиб эмас, балки нотўғри тушунча, нафс хоҳишлари ва дунёвий ғаразлар сабабли юзага чиққан бидъатлардир. Улуғ сахобалар уларга мазкур бидъатларини инкор қилишган, лекин уларни бу ишлардан биронтаси сабабли кофирга чиқаришмаган ва уларга байъат беришдан қўлларини тортишмаган.

203-савол: Бидъатлар содир бўлиш ўрнига кўра неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Иккига бўлинади: ибодатлардаги ва муомалалардаги бидъатлар.

204-савол: Ибодатлардаги бидъатлар неча қисмга бўлинади?

Жавоб: Икки қисмга бўлинади:

Биринчи: Аллоҳ изн бермаган нарсалар билан ибодат қилиш. Жоҳил сўфийларнинг мусиқа асбоблари, рақс, қарсак, куй-қўшиқ ва бошқа шу каби нарсалар билан ибодат қилишлари каби. Улар бу ишлари билан Аллоҳ таоло Қуръонда айтган кишиларга ўхшаб кетадилар: «**Уларнинг Байтуллоҳ олдида қилган «ибодат»лари фақат ҳуштак ва чапак чалиш бўлди**» (Анфол: 35).

Иккинчи: Шариатда асли бўлган, бироқ ўз ўрнидан бошқа жойда қилинган ибодат. Масалан, эҳромда бошни очиб юриш шариатда бор ибодат. Бироқ, эҳромда бўлмаган киши намоз, рўза ё бошқа ибодатларини бажариш асносида ибодат нияти билан¹ бошини очиб олса, у ҳаром бўлган бидъатни қилган бўлади. Шунингдек, шариатда асли бўлган бошқа ибодатларни муайян қайтарилган вақтларда бажариш. Масалан, нафл намозларни ман қилинган вақтларда ўқиш, шак куни рўза тутиш, икки ҳайит кунлари рўза тутиш каби.

¹ Яъни, шу ибодат асносида бошимни очиб олсан савоб бўлади, чунки бош кийим киймаслик хам гоҳи ўринларда ибодат хисобланади, деб бошини очиб олса.

205-савол: Ибодатлардаги бидъатлар ибодатга қандай таъсир кўрсатади?

Жавоб: Уларнинг иккита ҳолати бор:

Биринчи: Ибодатни умуман бекор қилади. Масалан, бомдод намозига учинчи ракъатни ёки шом намозига тўртинчи ракъатни ёки тўрт ракъатли намозга бешинчи ракъатни қасдан зиёда қилган одамнинг намози бекор бўлади. Шунингдек ракъатлар сонини қасдан камайтирган одамнинг намози ҳам ботил бўлади.

Иккинчи ҳолат: Бидъатнинг ўзи ботиллигича қолиб, бидъат содир қилинган амал бузилмай қолади. Мисол учун, таҳоратда аъзоларни уч мартадан ортиқ ювиш. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай таҳоратнинг ботил бўлмаслигини айтганлар, балки: «**Ким бундан (яъни, 3 мартадан) зиёда қилса, ёмон иш қилган, тажовуз қилган ва зулм қилган бўлади**», деганлар.¹

206-савол: Муомалалардаги бидъат қандай бўлади?

Жавоб: У Аллоҳнинг Китобида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Суннатларида бўлмаган нарсани шарт қилишдир. Озод қилинган қулнинг валийлигини озод қилувчидан бошқага бўлишини шарт қилиш каби. Барийранинг озод қилиниши воқеасида шундай бўлган эди. Оиша розияллоҳу анҳо уни озод қилмоқчи бўлганларида Бариранинг эгалари валийликни ўзларига бўлишини шарт қилишган, шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб, Аллоҳга ҳамду сано айтгандан сўнг айтган эдилар: «**Аммо баъд, одамларга нима бўлдики, Аллоҳнинг китобида бўлмаган шартларни шарт қилмоқдалар. Аллоҳнинг китобида бўлмаган ҳар қандай шарт ботилдир, агарда юзта шарт бўлса ҳам, бас, Аллоҳнинг ҳукми хақлироқ ва Аллоҳнинг шарти ишончлироқдир. Ичларингиздаги айrim кишиларга нима бўлганки, улардан бири: «Эй фалончи, сен озод қил, валийлиги менга бўлади» дейди. Валийлик фақат озод қилган кишига тегишлидир**».²

¹ Насойи (1/88), Абу Довуд (135), Ибн Можа (422) ва Ибн Хузайма (174) ривоятлари.

² Бухорий (456) ва Муслим (1504) ривоятлари.

Ҳаромни ҳалол қиласынан да ҳалолни ҳаром қиласынан ҳар қандай шарт шу жумладандыр.

207-савол: Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сахобалари ва ахли байтлари хусусида қандай муносабатда бўлишимиз лозим?

Жавоб: Дилемизда ҳам, тилимизда ҳам уларни доим фақат яхшилик билан зикр қилишимиз, уларнинг фазилатларини кўп гапиришимиз, хатоларидан ва ўзаро ўрталарида бўлиб ўтган ихтилофлардан тилларимизни тийишимиз, Аллоҳ таоло Таврот, Инжил ва Қуръонда уларни қандай мақтов билан тилга олган бўлса ва саҳих ҳадисларда уларнинг фазилатлари хусусида қандай мақтовли сўзлар келган бўлса, худди шундай мақтовлар билан тилга олишимиз лозим бўлади.

Аллоҳ таоло деди:

«Мұхаммад Аллоҳнинг пайғамбариdir. У билан бирга бўлган (мўмин)лар коғирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сажда қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юzlарида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир. Мана шу (яъни коғирларга қаҳрли бўлиш, мўминларга меҳрибонлик ва кўп намоз ўқиб, рукуъ-сажда қилиш) уларнинг Тавротдаги мисоллариdir. (Яъни Тавротда ҳам Аллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир). Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз танасида тик турган, дехқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди. (Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилинганидек ўсимликка ўхшатилиши) улар сабабли коғирларни хафа қилиш учундир. Аллоҳ (мўминлардан) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир» (Фатҳ: 29).

«Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар — ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир» (Анфол: 74).

«Мұхожир ва ансорларнинг бириңчи пешқадамлари ва уларға чиройли амаллар билан әргашған зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк баҳтдир» (Тавба: 100).

«Ҳақиқатан Аллоҳ пайғамбарнинг, мұхожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди. Улардан бир гуруҳнинг диллари (ғазотдаги мashaққат ва ташналиқ сабабли) тойилаёзганидан кейин оғир соатда унга (яъни, пайғамбарга) әргашған эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини (Аллоҳ) қабул қилди. Албатта, У зот мўминларга марҳаматли, меҳрибондир» (Тавба: 117).

«(У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилған зотлар — камбағал мұхожирларни кидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға ёрдам берурлар. Ана ўшалар (иимонларида) содиқ зотлардир. Улардан (мұхожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашған ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суядилар ва диларида уларга (мұхожирларга) берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймайдилар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қиладилар» (Ҳашр: 8, 9).

Булардан бошқа кўп оятлар мавжуд.

Биламиз ва эътиқод қиласмизки, Аллоҳ таоло Бадр аҳлига қаратада: «Хоҳлаган ишингизни қиласверинглар, Мен сизларни кечирдим» деб айтган.¹ Улар уч юз ўндан ортиқ эдилар.

Ишонамизки, «Дарахт остида байъат қилган кишилардан биронтаси дўзахга тушмайди».²

Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар, улар бир минг тўрт юз ёки бир минг беш юз чоғли эдилар.

Аллоҳ таоло деди: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан — улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида — рози бўлди. Бас, У зот уларнинг

1 Бухорий (3007) ва Муслим (2494) ривоятлари.

2 Муслим (2496) ривояти.

дилларидаги нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди» (Фатҳ: 18).

Гувоҳлик берамизки, улар энг афзал уммат бўлмиш ушбу умматнинг энг афзал кишилариридир, улардан кейин яшаганлар Уҳуд тогича олтин сарф қилсалар ҳам уларнинг бир ҳовуч балки яrim ҳовуч қилган озиқ-овқатдан иборат садақаларининг фазилатига ҳам етиша олмайди. Бироқ, шуни ҳам унутмаймизки, улар ҳам маъсум-бегуноҳ эмаслар, улар ҳам хато қиладилар. Лекин улар мужтаҳидлардир, ижтиҳодларида тўғри бўлсалар иккита ажрга, хато қилган бўлсалар битта ажрга эга бўладилар, хатолари эса кечирилган. Уларнинг фазилатлари, улар қилган солиҳ амаллар улардан содир бўлган гуноҳларни – агар содир бўлган бўлса – ювиб кетади, зотан озгина нажосат денгиз сувини булғата олармиди, Аллоҳ улардан рози бўлсин ва уларни ҳам рози қилсин.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг покиза аёллари ва аҳли байтлари ҳақида ҳам гап шу.

Биз дилида ёки тилида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари, аҳли байтлари ёки улардан биронтаси ҳақларида ёмон фикр-сўз бўлган кимсалардан хориж эканимизни эълон қиласиз, саҳобалар ва аҳли байтларга бўлган муҳаббатимизга, уларни дўст тутишимизга ва имкон қадар уларни ҳимоя қилишимизга Аллоҳни гувоҳ қиласиз. Зоро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам васиятларида айтганлар:

«Саҳобаларимни сўкманглар!»¹

«Саҳобаларим хусусида Аллоҳдан қўрқинглар!»²

«Мен сизларга икки оғир нарсани қўйиб кетаяпман, биринчиси Аллоҳнинг Китобидир, Аллоҳнинг Китобига амал қилинглар ва уни маҳкам тутинглар» дедилар, сўнг: **«ва аҳли байтим, мен сизларга аҳли байтим хусусида Аллоҳ(дан қўрқишлиарингиз лозимлиги)ни эслатаман»**, дедилар. (Хадис «Саҳиҳайн»да ва бошқаларда келган).

208-савол: Умумий суратда саҳобаларнинг энг афзали кимлар?

¹ Бухорий (3673) ва Муслим (2540) ривоятлари.

² Термизий (3862), Аҳмад (4/87), Ибн Абу Осим (992), Абу Нуъайм «Ҳиля»да (8/287) ривоятлари.

Жавоб: Уларнинг энг афзали – аввал муҳожирлардан, сўнг эса ансорлардан энг биринчи Исломни қабул қилганлар, сўнг Бадр ғазотида иштирок этганлар, улардан сўнг Ухуд ғазотида иштирок этганлар, сўнг Ризвон байъати эгалари, улардан сўнг: «**Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва** (Расууллоҳ билан бирга кофиirlарга қарши) **урушган кишилар** (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар билан) **баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар.** **Барчаларига Аллоҳ гўзал** (оқибат — жаннат) **ваъда қилгандир**» (Ҳадид: 10).

209-савол: Тафсилий суратда саҳобаларнинг энг афзали кимлар?

Жавоб: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтганлар: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида ҳеч кимни Абу Бакр билан, сўнг Умар билан, сўнг Усмон билан тенг кўрмасдик, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошқа асҳобларини бир-бирларидан афзал санамаган ҳолда қолдирардик».¹

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат сафари узра ғорда танг аҳволда эканларида Абу Бакр розияллоҳу анҳуга: «**Учинчи ҳамроҳлари Аллоҳ бўлган икки кишига нима гумондасиз?!**» деганлар.²

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«**Агар бирон кишини халил қилсан, Абу Бакрни халил қилган бўлардим. Лекин у биродарим ва дўстимдир.**»³

«**Аллоҳ мени сизларга пайғамбар қилиб юборди, шунда сизлар: «Ёлғон айтасан» дедингиз, Абу Бакр эса: «Рост айтасиз», деди ва менга моли ва жони билан ёрдам кўрсатди. Энди менинг биродаримни тинч қўясизларими, йўқми, ахир?!**»⁴

«**Эй Ибн Хаттоб! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар шайтон сизга бирон йўл устида йўлиқиб қолса, албатта бошқа йўлга бурилиб кетади.**»⁵

¹ Бухорий (2655) ривояти.

² Бухорий (3653) ва Муслим (2381) ривоятлари.

³ Бухорий (466) ва Муслим (2382) ривоятлари.

⁴ Бухорий (3661) ривояти.

⁵ Бухорий (3683) ва Муслим (2396) ривоятлари.

«Сизлардан илгариги умматлар ичидә мұхаддас¹лар бўлган. Агар умматим ичидә бирон киши шундай бўлса, у Умар бўларди».²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўри билан сигирнинг сўзлашгани ҳақида гапира туриб: **«Албатта, бунга мен, Абу Бакр ва Умар ишонамиз»,** дедилар³, ўшандада бу икковлари ҳозир эмас эдилар.

Ризвон байъатида Усмон розияллоҳу анҳу Маккага кетганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўлларини кўрсатиб: **«Бу Усмоннинг қўли»,** дедилар, сўнг у билан иккинчи қўлларига уриб: **«Бу Усмон учун»,** дедилар.⁴

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким Рума қудугини қазиб** (сув чиқарса) **унга жаннат бўлади»,** дедилар, шунда Усмон уни қаздирдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким қийинчилик** (ҳолати устидаги) **лашкарни** (қурол-аслаҳа ва от-улов билан) **жангга ҳозирласа, унга жаннат бўлади»,** дедилар, Усмон уни ҳозирладилар.⁵

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Усмон розияллоҳу анҳу ҳақларида: **«Малоикалар ҳам ундан уяладиган кишидан мен қандай уялмай?!»,** деганлар.⁶

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий розияллоҳу анҳуга: **«Сиз мендан, мен эса сизданман»,** деганлар.⁷

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий розияллоҳу анҳу ҳақларида сўзлаб, у Аллоҳ ва Расулини яхши кўришини, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўришини хабар берганлар.

Яна айтганлар: **«Мен кимнинг мавлоси** (дўсти) **бўлсам, Алий ҳам унинг мавлосидир».**⁸

Алийга қарата: **«Менга нисбатан Ҳоруннинг Мусога нисбатан тутган ўрнида бўлишга рози эмасмисиз?! Бироқ, мендан сўнг пайғамбарлик йўқдир»,** деганлар.¹

¹ Мұхаддас - Аллоҳ тарафидан дилига тўғри фикр ва тўғри сўз илҳом қилинувчи одам.

² Бухорий (3689) ва Муслим (2398) ривоятлари.

³ Бухорий (3690) ва Муслим (2388) ривоятлари.

⁴ Бухорий (3699) ривояти.

⁵ Бухорий (2778) ривояти.

⁶ Муслим (2401) ривояти.

⁷ Бухорий ривояти.

⁸ Термизий (3713), Аҳмад (4/370), Насойи ва бошқалар ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ўн киши жаннатда: Набий жаннатда, Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Алий жаннатда, Талҳа жаннатда, Зубайр ибн Аввом жаннатда, Саъд ибн Молик жаннатда, Абдураҳмон ибн Авф жаннатда». Ҳадис ровийси Саид ибн Зайд ўзини кўзда тутиб: «Истасам ўнинчисини ҳам айтган бўлардим», деди, розияллоҳу анҳум ажмаъийн.²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умматим ичида умматимга энг раҳмлиси Абу Бакрdir, Аллоҳнинг дини хусусида энг қаттиги Умарdir, ҳаёси кучлироғи Усмонdir, ҳалол-ҳаромни билувчироғи Муоз ибн Жабалdir, Аллоҳнинг Китобини билувчироғи Убайдир, фароиз (мерос илми)ни билувчироғи Зайд ибн Собитdir, ҳар бир умматнинг амини (омонатдор кишиси) бор, бу умматнинг амини Абу Убайда ибн Жарроҳdir».³

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайн икковлари жаннат аҳли йигитларининг саййидлари⁴ ва ўзларининг райҳонлари эканларини⁵ хабар берганлар.

Айтганларки: «Эй Аллоҳим, мен буларни яхши кўраман, Сен ҳам уларни яхши кўргин».⁶

Ҳасан ҳақида: «Менинг бу ўғлим саййидdir ва Аллоҳ у билан мусулмонларнинг катта икки гурӯҳи ўртасини ислоҳ қиласди» деганлар⁷ ва айтганларидек бўлди.

Уларнинг оналари хусусида: «У жаннат аҳли аёлларининг саййидасидир» деганлар.⁸

Бошқа кўплаб саҳобаларнинг ҳам умумий ва хусусий суратда фазилатларининг баёни саноқсиз равишда келган. Улардан битталарининг бир соҳада бошқаларидан афзал эканлиги ҳамма соҳада афзал эканини англатмайди, фақат тўрт халифа бундан мустасно.

¹ Бухорий (44160) ва Муслим (2404) ривоятлари.

² Термизий (3748, 3757), Аҳмад (1/188), Насойи (5/55, 56), Абу Довуд (3648) ва бошқалар ривоятлари.

³ Термизий (3791), Ибн Можа (154) Аҳмад (3/184) ва бошқалар ривоятлари.

⁴ Термизий (3768), Аҳмад (3/3, 62, 64), Ибн Ҳиббон (6959) ва бошқалар ривоятлари.

⁵ Бухорий (3753) ривояти.

⁶ Бухорий (3735) ва Муслим (2421) ривоятлари.

⁷ Бухорий (3746) ривояти.

⁸ Бухорий (6224) ва Муслим (2450) ривоятлари.

Аввалги учталари юқорида Ибн Умардан ривоят қилинган ҳадис маъносига кўра бўлса, Алий розияллоҳу анҳу аҳли суннанинг ижмоъига кўра учовларидан кейин ер юзи аҳлининг энг яхши кишиси дирлар.

210-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин халифалик муддати қанча?

Жавоб: Абу Довуд ва бошқалар Сафинадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Пайғамбарлик хилофати ўттиз йил, сўнг Аллоҳ мулк (подшоҳлик)ни Ўзи истаган кишига беради**», деганлар.¹

Бу муддат Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий розияллоҳу анҳумнинг халифалик муддатлариридан. Абу Бакр 2 йил-у 3 ой, Умар 10 йил-у, 6 ой, Усмон 12 йил, Алий 4 йил-у 9 ой халифалик қилдилар. Ҳасан ибн Алийга байъат берилган 6 ой билан 30 йил мукаммал бўлади.

Ислом подшоҳларининг биринчиси Муовия розияллоҳу анҳудир, у уларнинг энг яхшиси ва афзалидир. Ундан сўнг то Умар ибн Абдулазизгача зўравон шоҳлар даври бўлди, хулафои рошидийн йўлини тутгани учун Умар ибн Абдулазизни аҳли сунна бешинчи халифа деб атаган.

211-савол: Мазкур 4 халифанинг халифа бўлишларига умумий далиллар борми?

Жавоб: Бунга жуда кўп далиллар бор. Жумладан, халифалик муддати 30 йил дейилгани ва бу уларнинг даврларини ўз ичига олгани, юқорида айтилганидек, улар бошқалардан афзал саналганлари, бир-бирларидан хилофат тартиби бўйича афзал эканлари, шунингдек Абу Довуд Самура ибн Жундабдан ривоят қилган ҳадисда айтилганидек, бир киши деди: «Ё Расулуллоҳ, тушимда кўрдимки, осмондан бир чеълак тушиб келди. Шунда Абу Бакр келиб, унинг икки дастасидан ушлаб, озгина ичди. Сўнг Умар келиб, унинг дасталаридан ушлаб, қониб ичди. Сўнг Усмон келиб, унинг дасталаридан тутиб, қониб ичди. Сўнг Алий келиб, унинг дасталаридан тутди, шунда чеълак бир силкинди ва ундан Алийнинг устига бир оз сув тўкилди».²

¹ Термизий (2226), Насойи «Кубро»да: (5/47), Абу Довуд (4646, 4647), Аҳмад (5/22, 221) ва бошқалар ривоятлари.

² Абу Довуд (4637), Аҳмад (5/ 21) ривоятлари.

Бундан ҳам күчлироқ далил – ижмоълари мақбул бўлган зотлар тарафидан бу тўртовларининг халифаликларига бўлган ижмоъдир, улардан биронталарининг халифалигини фақатгина адашган ва бидъатчи кимсаларгина инкор қилишлари мумкин.

212-савол: Учовларининг халифаликларига умумий далиллар борми?

Жавоб: Бунга кўп далиллар бор. Улардан баъзилари юқорида ўтди. Бундан ташқари, Абу Бакр розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни: «Бугун қай бирингиз туш кўрди?» деб сўрадилар. Бир киши: «Мен тушимда кўрдимки, осмондан бир тарози тушди. Шунда сиз билан Абу Бакр икковингиз тортилдингиз, сиз Абу Бакрдан оғир келдингиз. Умар билан Абу Бакр тортилдилар, Абу Бакр оғир келди. Умар билан Усмон тортилдилар, Умар оғир келди. Сўнг тарози осмонга чиқиб кетди», деди.¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Бугун бир солиҳ кишининг тушида кўрилдики, Абу Бакр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғланган, Умар Абу Бакрга боғланган, Усмон Умарга боғланган экан».**²

213-савол: Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумонинг халифаликларига умумий далиллар нима?

Жавоб: Бунга кўп далиллар бор. Жумладан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Тушимда кўрдимки, бир қудук устида турибман. Унинг устида бир чеълак бор экан. Ундан Аллоҳ хоҳлаганича сув тортиб олдим. Сўнг чеълакни Ибн Аби Қуҳофа олдида, ундан бир ёки икки чеълак сув тортиб олди, унинг тортишида заифлик бор эди, Аллоҳ унинг заифлигини мағфират қилсин. Сўнг у катта чеълакка айланиб қолди. Шунда Ибн Хаттоб уни олди. Мен Умарнинг сув тортишидек тортадиган биронта паҳлавонни кўрмаганман, ҳатто одамлар туяларини ҳам суғориб олишди».³

¹ Абу Довуд (4634, 4635), Термизий (2287), Ҳоким (3/70, 71) ривоятлари.

² Абу Довуд (4636), Ҳоким (3/71), Аҳмад (3/355) ривоятлари.

³ Бухорий (3664) ва Муслим (2392) ривоятлари.

214-савол: Абу Бакрнинг халифалигига ва унинг биринчи халифа бўлишига далил борми?

Жавоб: Бунга сон-саноқсиз далиллар бор, улардан баъзилари юқорида ўтди. Бундан ташқари, саҳих ҳадисда айтилишича, бир аёл Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келганида у зот уни кейин яна қайтиб келишга буюрдилар. У: «Агар келганимда сизни топа олмасам-чи? (яъни вафот этган бўлсангиз-чи?)», деди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Агар мени топмасанг, Абу Бакрга бор»**, дедилар.¹

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга дедилар: **«Менга отанг ва акангни чақир, бир хат ёзиб берай. Чунки, бирон тамагир тамаъ қилиб қолишидан ва бирон даъвогар: «Мен лойиқроқман» деб қолишидан қўрқаман. Аллоҳ ҳам, мўминлар ҳам Абу Бакрдан бошқасига кўнмайдилар».**²

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган касалликларида Абу Бакри намозга имом қилишларида ҳам шундай сўзларни айтганлар.³

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг байъатларига Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча саҳобалари, муҳожирлару ансорлар ва улардан кейингилар ҳаммаси иттифоқ қилганлар.

215-савол: Абу Бакрдан кейин Умарнинг халифа қилинишига далил борми?

Жавоб: Бунга ҳам кўп далиллар бор, айримлари юқорида ўтди. Яна Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мен сизларнинг ораларингизда қанча муддат қолишимни билмайман. Бас, мендан кейингиларга эргашинглар!»** деб Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумога ишора қилганлар.⁴

Денгиз тўлқинларидек тўлқинланувчи фитналар ҳақидаги ҳадисда келганидек, Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Умар розияллоҳу анҳуга: «Сиз билан у фитналар орасида тамбаланган эшик бор» деди. Умар: «У эшик очиладими, синдириладими?» деб сўради. «Синдирилади», деди.

¹ Бухорий (3659) ва Муслим (2386) ривоятлари.

² Бухорий (2387) ривояти.

³ Бухорий (716) ва Муслим (418) ривоятлари.

⁴ Термизий (3663), Ибн Можа (97), Аҳмад (5/399) ва бошқалар ривоятлари.

«Ундей бўлса, қайта беркилмас экан» деди. Эшиқдан мурод Умар эди.¹ Эшикнинг синдирилиши унинг ўлдирилиши эди. Умардан сўнг уммат ўртасидан қилич кўтарилемади.

Уммат Умар розияллоҳу анҳуни Абу Бакр розияллоҳу анҳудан кейин халифа қилишга иттифоқ қилган эди.

216-савол: Улардан сўнг Усмоннинг халифа қилинишига далил борми?

Жавоб: Кўп далиллар бор. Баъзилари юқорида ўтди. Каъб ибн Ужра ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна ҳақида гапириб, унинг яқин орада бўлишини айтдилар. Шу пайт бошини ўраб олган бир киши ўтиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шу одам ўша кунда тўғри йўлда бўлади», дедилар. Сакраб туриб бориб, Усмоннинг билакларидан тутдим сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қараб: «Шуми?» дедим. «Шу», дедилар.²

Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Усмон, агар бир кун келиб Аллоҳ сени шу ишга волий қилса-ю, мунофиқлар Аллоҳ кийдирган кўйлагингни ечиб олишни истасалар, сен уни ечмагин», деб уч бор тақрорладилар.³

Усмонга байъат қилишга Шуро ахли, сўнг бошқа саҳобалар иттифоқ қилганлар, Абдурраҳмон ибн Авфдан сўнг биринчи бўлиб Алий розияллоҳу анҳу, кейин бошқа одамлар байъат қилганлар.

217-савол: Алийнинг улардан сўнг халифа бўлишига ва унинг ҳаққа яқинроқ эканига далил борми?

Жавоб: Бунга кўплаб далиллар бор, баъзилари юқорида ўтди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аммор розияллоҳу анҳу ҳақида айтган гаплари ҳам далилки: «Бечора Аммор, уни золим гуруҳ ўлдиради. Бу уларни жаннатга чорлайди, улар эса уни дўзахга чақиришади», деганлар.⁴ Аммор Алийнинг — розияллоҳу анҳумо — қўшинида эканида уни Шом ахли ўлдириди, у уларни суннат ва жамоатга ҳамда ҳақ имом бўлмиш Алий розияллоҳу анҳуга итоат қилишга чорлаган эди.

¹ Бухорий (525) ривояти.

² Термизий (3704), Аҳмад (5/35), Ибн Можа (111) ривоятлари.

³ Термизий (3705), Аҳмад (6/86), Ибн Можа (112), Ибн Ҳиббон (6915) ривоятлари.

⁴ Бухорий (2812) ва Муслим (2915) ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Одамлар бўлинган пайтда бир гурӯҳ ажралиб чиқади, ҳақ устида бўлган бир тоифа уларни ўлдиради**».¹ Хаворижлар ажралиб чиқиши, Наҳравон куни Алий розияллоҳу анҳу уларни ўлдиридилар. У зот барча аҳли суннанинг иттифоқига кўра ҳақиқат узра бўлишга лойиқроқ киши эдилар.

218-савол: Улул-амр (мусулмон ҳоким, бошлиқ)ларга нисбатан зиммамиздаги вазифалар қандай?

Жавоб: Ҳақ устида уларга бўйсуниш ва итоат қилиш, уларга холис насиҳат қилиш, юмшоқлик билан ҳаққа чорлаш ва ҳақни эслатиш, орқаларида намоз ўқиш, улар билан бирга жиҳод қилиш, закот-садақотларни уларга топшириш, жавр қилсалар-да сабр қилиш, модомики очик куфрни изҳор қилишмас экан, уларга қилич кўтариб чиқмаслик, уларни ёлғон мақтовлар билан ғуурлантирмаслик ва улар ҳаққига салоҳият ва тавфиқ сўраб дуо қилиш.

219-савол: Бунга қандай далил бор?

Жавоб: Бунга далиллар кўп. Жумладан, Аллоҳ таоло айтади:

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!»
(Нисо: 59).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Сизларга бир қул амир қилиб тайинланган бўлса-да, унга қулоқ тутинг ва итоат этинг!».²

«Ким амири тарафидан ўзи ёқтиргмаган бир ишни кўрса, унга сабр қилсин. Чунки, ким жамоатдан бир қарич ажралиб ўлса, жоҳилият ўлимини топган бўлади».³

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни чақирдилар, биз у зотга байъат бердик. Биздан байъат олган ишлар ичида тетиклик пайтимизда ҳам, ғайратсиз пайтимиз ҳам, қийинчилик пайтларда ҳам, енгилчилик пайтларда ҳам, ҳақ-хукуқларимизни ман қилганида ҳам (амирларга) қулоқ солиб, итоат қилиш, иш эгалари (амирлар) билан ҳокимият талашмаслик бор эди, «Фақат сизларда Аллоҳ тарафидан далил-хужжат бўлган очик куфрни

¹ Муслим (1065) ривояти.

² Бухорий (7142) ривояти.

³ Бухорий (7054) ва Муслим (1849) ривоятлари.

кўрсангизлар (уларга итоат қилмаслик мумкин)», дедилар (Муттафақүн алайх).

«Агар сизларга (қулоқ-бурни) кесилган қоп-қора қул амир қилинса, сизларни Аллоҳнинг Китоби билан бошқарар экан, унга қулоқ солинглар ва итоат қилинглар!».¹

«Мусулмон киши ўзи яхши кўрган ишларда ҳам, ёмон кўрган ишларда ҳам (амирга) қулоқ солиши ва итоат қилиши лозим, фақат маъсиятга буюрилганда (итоат қилмайди), маъсиятга буюрилса қулоқ солиш ҳам, итоат қилиш ҳам йўқдир».²

«Итоат фақат маъруф - яхши ишлардадир».³

«Агарчи орқангга урса ва молингни олса ҳам қулоқ сол ва итоат қил!».⁴

«Ким итоатдан қўл тортса, қиёмат куни Аллоҳга бирон ҳужжатсиз рўпара бўлади. Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлибди».⁵

«Бу умматнинг иши жамланган ҳолида ким уни бўлиб ташлашни истаса, ким бўлишидан қатъий назар уни қилич билан уринглар!».⁶

«Шундай амирлар бўладики, уларнинг (ишларини) маъруф ва мункар деб кўрасизлар. Шунда ким ёмон кўрса (гуноҳдан) хориж бўлади, ким инкор қилса (азобдан) саломат бўлади, аммо ким рози бўлса ва эргашса (гуноҳкор бўлади)». Саҳобалар: «Уларга қарши урушсак бўладими?» деб сўрашди. «Йўқ, модомики намоз ўқисалар», деб жавоб бердилар.⁷

Ва бошқа ҳадислар.

220-савол: Амри маъруф ва наҳий мункар кимнинг зиммасига вожиб, унинг даражалари борми?

Жавоб: Аллоҳ таоло деди:

«Ораларингиздан яхшиликка (исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топувчилардир» (Оли Имрон: 104).

¹ Муслим (1838) ривояти.

² Муслим (1839) ривояти.

³ Бухорий (7257) ва Муслим (1840) ривоятлари.

⁴ Муслим (1847) ривояти.

⁵ Муслим (1851) ривояти.

⁶ Муслим (1852) ривояти.

⁷ Муслим (1854) ривояти.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: «**Сизлардан ким бир мункарни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Агар қодир бўлмаса тили билан** (унинг ёмонлигини баён қилсин), **бунга ҳам қодир бўлмаса дили билан** (ёмон кўрсин). **Бу иймоннинг энг заифидир»¹**

Бу ҳақда жуда кўп оят ва ҳадислар мавжудки, улар маъносига кўра амри маъруф ва наҳий мункар ҳар бир мўмин зиммасига вожиб бўлиб, ҳар ким ўз имконияти ва иқтидори даражасига қараб уни адo этиши лозим бўлади, иқтидори юксакроқ ва илми кўпроқ кишилар учун унинг вожиблиги ҳам қаттиқроқ бўлади. Гуноҳкор қавмларга азоб тушган пайтда фақат наҳий мункар қилғанларгина саломат қолганлар. Биз бу мавзууда алоҳида китоб ёзганмиз, ҳақни излаган одам уни ўқиб фойдалансин.

221-савол: Авлиёларнинг кароматлари ҳақида нима дейсиз?

Жавоб: Авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Каромат – уларнинг қўлларида уларнинг хунаридан бўлмаган ғайри оддий ишларнинг зоҳир бўлишидир, бу ишларни улар гарчи билмасалар-да, Аллоҳ уларнинг қўлларида жорий қилади. Асҳобул каҳф, гор оғзини тўсган харсанг эгалари, роҳиб Журайж қиссалари каби. Ислом умматида ҳам кароматлар кўплаб содир бўлган, муртадларга қарши уруш кунларида Абу Бакрдан содир бўлган ишлар, Умар минбар устида туриб Шомдаги Сорияга қилган нидосининг эшитилгани, Мисрдаги тўхтаб қолган Нилга хат ёзганида унинг оққани, Румликларга қарши жангиди Алоъ ибн Хазрамий оти билан денгиздан юриб ўтгани, Абу Муслим Хавалонийнинг Асвад ал-Ансий унга ёккан гулхан ичидаги намоз ўқигани каби воқеалар.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам замонларида ҳам, сахобалар ва тобеинлар даврида ҳам, улардан кейин ҳозирда ҳам ва то қиёматгача бундан бошқа ҳам кароматлар содир бўлди ва бўлаверади. Аслида бу кароматлар барчаси пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг мўъжизалари бўлиб, у зотлар Набий соллаллоху алайҳи ва салламга ҳақиқий эргашиб билан уларга эришганлар.

Набий соллаллоху алайҳи ва салламга эргашмаган бирон кимса қўлида ғайри оддий иш содир бўлса, у фитна ва кўзбўямачилиқдир, каромат эмасдир.

¹ Муслим (49) ривояти.

222-савол: Авлиёуллоҳлар (Аллоҳнинг дўстлари) кимлар?

Жавоб: Улар Аллоҳга иймон келтирган, Ундан тақво қилган, Унинг розилигига интилган, Унинг пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган кишилардир.

Аллоҳ таоло деди:

«Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар» (Юнус: 62).

Сўнг уларнинг кимлигини баён қилиб, деди: **«Иймон келтирган ва (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлган зотлар учун»** (Юнус: 63).

«Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Коғирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар коғирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар» (Бақара: 257).

«Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, унинг пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир. Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зоро фақат Аллоҳнинг ҳизби-гуруҳигина ғолиб бўлувчидир» (Моида: 55, 56).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Фалончи-пистончининг оиласи менинг дўстларим эмас, балки менинг дўстларим тақводорлардир».**¹

Ҳасан раҳимахуллоҳ деди: «Бир қавм Аллоҳнинг муҳаббатини даъво қилган эди, Аллоҳ уларни мана бу оят билан имтиҳон қилди: **«Айтинг (эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади»** (Оли Имрон: 31).»

Шофеий раҳимахуллоҳ деди: «Агар бир кишининг сув устида юриб кетаётганини ёки ҳавода учайдиганини кўрсаларингиз, то унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишини билмагунингизча тасдиқламангиз ва алданиб қолмангиз!»

223-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимдан бир тоифа ҳақ устида ғолиб бўлиб давом этади, то Аллоҳ таборака ва таолонинг иши (қиёмат) келгунича уларга қарши чиққанлар

¹ Бухорий (5990) ривояти.

уларга зарар етказа олмайды»¹ деган сўзлари билан қайси тоифани кўзда тутганлар?

Жавоб: Бу тоифа – етмиш уч фирмә ичидан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам истисно қилған нажот топувчи фирмәдир: «**Барчаси дўзахда, фақат биттаси, у - жамоатдир**», бир ривоятда: «**Улар бугун мен ва асҳобларим юрган йўл устида юрувчи кишилардир**² деганлар.

Аллоҳ таолодан бизларни ҳам ўша тоифадан қилишини, бизларни Ўзи ҳидоят қилганидан сўнг қалбларимизни ҳақ йўлдан оғдирмаслигини, бизларга Ўзи томонидан раҳмат ато этишини сўраймиз, зеро Угина Ваҳҳоб-берувчидир.

«Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз уларнинг сифатларидан (яъни ҳар қандай айбу нуқсондан) покдир. (Барча) пайғамбарларга Аллоҳ томонидан салом бўлгай! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори — Аллоҳ учундир!» (Вас-соффат: 180-182).

Муаллифдан: Ушбу сатрларни 1365- ҳижрий, Шаъбон ойининг биринчиси, душанба куни ёзиб битирдим, мазкур ойининг ўн тўртинчиси, якшанба куни уларни оққа кўчирдим. Аллоҳ барча саъй-ҳаракатимизни холис Ўзининг ризоси учун бўлишига муваффақ қилсин. Омин.

Ўзбекчага таржимаси 19- сафар 1428- ҳижрий, жума куни ниҳоясига етди.

¹ Бухорий (7311) ва Муслим (1921) ривоятлари.

² Абу Довуд (4596), Термизий (2642), Ибн Можа (3991) ривоятлари.